

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ
ЎСАМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Б.Йўлдошев

**“ЎЗБЕК ОНОМАСТИКАСИ
МАСАЛАЛАРИ”**

таълиманма фанидан услубий
қўлланма

*Ўсамарқанд давлат университети
ўқув- услубий кенгаши томонидан
наширга тавсия этилган*

Ўсамарқанд - 2011

УДК:4

Й -69

Йўлдошев Б. “Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанидан услубий қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2011
112 б.

ББК:81

“Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фани 5А 220100 филология (Ўзбек филологияси) йўналишининг 3-курс талабаларига утилади. Мазкур иш бакалавр талабалар орасида ўзбек ономастикасининг топонимика, гидронимика, антропонимика, космонимика, мифонимика, этнонимика каби соҳалари бўйича маърузаларни, амалий ва семинар машғулотларини илмий-методик жиҳатдан тўзри таъкил этишига ёрдам беради. Услубий қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми шу танланма фан бўйича маъруза матнларини ўз ичига олади. Кейинги қисмда танланма фан бўйича тест топшириқлари, амалий ва семинар машғулотлари режалари, мустақил таълим мавзулари, реферат ёзиш учун мавзулар ҳамда умумий адабиётлар рўйхати ўрин олган. Иш охирида танланма фандан талабалар билимини жорий баҳолаш мезонлари ва шу фан бўйича утказиладиган рейтинг назоратлари жавоблари ҳам мавжуд.

Мазкур услубий қўлланма ўзбек ономастикаси масалалари билан қизиқувчи талабалар, магистрантлар, аспирант ва тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир проф. А.Абдусандов

Таъризчилар:

проф. Б.Ўрнибоев

доц. Х.Хайруллаев

© Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети. 2011

СЎЗ БОШИ

Маълумки, филология (ўзбек тили ва адабиёти) йўналишига оид бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва ўзлаштирадиган билимлари мазмунига бир қанча умумий малакавий талаблар қўйилган.

Жумладан, бакалаврнинг касбий фаолият объектлари: турли объектларга қўйилган жой номларини, топонимларни, гидронимларни, киши исмлари, лақабу насаб, фамилиялар антропонимларнинг мазмунини тушуна олиш, уларнинг хусусиятлари ҳақида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Шу билан бирга бакалавр жамиятдаги барча нарса, предмет, воқеа-ҳодисаларга атаб қўйилган номлар – атоқли отларнинг шаклланиши, уларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги фан – ономастика (номшунослик) соҳаси ҳақида етарли билим ва кўникмаларга ҳам эга бўлиши лозим. Шу нуқтаи назаридан олий ўқув юртлари Илмий кенгашлари қарори билан филология факультети бакалавр талабаларига «Ўзбек ономастикаси масалалари» деб номланувчи танланма фан киритилган. Бу танланма фан мазмуни билан танишиш бакалавр талабаларни атоқли отлар ономастик бирликларга чуқур хурмаг хиссини тарбиялашга хизмат қилади.

Бакалавр тайёргарлигига қўйиладиган умумий малакавий талаблар доирасида «Ўзбек ономастикаси масалалари» танланма фани бўйича қуйидагилар ҳақида аниқ *тасаввурга эга бўлиши* лозим:

- тилнинг ономастик бирликлари, ономастик қўлами ва ономастик майдони ҳақида умумий маълумот, уларни ифодаловчи терминлар маъноси ва талқинлари;

- тилнинг ономастик бирликлари, ономастик қўлами ва ономастик майдони ҳамда улар ҳақидаги билимлар мажмуининг жаҳон ва ўзбек тилшунослигида илмий, назарий, амалий ва услубий жиҳатлардан тадқиқ этилиши, яъни уларни бир бутун тизим сифатида ўрганилиш тарихи билан танишиш;

- ономастиканинг, шу жумладан, ўзбек ономастикасининг тилшунослик, география, тарих, этнография, археология, мифология, фольклоршунослик каби соҳалар билан ўзаро муносабати ва улар қаторида тутган ўрни ҳақида аниқ *тасаввурга эга бўлиш*;

- ономастик тадқиқотларнинг тасвирий, тарихий, қиёсий-чоғиштирма, ареал, семиотик, услубий, статистик методлари ҳақида билим ва кўникмага эга бўлиш ҳамда уларни амалда қўллай билиш;

- ўзбек антропонимикаси, унинг илмий тадқиқотларда ўрганилиш даражаси, ўзбек антропонимикасининг илмий асосларда тадқиқ этилишидаги асосий жараёнлар ва босқичларни ажрата билиши;

- ўзбек топонимикаси, гидронимикасининг илмий ва амалий таҳлиллари талқини, уларнинг умумий тавсифи ва таснифи масаласини эркин тушунтириши ва амал қилиши;

- топоним, гидроним, этнотопоним, ойконим ва урбонимларнинг гуруҳланиши ва лексик-семантик, морфологик ва этимологик таснифлари масалаларининг ўрганилиш даражасини мисоллар асосида изоҳлай олиш;

- ўзбек топонимларида ва гидронимларида арабча, форсча, мўғулча, хитойча, сўғдча элементларни, яъни гибрид элементларни ажрата билиш кўникма ва имкониятларига эга бўлиши;

- умумий ва ўзбек этнонимикаси, уруғ, қабила, элат, халқ ва миллат номлари, ўзбек халқ этнонимикаси масалаларини ўзаро алоқа ва боғлиқликда таҳлилу талқин эта олиши;

- ўзбек космонимикаси, самовий жисмлар, юлдузлар, планеталарнинг номларининг илмий ва амалий асосларда ўрганилишини таҳлил ва талқин этилиши;

- космонимик объектларнинг ўзаро алдоқалорликда эканлигини илмий, амалий қимматга молик тадқиқотлар воситасида уларга хос ўзаро боғлиқлик ҳамда алоқадорликка эга бўлган нукталарини билиш;

- ўзбек зоонимияси, идеонимияси, ктематонимияси ва уларнинг асосий муаммоларини фарқлай олиш;

- ўзбек мифонимияси, Хизр, пайгамбар номлари, бадий асар сарлавҳалари (идеонимлар) ва уларнинг ўзига хос белгиларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ўзбек ономастикаси(номшунослиги)да имло ва транскрипцияга оид қонуниятлар мажмуи, топонимларнинг имлоси ва талаффузи билан боғлиқ амалий муаммолар ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиш;

- ўзбек ономастикаси, яъни номшунослиги муаммоларини мактабларда, лицей ва коллежларда, олий таълим муассаларида

Ўрганиш усулларини аниқ фарқлай билиш ҳамда улардан таълим жараёнида самарали фойдалана олиш лозим бўлади.

Бу танланма фан бўйича бакалавр талаба куйидагиларни билиши ва амалда фойдалана олиши лозим:

- атоқли от ва турдош отларнинг, апеллятив лексиканинг ўзаро муносабатларини изоҳлай олиш;

- тилшуносликда атоқли отларнинг ўрганилиш тарихи, бунга доир турли хил назариялар ҳақидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиш;

- тилнинг ономастик кўлами, унинг супер ономастик кўлам, макроономастик кўлам, микроономастик кўлам, ономастик кўламчаларга бўлиниши, унинг мантикий асослари ҳақида етарли билимга эга бўлиш;

- мамлакатимиз ҳудудидаги “Тошкент”, “Самарқанд”, “Урганч”, “Даҳбед”, “Марғилон” сингари бир қанча топонимларнинг этимологияси ҳақида етарли билимга эга бўлиш;

- *Сирдарё, Амударё, Норин, Зарафшон, Қорадарё, Оқдарё, Волга, Енисей, Байкал кўли, Орол денгизи, Нартай, Ладога кўли, Бузсув, Анҳор, Дарғом* каби гидронимларнинг этимологиясига доир турли хил қарашлар ҳақидаги маълумотларни изоҳлай олиш, уларга муносабат билдира олиш.

Шу билан бирга бакалавр талаба “Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанидан куйидагилар бўйича етарли тажрибага эга бўлиши лозим:

- матн таркибидаги ономастик бирликларни ажрата билиш ва уларни лисоний, коммуникатив-прагматик жиҳатдан таҳлил қиладиган олиш;

- топонимлар, гидронимлар, этнонимлар, этнотопонимлар, антропонимлар, анротопонимларнинг тилда пайдо бўлиш жараёни, уларнинг тарихий-географик ва этнографик асосларини белгилай олиш;

- ўзи яшаб турган ҳудуддаги жой номлари, гидронимлар, этнонимларни тўплаш, системалаштириш ҳамда илмий ва амалий жиҳатдан уларни асослай олиш;

- космонимлар, мифонимлар, идеонимлар, ктематонимлар ва бошқа ономастик кўлам бирликларини матндан топиш ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлигини фаҳмлай олиш;

- апеллятив лексиканинг ономастик бирликларни шакллантиришдаги роли масаласини аниқ тушуниш;

- ўзбек ономастикаси фани, унинг таркибий қисмларининг ривожланишида Х.Ҳасанов, Б.Аҳмедов, С.Қораев, Э.Бегматов, Т.Эназаров, Н.Хусанов, Т.Нафасов, Т.Раҳматов, К.Марқаев, Н.Улуқов, О.Бегимов, Н.Бегалиев, А.Туробов каби олимларнинг ҳиссаси, топонимик луғатлар, уларнинг турларини илмий жиҳатдан асослай олиш;

- ономастика, шу жумладан, ўзбек ономастикаси фанининг назарий ва амалий томонларини ўрганиш билан мустақил шуғуллана олиш лаёқатига эга бўлиш кабилар.

Фаннинг мутахассис тайёрлашдаги ўрни, предметлараро боғланиши. “Ўзбек ономастикаси масалалари” деб номланувчи танланма фан филология (ўзбек тили ва адабиёти) ихтисослиги бўйича бакалавр тайёрлашда мутахассислик фанлари блокининг марказий бўғинидан ўрин олганлиги сабабли бу йўналиш бўйича бошқа лингвистик фанлар (“Тилшуносликка кириш”, “Туркий филологияга кириш”, “Ўзбек диалектологияси”, “Қадимги туркий тил”, “Ўзбек тили тарихи”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси”, “Ўзбек тилшунослиги тарихи”, “Умумий тилшунослик” кабилар)даги илмий талқинлар, терминлар, таҳлил усули, масалаларнинг ечимидagi ёндошувлар мазкур танланма фан мазмунига мувофиқ келиши зарур. Бу танланма фан умумметодологик фанлар блокининг “Ўзбекистон тарихи”, “Фалсафа”, “Иқтисод назарияси”, “Мантик”, “Этика ва эстетика” каби фанлари билан ҳам узвий боғлиқдир.

“Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фани бўйича белгиланган ўқув соатлари тўла ўтилгандан кейин бакалавр талабалар жорий, оралик ва якуний назоратлари топширадилар. Бу фандан жорий назорат баллари амалий машғулотларни ўтиш жараёнида қўйилади. Бакалавр талабалар танланма фаннинг тегишли соҳалари бўйича маъруза тинглаш билан бирга, амалий машғулотларда тавсия этилган адабиётларни ўқиш жараёнида эгаллаган билимларини намоёиш этишлари лозим. Мустақил ишда эса белгиланган мавзулар бўйича тайёрланадилар ва ономастик кўлам тушунчаларини фарқлаш, аниқ топонимлар, гидронимлар, этнонимлар, ойконимлар, урбонимлар ва бошқа ономастик бирликлар таҳлили билан боғлиқ амалий топшириқларни бажарадилар. Интернетдан “Ўзбек ономастикаси масалалари» танланма фани бўйича (“Ономастика”, “Ономастическое пространство”, “Топонимика”, “Этнонимика”, “Гидронимика”

Ҳаби) янги илмий-назарий адабиётларни топадилар, уларнинг асосий қисмини ўқиб ўзлаштирадилар. Бу танланма фан бўйича мустақил ишлар ўқитувчи раҳбарлиги ва назорати остида бакалавр талаба томонидан мустақил равишда бажарилади. Бунда бирор матндан ономастик бирликларни тўғлаш, системалаштириш, тегишли топонимлар, гидронимлар, этнонимлар, космонимлар, мифонимлар ва бошқа ономастик бирликларнинг этимологияси, умуман лисоний таҳлилни амалга ошириш, ономастиканинг бирор соҳаси ривожда тилшунос, географ, тарихчи, этнограф олимларнинг улушини таҳлил жараёнида кўрсатиб бериш назарда тутилади. Бакалавр талаба “Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанидан бажарилган мустақил иш бўйича реферат тайёрлайди ҳамда ёзган рефератини бакалавр талабалар билан ўтказилган йиғилишда ҳимоя қилади, шундан кейин унга шу танланма фан бўйича бажарган мустақил иши учун тегишли балл (баҳо) кўйилади.

1-маъруза

“ЎЗБЕК ОНОМАСТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУИДАГИ ТАНЛАНМА ФАННИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: ономастика, топонимика, антропонимика, ономастик кўлам, ономастик бирлик, ономастик лугат, ономастик термин, ономастик тушунча, “Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фани, танланма фаннинг мақсади, танланма фаннинг вазифалари, танланма фаннинг баҳс-мавзулари.

Ономастика – юнонча *onomastike* – бўзидан олинган бўлиб, “ном қўйиш санъати” деган маънони билдиради. Ҳозирги вақтда бу термин икки маънода қўлланилади:

1. Маълум бир тил, халқ таркибида қўлланган барча атоқли отларнинг йиғиндиси.

2. Атоқли отлар, уларнинг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи тилшунослик соҳаси¹.

XX асрнинг 60-70-йилларида ўзбек тилшунослигида бир қатор илмий йўналишлар пайдо бўлди. Масалан: экспериментал фонетика, фонология, морфонология, фразеология, стилистика (услубшунослик), нутқ маданияти, ижтимоий тилшунослик (социолингвистика), ареал лингвистика, лингвостатистика кабилар. Ўзбек ономастикаси ҳам ўша даврларда вужудга келган тилшуносликнинг янги соҳаларидан бири саналади.

Ўзбек ономастикаси (номшунослиги) ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тилшуносликнинг энг ривожланган соҳаларидан бирига айланди. Ўзбек номшунослиги бўйича олиб борилган кенг кўламли тадқиқотлар ўзбек ономастикаси соҳасини бир қатор монографиялар, рисолалар, изоҳли лугатлар, кўп сонли илмий мақолалар, номзодлик ва докторлик диссертациялари билан бойитди².

“Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанини ўрганиш учун Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида билдирилган куйидаги фикр-мулоҳазалар асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилади: “Бугунги кунда ёшларимиз юртимизнинг кўча ва хиёбонлари, метро ва автобус бекатлари, катта-катта майдонлар, биноларни безаб турган ўзбекча

¹ Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли лугати. Наманган, 2006. Б. 60.

² Бу ҳақда қarang: Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси. Библиографик кўрсаткич (XIX аср охиридан - 2008 йилгача эътибор қилинган ишлар олинган). - Наманган, 2008. - 168 б.

номлар, шиор ва лавҳаларни кўриб буларнинг барчасини одатий бир ҳол сифатида қабул қилади. Ваҳоланки, яқин тарихимизда бу манзара бутунлай бошқача кўринишга эга эди. Биргина Тошкент шаҳридаги кўчаларнинг номларини ўқиб, беихтиёр қайси мамлакатда юрганингизни билмай қолар эдингиз: *Ленин, Маркс, Энгельс, Луначарский, Киров, Ворошилов, Лопатин* ва ҳоказо. Шуниси ажабланарлики, большевиклар партиясининг дохийлари бўлмиш бу инсонларнинг бирортаси ҳам умрида юртимизга кадам кўймаган, бизнинг тарихимиз ва қадриятларимизга мутлақо алоқаси бўлмаган кимсалар эди. Ёки шаҳардаги аксарият тураржой мавзелари “Ц-1”, “Ц-2”, “Ц-15” деган, одамда ҳеч қандай ҳистуйғу, хотира уйғотмайдиган мавҳум номлар билан атаб келинганини эслайлик.

Буларнинг барчаси замирида совет мафқурасига хос бўлган, одамзотни тарихий хотира, Ватан туйғусидан жудо қилишга қаратилган ғаразли интилишлар мужассам эканини англаш, тушуниш қийин эмас.

Ҳолбуки, аجدодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, хиёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган. Мисол учун, Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чуқур маъноли, гўзал номларни олайлик. *Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Камолон, Қўймас, Кўқон, Қашқар* дарвоза деган номлар авваламбор ўзининг аниқ тарихий-жуғрофий маъноси билан ажралиб туради.

Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги *Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақаси, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоф* сингари маҳалла номлари бу ерда хунармандчилик нақадар ривожланганидан, халқимизнинг азалдан ўтрок ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, кейинги йилларда пойтахтимизда миллий тарихимизга бегона бўлган, юкорида зикр этилган ясама, сиёсий номлар ўрнига *Миробод, Рақат, Мингўрик, Дархонариқ, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Зарқайнар, Учтепа* каби асл номларнинг тикланганини, энг муҳими, бундай ишлар мамлакатимизнинг барча минтақа ва ҳудудлари микёсида амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз⁴³

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 91-93.

“Ўзбек ономастикаси масалалари” деб номланувчи танланма фаннинг асосий вазифаси ном қўйиш санъати бўлган ономастиканинг мамлакатда шаклланиши, ривожланиш босқичлари, ономастик бириликларни ўрганиш методлари ҳақида талабаларга зарур тушунча ва маълумотни беришдан иборатдир⁴.

Маълумки, ономастика тилшуносликнинг ҳар қандай атоқли отларни, уларнинг пайдо бўлиш ва ўзгариш тарихини ўрганувчи бўлими, шунингдек тилдаги барча атоқли отлар йиғиндисини ўзида ифодалайди. Ономастика фани тилдаги мавжуд ономастик тизимларни аниқлаш ва ўрганишни мақсад қилиб қўяди.

Ономастика фани атоқли номларни олган объектларнинг тоифаларига кўра қуйидаги гуруҳ (бўлим)ларга ажратади: *антропонимия* – кишиларнинг атоқли номлари (исмлари, фамилиялари, ота исмлари, лақаблари, тахаллуслари), *топонимия* – географик объектларнинг атоқли номлари, *теонимия* – турли диний тасаввурлар бўйича худодлар, маъбудлар, диний-афсонавий шахс ва мавжудотларнинг номлари, *зоонимия* – хайвонларга қўйиладиган (шартли) атоқли номлар, лақаблар, *космонимия* – фазовий бўшлик худудлари, галактикалар, буржлар ва бошқаларнинг илмий муомалада ва халқ орасида тарқалган номлари, *астронимия* – айрим осмон жисмлари (планета ва юлдузлар) номларининг мажмуини ўзида ифодалайди. Бундан ташқари ономастиканинг яна бир қанча бўлим (гуруҳ)лари мавжуд. Масалан, ономастиканинг бир бўлими *реалионимлар* (аввал ва ҳозир мавжуд бўлган объектларнинг номлари) деб номланса, унга зид бўлган *мифонимлар* ҳаёлий – тўқима объектларнинг номларини билдиради.

Атоқли номларнинг тил (лисоний) хусусиятларини ўрганилиш даражасига қараб ономастика *адабий ва диалектал ономастика, одатдаги (амалий) ва поэтик ономастика, замонавий ва тарихий ономастика, назарий ва амалий ономастика* каби турларга бўлинади.

Шулардан бири бўлган назарий ономастика тил ва нутқдаги, адабий ва диалектал соҳаларга тегишли атоқли номларнинг пайдо бўлиши, уларнинг номинация (номланиш) асослари, ривожланиши, шу жараёндаги турли хил ўзгаришлари, ономастик бириликларнинг нутқда қўлланилиши, муайян худуд ва тилларда тарқалиши ҳамда

⁴ Ўзбек ономастикаси масалалари. Намунавий дастур. Бакалаврият йўналиши: 5А 220100 – филология (Ўзбек тили ва адабиёти). Тузувчилар: Нўлдошев Б., Эназаров Т. - Самарқанд, СамДУ нашри, 2009. - 32 б.

ономастик бирликларнинг таркибий тузилишини ўрганади. Бадиий матнлардаги атокли номларни тадқиқ этиш алоҳида муаммо бўлиб, бу бадиий ономастика ёки ономапозетиканинг асосий вазифасидир. Ономастика, шунингдек, тилшуносликнинг қиёсий-тарихий, структур, генетик, ареал, ономастик хариталаштириш ва бошқа усуллари қўллаган ҳолда, атокли номларнинг фонетик, морфологик, деривацион (ясалиш, шаклланиш), семантик, этимологик каби жиҳатларини ҳам ўрганади.

Амалий ономастика хорижий тилларга мансуб номларнинг транскрипцияси, транслитерацияси, анъанавий (талаффуз ва ёзилишига кўра), таржима қилинадиган ва таржима қилинмайдиган номларни аниқлаш, “бегона” номларни ўз тилда қандай ёзиш бўйича йўриқномалар тайёрлаш, хорижий тиллардан ўзлашган номлардан янги ономастик бирликлар ҳосил қилиш билан, ном бериш ва номларни ўзлаштириш масалалари билан шуғулланади.

Ономастика, жумладан ўзбек ономастикаси тарих, этнография, генеалогия, геральдика, матншунослик, адабиётшунослик, география, астрономия, геология, демография каби бир қатор фанлар билан узвий алоқадор фан саналади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз олий ўқув юртларида бу танланма фан турли хил номлар билан ўрганилмоқда. Жумладан, ЎзМУда бу танланма фан “Номшунослик масалалари” деб номланади⁵, БухДУда эса “Ўзбек тили ономастикаси” деб номланган ихтисослик курси ўрганилади⁶. Ана шу ихтисослик курси материаллари асосида “Бухоро вилояти топонимлари” деб номланган ўқув қўлланмаси ҳам яратилди⁷.

“Ўзбек ономастикаси масалалари” номли танланма фани куйидаги мавзуларни ўз ичига олади:

1. Атокли отларнинг тилшуносликда ўрганилиш тарихи ҳақида.
2. Ҳозирги замон тилшунослигида атокли отларнинг ўзига хослиги муаммоларининг ўрганилиши.
3. Ўзбек ономастик кўлами, унинг ҳажми ва мазмуни.
4. Ономастик бирликларни тадқиқ этиш методлари.

⁵ Эпичаров Т. Номшунослик масалалари. Услубий қўлланма. – Тошкент: ЎзМУ нашри, 2010. – 110 б.;
⁶ Эпичаров Т. “Номшунослик масалалари” курсининг илмий-назарий ва илмий-амалий муаммолари //
Стилистика ва прагматика. Илмий-назарий конференция материаллари. 2-қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри,
2010. – Б. 133-137.

⁶ Қиличев Э. Ўзбек тили ономастикаси (5 А 220102 ихтисослиги учун). Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент,
2004. – 80 б.

⁷ Қиличев Б. Бухоро вилояти топонимлари. Ўқув қўлланма. – Бухоро: БухДУ нашри, 2008.

5. Ўзбек антропонимикаси, унинг тарихи ва асосий тараққиёт босқичлари.
6. Ўзбек топонимикаси, унинг асосий тараққиёт босқичлари.
7. Ўзбек топонимикасининг умумий тавсифи, унда ўз ва ўзлашган қатлам элементлари.
8. Ўзбек космонимикаси, зоонимикаси, гидронимикаси, этнонимикаси, идеонимикаси кабиларнинг ривожланиш босқичлари.
9. Ўзбек ономастикаси масалаларини лицей, коллежлар ва умумтаълим мактабларида ўрганиш муаммолари ва бошқалар.
Кейинги йилларда мамлакатимизда ономастиканинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Масалан, республикадаги ҳар бир вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари олдида топонимик объектларга ном қўйишни мувофиқлаштириш бўйича махсус комиссиялар иш юритмоқда. Бу комиссиялар ўша ҳудуддаги топонимик объектларга қўйилган номларни замон талабларига кўра янгилаш бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда. Масалан, проф.И.Сувонкулов Самарқанд шаҳри кўчаларининг янги номлари талқини ҳақида “Тарихимизнинг ўчмас саҳифалари” деб номланган асар яратди⁸. Худди шундай иш Қарши шаҳри бўйича ҳам амалга оширилган⁹.

Назорат саволлари:

1. “Ономастика” термини ва унинг мазмуни.
2. Ономастика фани ва унинг таркибий қисмлари ҳақида.
3. Ономастика (номшунослик) фанининг назарий ва амалий масалалари.
4. “Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанининг предмети, мақсади ва асосий баҳс мавзулари.

⁸ Тарихимизнинг ўчмас саҳифалари. Самарқанд шаҳри кўчаларининг янги номлари. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Сувонкулов И. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006. – 108 б.

⁹ Нафисов Т., Турсунов Ш. Қарши шаҳри маҳалла ва кўчалари - Тошкент: Маънавият, 2008. – 168 б.

ТИЛШУНОСЛИҚДА АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ

ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН

Таянч сўз ва иборалар: атоқли ном (от), турдош от, атоқли отлар алоҳида тил бирлиги, атоқли отларнинг ўзига хослиги муаммоси, атоқли отлар ҳақидаги мантиқий йўналиш, сўз-белгилар, характерловчи сўзлар, мужассамланувчи номлар, мужассамланмовчи номлар, А.Гардинер ва унинг “Атоқли отлар назарияси” асари, идеал атоқли отлар, десигнатли атоқли отлар, А.Гродзинский ва унинг “Атоқли отларнинг умумий назариясидан очерк” асари.

Тилдаги атоқли ном (от)ларнинг хилма-хил хусусиятлари жуда қадимги даврлардан буён турли соҳа олимларининг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Масалан, қадимги юнон олимлари Аристотел, Демокрит, Гераклитнинг асарларида ҳам атоқли отларнинг хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Жумладан, Аристотель “Поэтика” асарида отни путқ бўлақларидан бири деб ҳисоблайди ва унга қуйидагича таъриф беради: “От мураккаб, маъно англаувчи, замонни билдирмайдиган, қисмлари ўз-ўзидан маъно англамайдиغان сўздир”¹⁰. Эрамизгача 1-асрда яшаган Юлий Поллукс “Ономастик” номли атоқли отларга изоҳ берувчи лугат яратган. Стоиклар, жумладан Хрисипп атоқли отларни алоҳида тил бирлиги, сўзлар гуруҳи деб тасниф қилган эди. Уйғониш даврида ва ўрта асрларда (Т.Гоббс, Дж.Локк, Г.Лейбниц) ҳамда бутун XIX аср давомида (Дж.Милль, Х.Джозеф ва бошқалар) атоқли отлар, уларнинг тил луғавий қатламидаги ўрни масаласига доир мунозара давом этди. Бу соҳада энг муҳим масала атоқли отлар қандай маъно билдиришини аниқлашдан иборат эди. ХУШ-XIX асрлар давомида бу муаммо фақат тилшунослар томонидан эмас, файласуфлар, мантиқ олимлари томонидан ҳам ўрганилган. Бу муаммони ўрганишга йирик инглиз мантиқшунос олими Джон Стюарт Милль (1806-1873) жуда кўп куч сарфлади. Унинг талқинича, атоқли отлар маъно билдирмайди, улар ўзига хос белгилар, ёрликлар сифатида предметни билишга, уни бошқа предметлардан фарқлашга ёрдам беради. Бирор предмет, кишининг номи (атоқли от) ўша предмет ёки шахс тавсифи учун тўла асос

¹⁰ Аристотель. Поэтика (поэзия санъати ҳақида). Русчадан М.Махмудов, У.Тўйчиевлар таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашрияти, 1980. – Б. 41.

бўлолмайти. Ўз фикрларини ривожлантириб, Дж.Милль сўзларни икки гуруҳга ажратади: а) сўз-белгилар, б) характерловчи (коннотацияловчи) сўзлар. Коннотацияловчи сўзлар атоқли отлардан кейин вужудга келган¹¹.

Яна бир инглиз мантиқшуноси Х.Джозеф атоқли отлар ҳақида Дж.Миллга қарама-қарши фикрларни билдирган эди. Унинг фикрича атоқли отлар турдош отларга нисбатан кенгрок ва кўпрок маънога эгадир. Масалан, “*Паликур* (киши исми, афсонавий Энейнинг ҳамроҳи, йўлдоши) *эйтибордан четда қолди*” гапи “*Инсон эйтибордан четда қолди*” гапидан анча мазмунлироқдир.

XX асрда атоқли отлар ҳақидаги мантиқий йўналишни машхур инглиз файласуфи ва мантиқшуноси Бертран Рассел (1872-1970) янада ривожлантирди. Унинг фикрича, маълум маконда ва замонда атоқли отлар ёрдамида ифодаланувчи маъно турдош отларга нисбатан аниқроқ, илмийроқ характерга эгадир. Бу жиҳатдан атоқли отлар *бу, ўша, ана шу, ана бу* сингари кўрсатиш олошларига жуда яқин туради¹².

Дания тилшуноси Пауль Кристоферсен атоқли отлар билан турдош отлар орасидаги фарқни уларнинг биринчиси аниқ, конкрет маънони, кейингиси эса мавҳум маънони ифодалашади кўради. Атоқли отлар индивиднинг, шахснинг бевосита исми, номи бўлса, турдош отлар билвосита номлардир. Турдош отлар дастлаб бутун бир гуруҳ, тўда номини билдиради, кейинчалик бу ном конкретлашади.

Инглиз тилшуноси Алан Гардинернинг “Атоқли отлар назарияси” (1954) номли асари ономастика фанини янги босқичга кўтарди. Дж.Миллнинг атоқли отларни маъно йўқлиги ҳақидаги фикрини ривожлантириб А.Гардинер атоқли отлар ўзига хос номлар бўлиб, предмет, воқеа-ҳодиса ҳақида аниқ, конкрет тасаввурлар йиғиндисини ўзида ифода этади. Бу жиҳатдан атоқли отлар икки бўлинади: а) мужассамланувчи, тимсол бўла олувчи (воплощенный) атоқли отлар ва б) мужассамланмовчи, тимсол бўла оловчи атоқли отлар. Масалан, *Вильям Шекспир, Темза дарёси* каби атоқли отлар мужассамланувчи атоқли отлар гуруҳига киради, чунки улар маълум бир шахс (бу ўринда буюк драматург) ва географик объект (бу ўринда дарё) ҳақида умумий, яхлит тасаввур беради. Агар биз оддийгина қилиб Вильям десак, бу

¹¹ Бу ҳақда қаранг: Сувераяская А.В. Общая теория имени собственного. – М.: Наука, 1973. – С. 56-58.

¹² Сувераяская А.В. Общая теория имени собственного. – М.: Наука, 1973. – С. 58-59.

мужассамланмовчи, киши исми ҳақида умумий тасаввур берувчи атоқли отни билдиради. Тарихий нуқтаи назардан мужассамланувчи атоқли отлар олдинроқ, аввалроқ вужудга келган. Масалан, *Амир Темури*, *Мирзо Улуғбек*, *Алишер Навоий*, *Заҳириддин Муҳаммад Бобур* каби антропонимлар бу назарияга кўра мужассамланувчи атоқли отлар гуруҳига киради, чунки улар мамлакатимиз давлатчилиги тарихи, маданиятида жуда катта ўрин тутган машҳур шахслар ҳақидаги тимсолларни ўзида мужассамлаштиради. Ота-оналар ўз болаларини ана шундай машҳур шахсларга ўхшашини орзу қилиб қўйган *Темури*, *Темурбек*, *Улуғбек*, *Алишер*, *Бобур* каби антропонимлар эса мужассамланмовчи атоқли отлар сирасига мансубдир.

Таниқли тилшунос М.И.Стеблин-Каменский қадимги исланд адабиёти материаллари асосида ономастик лексикани мужассамланиш нуқтаи назаридан ўрганар экан, исланд адабиётида қўлланган ономастик лексиқада умуман “мужассамланиш” ҳодисаси бўлмаганлигини қайд қилади. Унинг фикрича, ҳар қандай атоқли от муайян денотатни, маънони ифодалаб келган¹³.

Ўз вақтида Т.Гоббс томонидан ишлаб чиқилган атоқли отларнинг “мужассамланиш” хусусияти ҳақидаги таълимот кейинчалик Г.Лейбниц томонидан янада такомиллаштирилган эди. Немис файласуф олими Г.Лейбниц фикрича, атоқли отларда конкрет ва мавҳум тафаккур элементлари ифодаланган бўлади. Олимнинг бу фикри атоқли отларни тилда (мулоқотнинг белгили элементлари тизимида) ва нутқда (бу элементларнинг коммуникатив нуқтаи назардан қўлланишида) олиб қараш нуқтаи назаридан ахамиятлидир¹⁴. Ана шундай қарашлар туфайли тилшуносликда атоқли отларга абстракт-мантикий ва конкрет-тарихий нуқтаи назардан ёндошув вужудга келди.

Ўз вақтида Дж.Милль томонидан асосланган атоқли отларда ҳеч қандай маъно элементи йўқ, деган илмий қараш кейинчалик В.Брэндал, Э.Бойсенсом, Л.Ельмслев каби таниқли тилшунос олимлар томонидан ривожлантирилди. Натижада айрим олимлар, жумладан дания тилшуноси Кнуд Тогебу атоқли отлар (жумладан, олмошлар ҳам) семантик мазмунга эга бўлмаганлиги учун ўзаро синонимлардир. Шунга кўра якка индивид, шахс бир неча исмга, бир неча шахслар эса бир умумий исмга эга бўлиши мумкин

¹³ Стеблин-Каменский М.И. Древнеисландская топономастика как материал к истории имени собственного // Стеблин-Каменский М.И. Спорное в языкознании. – Л.: Наука, 1974. – С. 105-106.

¹⁴ Березин Ф.М., Головин Б.П. Общее языкознание. – М.: Высшая школа. 1979. – С. 21-23.

(адашлар, фамилиядошлар: Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ботир Зокиров, Шукур Бурхонов, Эркин Юсупов каби биз билмаган, биз учун нотаниш бошқа шахслар ҳам бор).

Бу фикрга тескари қарашлар ҳам мавжуд, яъни атоқли отлар, сўз бўлгани учун худди турдош отлар каби хилма-хил хусусиятларга эгадир. Бундай қараш ўз вақтида файласуф-стоиклар томонидан асосланган эди, кейинчалик XIX асрда Х.Джозеф, Дж.Миль, XX асрда О.Есперсен каби олимлар томонидан ривожлангирди. Масалан, дания олими О.Есперсеннинг таъкидлашича, “атоқли отлар турдош отларга нисбатан кўпроқ хусусиятларга эгадир. Атоқли отлар ўзида жуда кўплаб белги-хусусиятларни коннотация қилади”¹⁵.

XX асрнинг 60-70-йилларида ганиқли рус тилшуноси А.В.Суверанская атоқли отларнинг тилшунослиқда (айниқса, чет эл тилшунослигида) ўрганилиш тарихи билан махсус шуғулланди ҳамда «Атоқли отларнинг умумий назарияси» номли йирик тадқиқотини эълон қилди¹⁶. Шундан кейин В.А.Никоновнинг “Исм ва жамият” (1974), В.А.Карпенконинг “Атоқли ва турдош отларни фарқлашнинг назарий асослари” (1975), А.Д.Зверевнинг “Атоқли ва турдош отлар ҳақида” (1976), И.И.Коваликнинг “Украин тилида атоқли ва турдош отлар” (1977) номли асарлари эълон қилинди, “Атоқли ва турдош отлар” номли алоҳида илмий тўплам нашр этилди (1978). Таниқли олим А.А.Реформатский ўз вақтида атоқли ва турдош отларни қуйидагича фарқлашни таклиф этган эди: атоқли отлар биринчи навбатда номинатив функцияга эга, яъни муайян предметларни, нарса-ходисаларни алоҳида номлаш учун хизмат қилади, турдош отлар эса семасиологик, яъни ифодаловчи функцияни бажаради, яъни улар предмет, воқеа-ходисаларни номлаш билан бирга улар ҳақидаги тушунчани ҳам билдиради¹⁷.

Бу муаммо ҳозирги кунга қадар тилшуносларни, файласуфларни ва бошқа фан вакилларини кизиқтириб келмоқда. Масалан, 1978 йилда Краков шаҳрида ўтказилган XIII халқаро Ономастик конгресс “Турдош отлар ва атоқли отлар” муаммосига бағишланган эди. 1984 йилда Лейпциг шаҳрида ўтказилган ХУ

¹⁵ Есперсен О. Философия грамматики. – М.: 1958. – С. 71-72.

¹⁶ Суверанская А.В. Общая теория имени собственного. – М.: Наука, 1973. – 366 с.

¹⁷ Реформатский А.А. Введение в языковедение – М., 1967. – С. 29-30; 57-62.

хилқаро Ономастик конгресс эса атоқли отларни социолингвистик йўналишда ўрганиш муаммоларини муҳокама қилган эди¹⁸.

1973 йилда тил фалсафаси бўйича йирик мутахассис Евгений Гродзинскийнинг “Атоқли отлар умумий назариясидан очерк” номли монографияси эълон қилинади. Бу ишда Е.Гродзинский атоқли отларни қуйидаги уч гуруҳга ажратади: а) бир десигнатли (десигнат – сўз орқали ифодаланувчи предмет, ифодаланувчи денотат) ёки идеал атоқли отлар; б) кўп десигнатли атоқли отлар; в) бўш, ёки десигнатга эга бўлмаган атоқли отлар (мавжуд бўлмаган предметлар, мифологик тасаввурларнинг атоқли отлари).

Дж.Милль ва унинг тарафдорлари томонидан олға сурилган атоқли отларда маъно ва коннотация ифодаланмаслиги ҳақидаги назарияга муносабат билдириб, Е.Гродзинский атоқли отлар ҳам бирор предмет, воқеа-ходиса ҳақида маъно билдиради, десигнатга эга бўлади, деган фикрни асослашга интилади.

Умуман олганда, тилшуносликда атоқли отларнинг умумназарий муаммоларини тадқиқ этиш соҳасида ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп. Бу эса келгусида ономастиката доир тадқиқотларни янада кучайтиришни талаб қилади.

Назорат саволлари

1. Антик даврда атоқли отларнинг ўрганилиши ҳақида.
2. Атоқли отларни ўрганишга доир Дж.Милль, Х.Джозеф, Г.Лейбниц каби олимларнинг қарашлари.
3. Атоқли ва турдош отларнинг умумий ҳамда фарқли белгиларига доир илмий қарашлар.
4. А.В.Суперанская, В.А.Никонов, Ю.А.Карпенко каби олимларнинг атоқли отларга доир илмий қарашлари.

¹⁸ Агеева Р.А., Бахьян К.В. Социолингвистический аспект имени собственного (К XV Международному конгрессу по ономастике, 13-17 августа 1984 г., Лейпциг). – М.: Наука, 1984. – С. 5-12.

3-март
**ЎЗБЕК ОНОМАСТИКАСИ МУАММОЛАРИНИНГ
ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН**

Таянч сўз ва иборалар: ономастика, номишунослик, антропонимика, топонимика, этнонимика, тарихий ономастика, регионал (худудий) ономастика, ономастик лексикография, “гапирувчи” номлар, бадий ономастика, “Ўзбекистон ономастикаси” мавзuidaги илмий анжуманлар.

Ўзбек ономастикаси ёки номшунослиги ўтган асрнинг 60-70-йилларида алоҳида илмий йўналиш сифатида юзага келди. Ўзбек номшунослиги ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб энг ривожланган соҳалардан бирига айланди. Айниқса, бу соҳанинг антропонимика, топонимика, этнонимика каби бир қатор соҳаларида жуда баракали ишлар амалга оширилди. Масалан, ўзбек исмлари (антропонимлари) материаллари атрофлича тўпланди, тўртта номзодлик диссертацияси (Э.Бегматов – 1965, Ғ.Сагторов – 1990, С.Раҳимов – 1998, Р.Худойбергандов - 2007) ҳимоя қилинди, Э.Бегматовнинг “Киши номлари имлоси” (1970), “Ўзбек исмлари имлоси” (1972), “Ўзбек исмлари” (1991), “Ўзбек исмлари маъноси” (1998; 2004; 2010), “Исм чиройи” (1994) номли китоблари нашр этилди.

Бу даврда ўзбек топонимикаси бўйича олиб борилган ишларнинг самараси салмоқли бўлди. Шу кунга қадар ўзбек топонимикаси бўйича 20 дан ортиқ номзодлик, учта докторлик (З.Дўсимов, С.Қораев, Т.Эназаров) иши ҳимоя қилинди. Ўзбек топонимикаси бўйича ҳимоя қилинган номзодлик ишлари Қашқадарё вилояти (Т.Нафасов, Т.Эназаров, О.Бегимов), Сурхондарё вилояти (Ё.Хўжамбердиев, Х.Холмўминов), Самарқанд вилояти (Т.Раҳматов, Н.Бегалиев, А.Туробов, С.Бўриев), Сирдарё вилояти (Н.Мингбоев), Тошкент вилояти (М.Н.Рамазонова), Бухоро вилояти (С.Найимов, А.Аслонов), Навоий вилояти (Ў.Орипов), Жиззах вилояти (А.Зокиров), Фарғона вилояти (Н.Охунов, С.Губаева, Ж.Латипов), Хоразм вилояти (З.Дўсимов, А.Отажонова, М.Тиллаева), Шимолий ўзбек шевалари топонимияси (Л.Каримова), Тошкент шаҳри (Ш.Қодирова) топонимияси бўйича ёзилган эди.

Ўзбек топонимикаси муаммолари Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Э.Бегматов, Т.Нафасов каби олимларнинг ишларида умумий тарзда ҳам таҳлил қилинган.

Ўзбек тарихий топонимикаси ва антропонимикаси бўйича мамлакатимизда айрим ишлар қилинган. Масалан, академик Ы.Аҳмедов, академик А.Муҳаммаджоновнинг айрим тарихий топонимлар этимологиясига доир кузатишлари¹⁹, Ш.Қамолитдиннинг Ўрта Осиёдаги қадимги туркий топонимияга оид ишлари диққатга сазовор²⁰. Н.Хусановнинг ХУ аср ёзма ёдгорликларидаги антропонимларга, Ш.Ёқубов ва Б.Бафоевларнинг Алишер Навоий ономастикасига, М.Турдибековнинг Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асари ономастикасига, И.Худойназаровнинг ўзбек фольклори ономастикасига бағишланган тадқиқотлари ўзбек номшунослигида муҳим аҳамият касб этади²¹.

Ўзбек номшунослари олиб борган кенг кўламли тадқиқотлар кейинги йилларда ўзбек тилшунослиги соҳасини бир қатор монографиялар (С.Қораев, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Л.Каримова, А.Туробов, Н.Охунов, Н.Бегалиев, Т.Эназаров, Н.Хусанов, С.Каримов, С.Бўриев), рисолалар (С.Қораев, Э.Бегматов, Н.Охунов, Т.Нафасов, Т.Эназаров, Б.Қиличев), изоҳли луғатлар (С.Қораев, Э.Бегматов, З.Дўсимов, Х.Эгамов, Б.Ўринбоев, Т.Нафасов, В.Нафасова, О.Ҳоликов) ҳамда кўп сонли илмий ҳамда илмий-оммабоп мақолалар (С.Қораев, Э.Бегматов, Т.Нафасов ва бошқалар) билан бойитди²². Бу соҳада, айниқса, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Х.Ҳасанов, С.Қораев, Н.Охунов, Н.Хусанов, Т.Эназаров, Х.Дониёров, А.Огажонова, Б.Ўринбоев каби олимларнинг ҳиссаси каттадир.

Ўзбек номшунослигининг тараққиётида ономастикага оид республикамизда ўтказилган илмий-назарий анжуманларнинг ўрни каттадир. Масалан, 1974 йилда Бухоро шаҳрида “Ўрта Осиё ономастикасининг долзарб муаммолари” мавзuida бутуниттифок илмий анжуман ўтказилган эди. Бу анжуманда жуда кўплаб таниқли олимлар қатори Самарқанд шаҳридан Л.И.Ройзензон,

¹⁹ Муҳаммаджонов А. “Турон” геоними ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. № 2. – Б. 12-16; Муҳаммаджонов А. Самарқанднинг тарихий топонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. № 4. – Б. 37-42; Муҳаммаджонов А. Марғилон-Марғиёни номининг маъноси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. № 5. – Б. 39-42; Муҳаммаджонов А. Фарғона номининг маъносига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. № 6. – Б. 7-12; Муҳаммаджонов А. “Қува” ёки “Қубо” топоними ва “Қубод” дтамасининг этимологияси асослари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. № 3. – Б. 41-46 ва бошқалар.

²⁰ Қамолитдин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Тошкент: «Шарк», 2006. – 192 с.

²¹ Бундай асарлар рўйхати ҳақида қараг: Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси. Библиографик кўрсаткич (ХІХ аср охиридан – 2008 йилгача эълон қилинган ишлар олинган). – Наманган, 2008. – 168 б.

²² Бундай ишлар рўйхати куйидаги ишда келтирилган: Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси. Библиографик кўрсаткич (ХІХ аср охиридан – 2008 йилгача эълон қилинган ишлар олинган). – Наманган, 2008. – Б. 8-164.

Ҳ.Бердиёров, Р.Кўнгурувлар иштирок этган эдилар. Ҳ.Бердиёров Б.Йўлдошев билан ҳамкорликда бу анжуманда «Ўзбек тилида фразеологизмлар таркибида атоқли отларнинг қўлланилиши», Р.Кўнгуров эса «Муштум» сатирик журналида окказионал маъноли атоқли отлар» мавзуида маърузалар қилган эдилар. Худди шу йиллари СамДУда «Ономастика масалалари» номи билан бир неча илмий тўплам нашр этилган²³, бу соҳада илмий-тадқиқотлар кўлами анча кенгайган эди. Масалан, худди шу йиллари СамДУ олимлари поэтик ономастика ёки ономастик услубият масалалари билан махсус шуғуллана бошладилар. Таникли адабиётшунос олим Э.Б.Магазаникнинг «Ономапоэтика ёки адабиётда гапирувчи номлар» номли йирик монографияси Тошкентда нашр этилган эди²⁴. Бу олимнинг шогирди Ю.Пўлатов эса шу соҳада изланишлар олиб бориб, бадий матндаги номлар таржимасига доир қизиқарли рисола яратган эди²⁵. Кейинчалик И.Мирзаев бадий таржимада киши исмлари ва географик номларнинг берилишига доир айрим кузатиш ишлари олиб борди²⁶.

XX асрнинг 80-90-йилларида Жиззах (1985), Гулистон (1987), Қарши (1989), Навоий (1993; 1998) шаҳарларида «Ўзбекистон ономастикаси» деб номланган бутуниттифок ва республика илмий-назарий ҳамда илмий-амалий анжуманлари ўтказилган, уларнинг материаллари алоҳида тўпламлар сифатида нашр этилган эди²⁷. Худди шу йиллардан бошлаб ЎЗМУ, ТошДПУ, СамДУ, ҚаршиДУ, БухДУ каби олий ўқув юртларида «Номшунослик масалалари», «Ўзбекистон топонимикаси», «Ўзбекистон ономастикаси», «Ўзбек тили ономастикаси» муаммоларига бағишланган махсус курслар, ихтисослик семинарлари ўқиладиган бўлди.

Ўзбек номшунослигида мавжуд бўлган ишларнинг аксариятида исмлар, қисман лақаб ва тахаллуслар, микротопоним ва макротопонимлар, этнонимлар таҳлил қилинган, холос.

²³ Вопросы ономастики. Сборник научных статей. Выпуск I. – Самарканд: издание СамГУ, 1971. – 150 с.; Вопросы ономастики. Сборник научных статей. Выпуск II. – Самарканд: издание СамГУ, 1975. – 95 с.; Вопросы ономастики. Сборник научных статей. Выпуск III. – Самарканд: издание СамГУ, 1976. – 170 с.

²⁴ Магазаник Э.Б. Ономапоэтика или «говорящие имена» в литературе. – Ташкент: Фан, 1978. – 148 с.

²⁵ Пўлатов Ю. Бадий асарда номлар таржимаси. – Тошкент: Фан, 1967. – 63 б.

²⁶ Мирзаев И. Бадий таржимада киши исмлари ва географик номларнинг берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. № 5. – Б. 70-73.

²⁷ Материалы конференции по ономастике Узбекистана. – Жиззах, 1985. – 55 с.; Ономастика Узбекистана. Материалы конференции (Гулистан, 27-28 мая 1987 г.). – Ташкент, 1987. – 92 б.; Ономастика Узбекистана. Материалы конференции (Қарши, 14-16 сентября 1989 г.). – Ташкент, 1989. – 208 б.; «Жой номлари – халқ тили ва маънавиятнинг ноқир мероси» мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Навоий, 1998. – 106 б. ва бошқалар

Лекин ўзбек тилидаги атоқли отларнинг баъзи типлари шу кунга қадар деярли ўрганилган эмас ёки кам таҳлил қилинган. Бундай масалалар қаторига космонимлар (астронимлар), мифонимлар, ктематонимлар, агнонимлар, некронимлар, геонимлар, гемеронимлар, документонимлар, оронимлар, интронимлар, перейтонимлар, хромонимлар, геортонимлар, енеонеонимлар фитонимлар, экклезионимлар, эргонимлар, хрематонимлар, бадий ономастика, ономастик услубият, лақаб ва тахаллуслар, атоқли отларнинг имлоси, ономастик бирликларнинг амалий транскрипцияси ва транслитерацияси, номшуносликнинг амалий ва назарий муаммолари, жумладан ономастик лексикография муаммолари киради.

Назорат саволлари:

1. Ўзбек ономастикаси (гмшунослиги) соҳасининг шаклланиши ҳақида умумий тушунча.
2. Ўзбек антропонимикаси бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида.
3. Ўзбек топонимикаси бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида.
4. “Ўзбекистон ономастикаси” мавзуида ўтказилган илмий ишжуманлар ва уларнинг ўзбек номшунослиги тараққиётидаги аҳамияти.
5. Ўзбек номшунослигининг келгусида тадқиқ этилиши лозим бўлган долзарб муаммолари.

ОНОМАСТИК КЎЛАМ ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА

Таянч иборалар: ономастика, ономастик бирлик, кўлам, майдон, топонимик кўлам, тилнинг ономастик фонди, ономастик кўлам, супер ономастик кўлам, микро ономастик кўлам, макро ономастик кўлам, кўламча, ўзбек ономастик кўлами, ўзбек топонимик кўлами.

Маълумки, бизни ўраб олган борлик, моддий олам ниҳоятда мураккаб, бой, серқирра, ранг-баранг бўлиб, уни ташкил қилган нарса ва ҳодисалар моҳияти, ҳолати, шакли, кўриниши ва вазифасига кўра бир-биридан фарқланади. “Турдош от” термини билан юритилувчи сўзлар мана шу хусусиятлардан бир қисминигина, от категориясиги кирувчиларнигина ифодалашга хизмат қилади. Кишилар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги дарёлар, кўллар, булоқларни ва уларни ташкил этувчи ҳар бир дарё, ҳар бир кўл, ҳар бир булоқни бир-биридан фарқлаш учун уларни алоҳида-алоҳида номлар билан атаган. Масалан: *Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Нил, Ойкўл, Байкал кўли, Тошбулоқ, Қўтирбулоқ, Маржонбулоқ, Зирабулоқ* кабилар. Бундан кўринадики, атоқли отлар нарса ва ҳодисаларни, объектларни яққалаб, доналаб аташ зарурияти туфайли юзага келади. Бундай зарурият бўлмаганда эса кишилар мулоқот жараёнида уларга берилган умумий номдан фойдаланиш билан кифояланишади. Масалан: *Мамлакатимизда дарёлар кўп. Бизнинг вилоятимизда кўллар, булоқлар анчагина бор* каби.

Шуни унутмаслик зарурки, инсоният тафаккурининг гултожи унинг умумлаштириш қобилиятидир. Агар шундай умумлаштириш қобилияти бўлмаганда, ҳар қандай тил миллион, миллиардлаб сўзлардан, грамматик воситалардан иборат супермураккаб ва тушунарсиз ҳодисага айланарди. Демак, нарса ва ҳодисаларга яққалаб, доналаб атоқли от билан номлаш ўзига хос зарурий эҳтиёж ва қонуният натижаси саналади.

Тилшуносликда атоқли отларга нисбатан турдош отлар анча мукамал ва атрофлича ўрганилган. Атоқли отларга нисбатан бундай муносабат қуйидаги сабаблар билан боғлиқ:

а) атоқли отлар турдош отлар каби луғавий маънога эга эмас, тушунча ифодаламайди, деб тушуниш ҳамда атоқли отни тўлақонли сўз эмас, балки рамзий, шартли белги деб ҳисоблаш;

б) атоқли отнинг тил бирлиги сифатидаги ўрнини, нутқдаги функционал хусусиятини етарли баҳоламай олмаслик;

в) тилдаги атоқли отларнинг барча кўринишлари етарли ва тўлиқ ўрганилмаганлиги;

г) атоқли от материалларининг кам тадқиқ қилиниб, муносиб равишда илмий баҳоланмаганлиги;

д) атоқли отларни тадқиқ этишнинг мураккаблиги, унинг бир қатор фанлар (тарих, география, этнография, археология қабилар) билан боғлиқлиги;

е) атоқли отларни тадқиқ қилишнинг назарий асослари фанда етарли равишда белгилалмаганлиги ва бошқалар.

Маълум бир тилдаги атоқли отларнинг барча мавжуд типлари ва ҳажмини аниқлаб олиш, ўша тилдаги атоқли отлар доирасини, улар тарқалган ономастик майдонни билиб олишга кўмаклашади. Бу муаммо ономастикага оид тадқиқотларда “ономастик кўлам” (ономастическое пространство) номи билан юритилади. Дастлаб ономастикага оид илмий адабиётларда бу термин “топонимик кўлам” (топонимическое пространство) сифатида В.Н.Топоров томонидан қўлланган эди²⁸. Кейинчалик А.В.Суперанская ўз ишларида “ономастик кўлам”, “топонимик кўлам” терминларидан кенг фойдаланди²⁹. А.В.Суперанская ўз ишида “ономастик кўлам” атамасининг ономастика илми учун жуда қулайлигини “топонимик кўлам” мисолида қуйидагича изоҳлайди: “Бу термин (яъни “топонимическое пространство” термини – Б.Й.) номлар ва номланган объектларнинг маълум маконда жойлашиши, яъни уларнинг бир-биридан алоҳида ҳолда мавжуд бўлиши ва бу уларнинг ер юзи, шунингдек, ундан ташқарида эканлигини кўзда тутиши жиҳатидан ҳам қулайдир”³⁰. Бундан кўринадики, “ономастик кўлам” дейилганда бирор конкрет тилдаги атоқли отларнинг умумий мажмуи, йиғиндиси тушунилади. А.В.Суперанскаянинг фикрига кўра, “ономастик кўлам бу муайян бир халқ тилида реал мавжуд ҳамда тахминий ва ҳаёлий объектларни номлаш учун қўлланадиган атоқли отлар йиғиндиси”³¹.

Агар биз ана шу таърифдан келиб чиқиб, ўзбек ономастикасига мурожаат қиладиган бўлсак, ўзбек тилининг

²⁸ Топоров В.Н. Из области теоретической топонимистики // Вопросы языкознания. 1962. № 6. - С. 3-4.

²⁹ Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. - М.: Наука, 1973. - С. 141.

³⁰ Теория и методика ономастических исследований. - М.: Наука, 1986. - С. 8.

³¹ Теория и методика ономастических исследований. - М.: Наука, 1986. - С. 9.

ономастик кўламини шу тилдаги барча атоқли от тиллари, кўринишларининг мажмуи ташкил қилади³².

“Ономастик кўлам” тушунчаси тор ва кенг маъноларга эга. Негаки, ҳар бир тилнинг ономастик кўламини ташкил қилувчи кичик кўламлар ва кўламчалар мавжуд. Шу сабабли олимлар тилнинг умумий ономастик кўламини с у п е р к ў л а м (энг катта кўлам) деб номламоқдалар³³. Шундан келиб чиқиб, ўзбек тили ономастикасининг (суперкўламнинг) куйидаги кўламларини чизмада ифодалаш мумкин:

Ўзбек тилининг ономастик кўлами

Суперкўлам (энг йирик кўлам)

Ўзбек тилидаги барча атоқли
отлар мажмуи



Макрокўлам (йирик кўлам) антропонимия, топонимия, зоонимия	Микрокўлам (кичик кўлам) ойконим, комоним, агрооним ва бошқ.	Бошқа тип кўламчалар: астионим, агорооним ва б.
---	---	--



Конкрет ономастик
бирликлар: *Турсунбой,*
Дилором, Қариш,
Сирдарё, Қорабоғ кабилар.

Ономастик кўламнинг юқорида келтирилган таснифи шартли характерга эга. Чунки тилнинг ономастик тизимини ташкил этадиган турли тип атоқли отларнинг ўзаро алоқалари ҳам, уларни ифода этувчи жараёнлар ҳам кўп киррали ва мураккабдир. Масалан, конкрет ономастик бирликларнинг ҳар бири (масалан: *Жиззах, Самарқанд, Иштихон* – ойконим; *Оқдарё, Зарафшон, Қорасув* – гидроним, *Азимбек, Беҳзод, Гулбаҳор* – антропоним, *Чўлпон, Зухал* – космоним кабилар) тилнинг супер ономастик кўлами билан уни ташкил этувчи атоқли от типни сифатида бевосита боғланади ҳамда унинг таркибига киради. Шу билан бирга бу бирликлар супер ономастик кўлам билан бирга ўзи мансуб бўлган макро ва микро ономастик кўламлавр орқали ҳам боғланади, негаки бу кичик кўламлар моҳиятан супер ономастик кўламга мансубдир.

³² Бегматов Э., Авлоқулов Я. Ономастик кўлам тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. № 3. – Б. 20.

³³ Бегматов Э., Авлоқулов Я. Ономастик кўлам тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. № 3. – Б. 20.

Ҳар қандай тилнинг ономастик тизими, жумладан ўзбек тилининг ҳам ономастик тизими микдоран ғоят кўп қиррали, ҳажман улкан, номинатив-функционал хусусиятига кўра ўзаро фарқланувчи, шу билан бирга, бир-бири билан муайян боғлиқлик хусусиятига эгадир. Тилнинг лексик бойлигини конкрет лугавий бирликлар ташкил этганидек, тилнинг ономастик фондини ономастик лексика таркибига кирувчи конкрет атоқли отлар ташкил этади. Ономастик бирлик дейилганда аслида конкрет атоқли от назарда тутилади.

Озарбайжон олими А.Гурбанов озарбайжон тилининг ономастик бирликлар (“воҳидлар”)и қаторига антропонимлар, этнонимлар, топонимлар, гидронимлар, зоонимлар, космонимлар, ктематонимларни киритган эди³⁴. Ҳатто А.Гурбанов ономастик бирликлар тилнинг мустақил бирлиги бўлгани учун, уларни ўрганувчи ономокалогия (ёки ономастика) ҳам худди лексикология, семасиология каби тилшуносликнинг мустақил соҳаси деб ҳисоблаган эди³⁵. Ономастик бирликда қуйидаги учта хусусият намоён бўлади: а) “ономастик бирлик” термини бирор яқка атоқли отни ифодалаб келади: *Муҳаббат* (исм), *Гўзал* (исм), *Дангара* (топоним), *Бешкент* (топоним), *Муштарий* (юлдуз номи), “*Муштум*” (журнал номи, идеоним) кабилар; б) ономастик бирлик номинатив-функционал хусусиятига кўра бирор гуруҳга бирлашувчи номлар мажмуини ифодалайди: топонимлар, зоонимлар, космонимлар, урбонимлар каби; в) ономастик бирлик ономастика доирасида умуман атоқли от тушунчасини англайди.

Умуман, ономастик бирликларни белгилаш, тадқиқ қилиш даражаси миллий тиллар тилшунослигида ҳар хил савиядадир. Шунини аниқ намоён қилиш мақсадида Э.Бегматов, Я.Авлоқулов ўз ономастик кўлам ҳақидаги иккинчи мақолаларида 47 та ономастик бирлик номининг 27 муаллиф ва илмий тўпلامда қандай қайд қилинганлигини кўрсатиш мақсадида иккита жадвал келтирганлар³⁶. Мана шу жадвалда кўрсатилган 22 та ономастик макроқўлам материаллари ўзбек тили мисолида маълум даражада ўрганилган, холос³⁷. Лекин ономастик кўламларнинг аксарияти ўзбек тилида ихчам ва яхлит термин сифатида ўз номига эга эмас.

³⁴ Гурбанов А. Озарбайжон ономастикаси. – Боку, 1986 (озарбайжон тилида). – Б. 34.

³⁵ Гурбанов А. Ҳозирги озарбайжон адабий тили. – Боку, 1985 (озарбайжон тилида). – Б. 245-272.

³⁶ Бегматов Э., Авлоқулов Я. Ўзбек тили ономастикасининг макроқўлами таркиби // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. № 5. – Б. 35-36.

³⁷ Бу ҳақда қараг: Бегматов Э., Авлоқулов Я. Ўзбек ономастикасининг микроқўлами // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. № 1. – Б. 55-60.

Бу масалаларни тадқиқ этиш ўзбек номшунослиги олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Бундан кўринадики, ўзбек тилининг ономастик кўлами ниҳоятда мураккаб ва кенг ҳажмли тушунча саналади. Ўзбек тилидаги барча макроқўлам, микроқўлам ва кўламчаларга кирувчи атоқли от материалларини синчиклаб тўплаш, уларнинг номинатив, мотивацион, функционал хусусиятларини тадқиқ қилиш ўзбек номшунослигининг долзарб муаммоларидан биридир. Бундай кенг кўламли тадқиқот ономастика соҳаси учун фақат назарий эмас, балки улкан амалий аҳамият касб этади. Чунки бундай илмий ишнинг натижалари тилимиз луғат бойлигининг ғоят мураккаб ва серкирралигини намойиш қилади, табиий-жуғрофий объектларни номлаш ишини илмий асосларда олиб боришга яқиндан ёрдам беради, ўзбек халқи тарихи, маданияти, маънавияти ҳамда тилининг теран илдизларини чуқурроқ англаб етишимиз учун бой материал манбаи бўлиб хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. “Ономастик кўлам” ва “ономастик майдон” тушунчалари ҳамда уларнинг моҳияти..
2. “Ономастик кўлам” ҳақидаги В.Н.Топоров, А.В.Суперанская каби олимларнинг илмий-назарий қарашлари.
3. Э.Бегматов, Я.Авлоқуловларнинг “Ўзбек тили ономастикасининг макроқўлами таркиби” номли мақоласи (Ўзбек тили ва адабиёти, 2007, № 5. – Б. 33-39) ҳақида.
4. Э.Бегматов, Я.Авлоқуловларнинг “Ўзбек ономастикасининг микроқўлами” номли мақоласи (Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, № 1. – Б. 55-60) ҳақида.
5. Ўзбек номшунослигида ҳозирча кам ўрганилган микро ономастик кўлам, ономастик кўламчалар ҳақида тушунча.

5-март
**ОНОМАСТИК ТАДҚИҚОТ
МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА**

Таянч сўз ва иборалар: метод, усул, йўналиш, методология, ономастика тараққиётининг уч босқичи, ономастик тадқиқотларнинг тасвирий методи, ономастик тадқиқотларнинг тарихий методи, ономастик универсалиялар, ономастик тадқиқотларнинг қиёсий-чоғиштирма методи, ономастик тадқиқотларнинг ареал методи, ономастик тадқиқотларда семантик метод, ономастик тадқиқотларда стилистик метод, ономастик тадқиқотларнинг лингвopsихологик методи, ономастик тадқиқотларда статистик методнинг ўрни.

Умуман, жаҳон ономастикаси ҳам, жумладан туркий ономастика ҳам ўз тараққиёти давомида қуйидаги уч босқични босиб ўтган:

а) ономастик материални оддий кайд қилиш даври ёки ноилмий давр. XIX асргача барча фанлар сингари ономастика фани ҳам қиёсий-тарихий метод шаклланишга қадар бўлган давр худди шундай хусусиятга эга эди. Масалан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий каби алломаларнинг асарларида жой номларини, киши исмларини оддий кайд қилиш ҳоллари кўзга ташланади. Жумладан, “Девону луғотит турк” бўйича тузилган индекс-луғат материалларига караганда, Маҳмуд Кошғарий асарида *Абу Бакр, Бадруқ, Барман, Барсган, Табду, Таҳмурас* каби киши исмлари (антропонимлар), *араб, алқа, арамут, афшар, оғуз, башғирт басмил, барсман, тухси, тубут, тат, салғур, рус, чумул, қарлуқ, виғур* каби халқ, уруғ, қабила номлари (этнонимлар), *Эртуч, Балу, Барман, Марв, Сулм, Талас, Ташканд, Удун, Қифчақ* каби шаҳар ва қишлоқ номлари (топонимлар), *Эртиш, Фират, Қаз суви, Ҳинд, Этил* каби денгиз, кўл, дарё, сой номлари (гидронимлар), *Эран туз, Бақир соқум, Йикар* каби планета, юлдуз ва фасл номлари (космонимлар) сингари ономастик бирликлар қўлланган³⁸.

Худди шундай бой ономастик материал Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абулғози Баҳодирхон асарларида ҳам қўлланган. Масалан, Б.Бафоев ва Ш.Ёкубовнинг кузатишлари шуни кўрсатадики, Алишер Навоий асарларида икки мингдан ортик

³⁸ Девону луғотит турк. Индекс-луғат. Ғ.Абдурахмонов, С.Муталлибоб таҳрири: остида. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 387-405.

ономастик бирликлар қўлланган³⁹. “Бобурнома”да 1406 та киши исми (антропоним), 1100 дан ортик жой номи (топоним), 277 та қавм-қабил ва насл-насаб номи (этноним), 414 та ҳайвон ва ўсимликлар номи, 40 та китоб ва рисола номи (библионим) тилга олинган⁴⁰. М.Турдибековнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Абулғози Баходирхоннинг “Шажарайи турк” асарида 1357 та атоқли от мавжуд. Шулардан 880 таси антропонимлар, 286 таси топонимлар, 118 таси этнонимлар, 51 таси гидронимлар, 22 таси эса оронимлардир⁴¹. Умуман, ўзбек тарихий ономастикаси соҳасида ўз тадқиқотчиларини кутаётган муаммолар ҳам анчагина бор⁴²;

б) ономастикасининг фан сифатида шаклланиш даври: Бу фаннинг илдизлари Европа ва рус тилшунослигида XIX аср охири ва XX аср бошларида пайдо бўлган. А.Х.Востоков, А.И.Соболевский, А.А.Шахматов, М.Фасмер, С.К.Кузнецов, П.Л.Маштакова каби олимларнинг асарларида рус тилидаги ономастик материални тўплаш ва таҳлил қилиш ҳақидаги дастлабки маълумотлар келтирилган эди⁴³;

в) илмий ёки соф ономастик давр. Бу давр XX асрнинг 20-йилларидан ҳозирги кунгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Бу даврда ономастик материал тилнинг лексик, фонетик, морфологик ва бошқа сатҳ бирликлари сингари алоҳида тўпланиб, хилма-хил йўналишларда тадқиқ этиладиган бўлди. Лекин тилнинг ономастик материали кўпинча лексик материал таркибида таҳлил қилинди. Географик номларни ўрганиш билан шуғулланувчи тилшунослар, тарихчилар ва географларнинг ўзаро баҳслари, мулоқотлари туфайли топонимика алоҳида, мустақил фан сифатида талкин этилди. Масалан, таниқли топонимист олим Э.М.Мурзаев топонимикани лингвистик, тарихий ва географик таҳлил методларидан фойдаланувчи мустақил фан деб ҳисоблайди⁴⁴. Таниқли тилшунос олим Б.В.Горнунгнинг фикрича, атоқли отлар ҳар бир тил луғат составининг таркибий қисми саналади ҳамда тилшунослик соҳаларидан бири бўлган лексикологиянинг ўрганиш

³⁹ Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 37-44; Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. НДА. – Тошкент, 1994. – Б. 3-20.

⁴⁰ Холманова З. “Бобурнома” лексикаси. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 19-21.

⁴¹ Турдибеков М.Т. Абулғози Баходирхоннинг “Шажарайи турк” асари ономастикаси. НДА. – Тошкент, 2001. – Б. 9.

⁴² Бегматов Э., Ҳусеинов Н., Ёқубов Ш., Бокзиев Б. Ўзбек тарихий номшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. № 5-6. – Б. 21-27.

⁴³ Роспонд С. Перспективы развития славянской ономастики // Вопросы языкознания. 1962. № 4. – С. 9-11.

⁴⁴ Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М.: 1974. – С. 8; Қораев С. Топонимика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. – Б. 6-21.

объектидир. Шу сабабли тилшуносларни топонимларни тил материали сифатида ўрганишдан махрум этиш, чеклаш мумкин эмас. Шу билан бирга топонимик материалнинг хусусиятларини ўрганишга тарихчининг ҳам, географнинг ҳам, этнографнинг ҳам ҳаққи бор⁴⁵.

Ҳозирги замон номшунослиги материалистик диалектиканинг кунун ва категорияларига таяниб иш кўради ҳамда ономастик материал таҳлилида қуйидаги методлардан фойдаланиб иш кўради: гасвирий метод, тарихий метод, қиёсий-чоғиштирма метод, ареал метод, семиотик метод, стилистик метод, лингвопсихологик метод, статистик метод кабилар. Баъзан ономастик материални ўрганишда бу методларнинг бир нечтасидан бирданга фойдаланилади. Қуйида ана шу методларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Тасвирий метод. Маълумки, тасвирий метод барча ижтимоий-тарихий ва табиий фанларда кенг қўлланилади⁴⁶. Шунга кўра бу метод бошқа методлар орасида қўлланиш кўлами жиҳатидан энг юқори ўриңда туради. Бу методдан фойдаланишнинг дастлабки босқичида материал тўпланани, каталоглар (карточкалар)га туширилади ҳамда улар системалаштирилади. Бу эса ономастик материалнинг турли кирраларини сезиш, билиш учун катта имкон беради. Масалан, топонимларни тасвирий метод асосида ўрганишда тоғ, қир, адир номлари, қишлоқ, шаҳар, кўча, маҳалла, гузар номлари рўйхати асос қилиб олинади. Худди шунингдек, дарё, кўл, булоқ, ариқ, канал, сой номлари рўйхати гидронимларни тасвирий метод билан ўрганишда катта ёрдам беради. Ана шу рўйхатлар материали асосида кейинчалик ономастик бирлик (топоним, гидроним каби)ларнинг лугатлари тузилади. Масалан, Г.П.Смолицкаянинг “Ока бассейни гидронимлари” (1976), Стефан Илчевнинг “Болгар исм ва фамилияларининг лугати” (1969), Э.Бегматовнинг “Ўзбек исмлари маъноси” (2007: 2010) кабилар шулар жумласидандир.

Ономастик бирликларни ўрганишнинг тасвирий методи бошқа методлар каби тарихий жиҳатдан ўзгарувчан характерга эгадир. Бу метод ўз қўлланиш доирасини, таҳлилга тортилган материал кўламини тилшунослик илмининг ютуқлари билан боғлиқ ҳолда ўзгартириб, кенгайтириб боради.

⁴⁵ Принципи топонимики. - М.: Наука, 1964. - С. 125-126.

⁴⁶ Бушуй Т.Г., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. - Тошкент: Фан, 2007. - Ё. 101-109.

Тарихий метод. Ҳар қандай фанда илмий таҳлилнинг асосий тамойилларидан бири тарихийликдир. Ономастик материал таҳлилида тарихийлик тамойили жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ономастик материалда халқнинг ўтмиш тарихи, этнографияси, археологияси илдизларини сезиш қийин эмас. Шунинг учун ономастик материални тарихий-этнографик нуқтаи назардан ўрганишга биринчи навбатда тарихчилар қизиқиш билдирганлар.

Ономастик бирликларга тарихий нуқтаи назардан ёндошув тарихий, археологик ва этнографик маълумотларни, фактларни ономастика доирасига кенг татбиқ этишга олиб келди. Шу билан бирга ономастик лексика тарихий аспект (қиёсий-тарихий ва тарихий-қиёсий йўналишлар) да кенг ўрганилди.

Ономастикага лингво-тарихий методни қўллашда А.М.Селишев, А.И.Попов, В.А.Никонов, Б.А.Серебренников, В.Н.Топоров, О.Н.Трубачев, Ю.А.Карпенко каби рус олимларининг, В.Георгиев, В.Ташицкий, С.Роспонд, Ф.Безглай сингари чет эллик олимларнинг хизмати катта бўлди.

Ономастик бирликлар тарихий нуқтаи назардан ўрганилганда қуйидаги икки йўналишга амал қилинади: а) ономастик материалнинг тарихий ҳолатидан ҳозирги кўринишигача бўлган ўзгаришларни аниқлаш усули (перспектив таҳлил усули); б) ономастик материалнинг ҳозирги ҳолатидан унинг тарихий ҳолатигача бўлган тарихий ривожланиш жараёнини аниқлаш (ретроспектив таҳлил усули). Ҳар икки таҳлил йўналишидан ҳам асосий мақсад ономастик бирликларнинг ривожланиш, ўзгариш жараёнларини аниқлашдан иборатдир.

Ономаст-топонимистлар тўплаган материални тарихий метод билан ўрганганда лисоний (этник) стратиграфия (лотинча: *stratum* – “қатлам” ва юнонча: *grapho* – “ёзаман” сўзларидан)ни аниқлашга интиладилар. Бундай таҳлиллардан мақсад ономастик бирликларнинг энг қадимги ўз ва ўзлашган қатламларини аниқлаш, унинг таркибидаги ўзгаришлар силсиласини аниқлашдир. Жумладан, антропономларнинг этимологияси, унинг маъносини изоҳлаш, шунга доир турли хил қарашларни келтириб, уларга муносабат билдириш ана шундай изланишлар самараси саналади. Кейинги йилларда олимлар топоним ва антропономлардаги ички (лисоний-структур) ва ташқи (экстралингвистик) ўзгаришлар тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Биринчи тип

Ўзгаришда ономастик бирликларнинг лисоний тарихи, эволюцияси аниқланади, иккинчисид а эса у ёки бу ономастик бирликларда давр руҳининг акси инобатга олинади (масалан; *БАМ, Днепрот'ЭС, ХХП партсъезд, Днепрострой, Коминтерн, Комсомол, ВЛКСМ, ВЦСПС, Ўзкомпартия ХХ съезди* каби аббревиатуралар асосида шаклланган ономастик бирликларда собиқ тоталитар тузум аксини сезиш қийин эмас).

Қиёсий-чоғиштира метод. Ономастик бирликлар қўлланиш хусусиятига кўра худудлараро фарқли томонларга эга. Ана шундай фарқлар қиёсий-чоғиштира метод ёрдамида аниқланади. Қиёсий таҳлил учун хар қандай ономастик бирликлар (топонимлар, гидронимлар, урбонимлар, ойконимлар, одонимлар, антропонимлар ва бошқалар) танлаб олинади ҳамда улар орасидаги умумий ва фарқли ҳолатлар белгиланади. Масалан, ўзбек антропонимлари орасида умумтуркий қатлам билан бирга форсча-тожикча, арабча, сўғдча, мўғулча, хитойча сўзлар ҳам мавжуд, уларни аниқлаш учун тадқиқотчи турли тилларга оид луғатларга, тарихий-этимологик манбаларга мурожаат қилади. Худди шундай ҳолатни топоним, гидроним каби бошқа ономастик бирликларда ҳам учратиш мумкин. Проф.Т.Нафасовнинг фикрича, *Шахрисабз* – форсча-тожикча изофа. Маъноси яшил шаҳар, боғ-роғлари кўп шаҳар. Ёки француз тилидан рус тилига, рус тилидан ўзбек тилига ўтган *вокзал* сўзи ХХ асрнинг 80-йиллари охирида *шоҳбекат* деб таржима қилинадиган бўлди. *Вокзал* деганда асосан темир йўл вокзали тушунилади. Темир йўл ёки автошоҳбекат атрофидаги маҳаллалар кейинчалик *Шоҳбекат* деб номланди⁴⁷. ФХДЁ идораларидаги янги туғилганларга берилган исмлар рўйхатларини қиёсий-чоғиштира метод асосида ўрганиб, исм қўйишдаги умумий ва фарқли ҳолатларни аниқлаш мумкин. Масалан, 1971-1975 йиллардаги ана шундай рўйхатларни қиёслаб, Гродно вилоятида белоруслар ва русларнинг исм қўйишдаги умумий белгилари аниқланган. Бундай умумийлик 35 % ўғил болалар исмларида, 27 % киз болаларнинг исмларида учрайди. Худди шундай қиёслашлар орқали антропонимлар ривожидagi тарихий эволюцияни ҳам аниқлаш мумкин⁴⁸. Номшуносликда қиёсий-чоғиштира тадқиқотлар синхрон ва диахрон аспектларда олиб

⁴⁷ Нафасов Т., Туреунов Ш. Қарши шаҳри маҳалла ва кўчалари. –Тошкент: “Маънавият”, 2008. – Б. 112-115.

⁴⁸ Бестужев-Лада И.В. Исторические тенденции развития антропонимов // Личные имена в прошлом, настоящем, будущем. – М.: Наука, 1970. – С. 25.

борилади. Бундай кузатишлар соф лингвистик, лингвосоциологик (Гулчехра Шодиевна – Гулчехра Шоди қизи; Аҳмаджон Турдикулович – Аҳмаджон Турдиевич каби), психологик (Айша – Айше – Ойша – Ойшабону – Ойшахон – Ойшабека – Ойшабиби; Кумушой – Кумушибиби – Кумушхон – Кумуш каби), этномаданий (масалан, Бўри, Тулки, Болта, Теша, Уроқ каби исмлар ҳозир деярлик кўйилмайди). Шу асосда тиллар орасидаги ономастик универсалияларни аниқлаш имконияти вужудга келади⁴⁹.

Ареал метод. Номшуносликда ареал метод асосида маълум бир ажратиб олинган ҳудуддаги ономастик бирликлар бирма-бир, бирин-кетинликда талқин қилинади, таҳлил натижаларига кўра ономастик бирликларнинг ҳудуддаги тарқалиш чегараси хариталар ёрдамида белгиланади. Масалан, *Иштихон, Молғузар, Оқсой, Мисит, Дўрмон, Навбахор, Шейхлар // Шайхлар* сингари топонимларни талқин қилишда ареал методнинг далиллари муҳим аҳамият касб этади.

Семиотик метод. Бу методда сўзлар – ономастик бирликлар асосий роль ўйнамайди, балки улар ифодалайдиган ишора ва белгилар етакчи вазифа бажаради. Масалан, *Қирққиз тоғи, Яккатоғ, Яккабоғ, Учтепа, Тўрткўл, Тўртайғир, Бешариқ, Олтиўғил, Олтиариқ, Мингўрик* каби топонимлар таркибидаги сон компонент (*қирқ, якка, уч, тўрт, беш, олти, минг* каби) бу топонимик объектларнинг номланишида миқдор тушунчаси етакчи эканлигини кўрсатишга хизмат қилади.

Стилистик метод. Бу метод ёрдамида бадий ва публицистик матнларда қўлланган ономастик бирликларнинг услубий талқини бериш, уларнинг матндаги функционал хусусиятини аниқлаш мумкин бўлади. Масалан, Э.Қиличев шу метод ёрдамида Садриддин Айний асарларида топонимлар ва антропонимларнинг услубий хусусиятларини ўрганган эди⁵⁰. Лақабларнинг бадий матндаги айрим услубий хусусиятларини аниқлаш бўйича ҳам кузатиш ишлари олиб борилган⁵¹. Лекин келгусида бадий ва публицистик матнларда қўлланган ономастик бирликларни стилистик методда таҳлил қилишнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқиши лозим.

⁴⁹ Суперанская А.В. Ономастические универсалии // Восточнославянская ономастика. – М.: Наука, 1972. – С. 348-356.

⁵⁰ Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 61-69.

⁵¹ Ёўдошев Ё., Ражабова К. Матн тилшунослиги. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2011. – Б. 34-41.

Лингвопсихологик метод. Бу методни И.А.Бодуэн де Куртене, Н.В.Крушевский каби олимлар ўз вақтида тил бирликларини ассоциатив эксперимент (тажриба) методи асосида ўрганиш деб баҳолаган эдилар. Ҳатто кейинчалик машҳур психоллингвист олим А.А.Леонтьев раҳбарлигида рус тилининг ассоциатив меъёрлари луғати ҳам яратилган эди⁵². Лингвоассоциатив методга кўра ономастик бирликлар тахлилида ҳам тилшуносликка оид, ҳам психологияга оид хусусиятлар инобатга олинади. Масалан, *Тошкент*, *Тошқудуқ*, *Тошлоқ*, *Тошқўприк*, *Тошлисой*, *Тошрабат* каби ономастик бирликлар (топонимлар) тилга олинганда кишининг хаёлига унинг биринчи компоненти “тош” билан алоқадор тасаввурлар келади. Шу асосда *Тошкент* топонимининг келиб чиқишини “тош” элементи билан боғлаб изоҳланган тадқиқотлар ҳам бор⁵³. Бу эса фақат лингвопсихологик вазият натижасида чиқарилган бир томонлама хулосадир. Лекин аслида *Тошкент* топоними ҳосилдор ерли, хирмон жойли ҳудуд маъносидаги *Чош (Чоч)*, *Шош* шаклларидаги фонетик ўзгаришларга учраган *Чош* сўздан юзага келган⁵⁴. Айрим антропонимларнинг маъносини изоҳлашда ҳам лингвопсихологик метод ва халқнинг урф-одати, этнографиясидаги анъаналар ёрдам беради. Масалан, *Бўригул* – онаси қорнида йиғлаб туғилган қиз боланинг исми; *Бобомурод* – ёшлар унаштирилгандан кейин турли сабабларга кўра тўй кечиктирилиб, тўйдан кейинроқ қизнинг ўз уйида (яъни бобо уйида) туғилган боланинг исми. Ёки *Ҳолида*, *Холбозор*, *Холбуви*, *Холлибиби*, *Холмирза*, *Холмоной*, *Холмурод*, *Холлибека*, *Холлибахт*, *Холкелди* каби исмлар баданида холи бор ёки холи кўп болаларга қўйиладиган исмлар. Бундай болаларнинг исми кўпинча иккита бўлади: *Холида // Салима*, *Холбозор // Самариддин*, *Холбуви // Аноргул* каби⁵⁵.

Этимологик метод. Ономастик бирликларнинг келиб чиқиши, маъноси, таркибий тузилиши масалаларини ўрганиш асосан тарихий-этимологик методга асосланади. Масалан, Самарқанд шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бири бўлган *Мотруд* тарихий манбаларда *Матрид // Мотрид // Матурит // Мотурид* каби шаклларда қайд қилинган. Бу қишлоқнинг номи тарихчи олим

⁵² Словарь ассоциативных норм русского языка. Под редакцией А.А.Леонтьева. – М.: Наука, 1977.

⁵³ Бу ҳақда қараг: Қораев С. Тошкент топонимлари. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 13; Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент: Шарҳ, 2002. – Б. 53-59 ва бошқалар.

⁵⁴ Қараг: Эниязов Т.Ж. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. ДДА. – Тошкент, 2006. – Б. 26-29.

⁵⁵ Бу ҳақда қараг: Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент, 2010. – Б. 466-468.

Самъоний (XII аср), араб сайёҳи Ёкут Ҳамавий (XIII аср) асарларида ҳам учрайди. Мотруд сўзининг этимологияси ҳақида дастлаб фикр билдирган акад.Б.Валихўжаев ўз мақоласида Сиёб ариғи қадимда Мотруд ариғи деб номланган, чунки Мотруд ва Сиёб (Сиёҳоб) сўзлари орасида маъно жиҳатдан яқинлик бор, деган эди. Олимнинг фикрига кўра, “*мот*” сўгдча сўз бўлиб, у бир неча маънони, яъни “қорамтир”, “қора”, пуғнингдек, “хайратга солмоқ, хаяжонга келтирмоқ, мот қилиб кўймоқ” маъноларини билдиради. “Руд” сўзи эса “арик”, “дарё” маъносини англатади. Шунга кўра, “*Мотруд*” сўзи “қорамтир”, “хайратга солувчи, хаяжонга келтирувчи” маъноларини беради. Қорамтирлик туфайли кейинчалик “*Сиёб (Сиёҳоб)*” – “*Қорасув*” тарзида номланишига сабаб бўлгани эҳтимолдан холи эмас⁵⁶. Топонимист олим Н.Бегалиевнинг фикрича, “*мот // мат*” сўзи ўрта аср форс тилида “*мат*” ва “*модар*” шаклларида қайд қилиниб, “она” маъносида эканлиги кўрсатилган. Демак, *Мотруд // Матруд* сўгдча сўз бўлиб, “*Она дарё*” маъносини беради. Бунда сувнинг илоҳий ва муқаддас ҳаётий мақба эканлиги ҳисобга олинган⁵⁷.

Пайариқ туманида *Ялоқтепа* деб номланган қишлоқ ва тепа бор. Бу топонимни Б.Ўринбоев чуғурчуқлар кўп бўладиган тепа ва уст қисми ясси, текис баландлик, суйритепанинг *Ялоқтепа* деб аталишини таъкидлайди⁵⁸. Т.Эназаров эса бу фикрга қўшилмайди ҳамда *Ялоқтепа* минерал тузларга бой бўлгани учун яланган тепа деган маънони ифодалашини таъкидлайди: *ялоқ + тепа :: ялоқтепа = Ялоқтепа*⁵⁹ кабилар. Ёки *Самарқанд* топонимининг этимологияси ҳақида махсус илмий мақолалар яратилган⁶⁰. Шундай бўлса-да, проф.Т.Нафасов яқинда “Самарқанд полисоними” номли мақоласида бу шаҳар номи этимологияси ҳақида янги фикрларни ўртага ташлади. Олимнинг талқинига кўра, “...Самарқанд номининг лингвистик таркиби мураккаб. У уч лексик бирликдан иборат: **санг+вар/бар/пар/фар+кед/қанд/кент/канг**. Топонимнинг ўрта қисмидаги (биринчи қисм сўнгидаги **[нг]** ва иккинчи қисм

⁵⁶ Валихўжаев Б. Мотруд ҳақида // Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичлари (халқаро илмий конференция материаллари). – Самарқанд, ЎзФА Археология институтини нашри, 1995. – Б. 58-60.

⁵⁷ Бегалиев Н. Тарихий топонимлар этимологияси юзасидан айрим қайдлар // Систем-структур тилшунослик муаммолари (республика илмий-назарий конференцияси материаллари). – Самарқанд: СамДҲТИ нашри, 2010. – Б. 192-193.

⁵⁸ Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. – Самарқанд, 1997. – Б. 167.

⁵⁹ Эназаров Т. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини. – Тошкент, 2004. – Б.75.

⁶⁰ Раҳимов Т. Этимология топоним Самарқанд // Сов. тюркология. 1973. № 3. – С. 43-50; Эназаров Т. Самарқанд топонимининг этимологик таҳлили // Тил ва адабиёт таълими. 2006. № 2. – Б. 90-92.

ошидаги [в/б/п/ф] ундош товушлари ўзаро бириктиб, кучли товуш ўзгаришига учраган: **нгв/нгб/нгп/нгф** товуш бирикмаси [м] товушига ўтган) ундош товушлар ўзгаришга учраб топоним таркибини англаш, таҳлил қилиш ва тушунилишини мураккаблаштирган. Ном таркибидаги **самар** сўзининг ўзгариши милодгача ва милоднинг IХ-X асригача юз берган. Шу боис халқ орасида семиз/самиз сўзига нисбат бериб изохлаш анъанаси шу даврларда пайдо бўлган. Бу анъана ҳатто ёзма манбаларда ҳам акс этган. Ном таркибидаги **вар/вара/пар/пара/фар/фара** сўзи ҳинд-сиропа тиллари оиласининг бир неча гуруҳларида турли хил фонологик-фонетик шаклда полисонимлар ҳосил қилишда фаол индикаторлик вазифасини бажарган. Жаҳон топонимикасида биронта индикатор бу лексема каби топонимлар гуруҳини яратиш қудратига эга бўлмаган. **Самарқанд** номи таркибидаги **вар/бар/пар...** ва **қанд/қанг** сўзлари ўзаро маънодош сўзлар саналади, **даврийлик/тадрижийлик** жиҳатидан хронологик давомийлик тамойилига амал қилинган: **вар/пар/фар** – атрофи девор билан қуршалган тураржой, **қанд/қанг/қант/кент** – қўрғон, қўрғонлар мажмуи, шаҳар...⁶¹. Ономастик бирликлар таҳлилида этимологик методдан фойдаланиш ана шундай мураккаб, зиддиятли хусусиятларга эгадир.

Статистик метод. Бу метод ёрдамида ўрганилган ономастик бирликларнинг қўлланиш даражасини, статистикасини аниқлаш мумкин. Ҳозирги вақтда номшуносликда бирор мавзу ёки ономастик объект танланганда ўша объектда қўлланилган атоқли номларнинг умумий миқдори, статистикаси аниқланади, шундан кейин асосий илмий кузатиш ишлари олиб борилади.

Назорат саволлари:

1. Ономастик бирликларни таҳлил қилиш методлари ва методлогияси ҳақида умумий тушунча.
2. Ономастика тараққиётининг уч даври, уларнинг бир-бири билан ўзаро алоқадорлиги.
3. Номшуносликда қўлланиладиган тасвирий метод ҳақида тушунча.
4. Номшуносликда қўлланиладиган тарихий ва қиёсий-чоғиштирма методларнинг хусусиятлари.
5. Ономастик универсалиялар ва уларни аниқлаш йўллари.

⁶¹ Нафасов Т. Самарқанд полисоними // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. 2011. № 4 -- Б. 57-62.

6. Номшуносликда кўлланиладиган ареал метод, семиотик метод ва стилистик методнинг ўзига хос хусусиятлари.

7. Номшуносликка оид тадқиқотларда лингвопсихологик метод ва статистик методнинг ўрни.

ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИКАСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: антропоним, антропонимика, антропонимия, исм, лақаб, фамилия, тахаллус, ота-исм, регионал антропонимия, антропонимик дугат, патроним, антропонимик универсалия, антропонимик тизим, антропонимик ареал.

Маълумки, *антропоним* (юнонча: *antropos* - *антропос* + *опота-атоқли от*) – киши атоқли оти (исм, фамилия, лақаб, тахаллус, патроним ва бошқалар). Атоқли от типларидан бири⁶². Маълум бир тилда мавжуд бўлган барча киши атоқли отлари мажмуи, фонди *антропонимия* деб юритилади. Антропонимика ёки исмшунослик эса ономастика (номшунослик)нинг киши атоқли отлари (антропонимлар)нинг пайдо бўлиши, ривожини ва вазифавий хусусиятларини ўрганувчи бўлидир.

Ўзбек антропонимларини илмий асосда тўплаш ва ўрганиш ишлари XIX аср охири-XX аср бошларида бошланган эди. Дастлаб Е.Т.Смирнов (1899), кейинчалик Н.С.Ликошин (1916) ва бошқа рус география жамияти Туркистон бўлимининг аъзолари (В.Ф.Ошанин, А.Самойлович кабилар) ўзбекча исмларни тўплаш ва уларни русча транслитерацияда ифодалаш масалалари билан шуғулланганлар. Н.Остроумов (1910), А.Самойлович (1911), С.Ольденбург (1928), В.Я.Наливкин, М.Наливкина (1897) кабиларнинг ишларида ўзбекча исмлар ва лақабларнинг этимологияси, этнографиясига оид айрим масалалар ўрганилган эди. Н.С.Малицкий эса Тошкент шаҳридаги маҳаллий аҳоли исмлари, урф-одати масалалари билан шуғулланган (1928). С.Иброхимов, М.Раҳмонлар эса ўзбекча исмлар ва фамилияларнинг имлосига доир кузатишлар олиб борганлар (1935).

Ўзбекча исмларнинг лисоний хусусиятларини илмий жиҳатдан ўрганиш 1960 йиллардан бошланган. Худди шу даврда Д.Абдурахмонов (1960), Ў.Носиров (1965), Ф.Абдуллаев (1960, 1961), М.Шамсиева (1962), А.Ишаев (1961), Х.Дониёров (1960) каби олимларнинг ўзбек антропонимикасига доир айрим илмий ва илмий-оммабоп мақолалари эълон қилинган эди.

Ўзбек антропонимикасининг асосчиси, ҳеч шубҳасиз, Э.А.Бегматов саналади. У 1962-1965 йиллар давомида ўзбек

⁶² Бегматов Э., Улуков И. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли дугати. Наманган, 2006. – Б. 13.

антропонимияси бўйича жуда бой материал тўплади ва антропонимларнинг лингвистик, экстралингвистик хусусиятлари, исмлар, лақаблар, тахаллуслар, фамилиялар, отаисмларнинг лексикаси, структураси, грамматик хусусиятлари бўйича қатор салмоқли мақолалар эълон қилди. Шу асосда бу олим 1965 йилда “Ўзбек тили антропонимикаси” деган мавзуда номзодлик ишини химоя қилган эди⁶³. Шундан кейин Э.Бегматовнинг исмшуносликка оид “Номлар ва одамлар” (1966), “Киши номлари имлоси” (1970), “Ўзбек исмлари имлоси” (1972), «Литературные имена и фамилии узбекских авторов в русской транскрипции» (1981), “Ўзбек исмлари” (1992, 2000, 2007), “Исм чиройи” (1994) каби жуда кўплаб асарлари нашр этилган.

Ўзбек антропонимларининг семантикаси ва этимологияси масалаларини Я.Менажиев, Х.Азаматов, Д.Абдурахмонов ва Э.Бегматовлар “Исмингизнинг маъноси нима?” номли рисоласида амалий жихатдан ҳал этишга интилдилар⁶⁴. Ўзбекча исмларнинг русча ёзилиши, имлоси муаммоларига бағишланган С.Иброҳимов (1961, 1967), Н.Мамаатов (1958), Ф.Камолов, Р.Жуманиёзов, Я.Пинхасов, Т.Мирзаев, Э.Бегматов (1962) каби олимларнинг мақолалари матбуот саҳифаларида эълон қилинган эди. Э.Бегматовнинг “Киши номлари имлоси” (Тошкент, 1970), “Ўзбек исмлари имлоси” (Тошкент, 1972), «Литературные имена и фамилии узбекских авторов в русской транскрипции» (Ташкент, 1981) каби асарлари исмшуносликнинг ана шундай амалий масалаларига бағишланганлиги билан эътиборлидир.

XX асрнинг 70-йилларида ўзбек номшунослиги мустақил соҳа сифатида шаклланиши билан унинг таркибидаги антропонимика (исмшунослик)ка оид тадқиқотлар кўлами ҳам кенгайди. Шу даврдан бошлаб ўзбек антропонимияси хилма-хил йўналишда ўрганиладиган бўлди. Масалан, Г.Ф.Благова (1963, 1970), А.С.Толстова (1961), Қ.Каримов (1962, 1967), Э.Бегматов (1984, 1985) каби олимларнинг тадқиқотлари тарихий ёзма ёдгорликларда қўлланилган антропонимлар таҳлиliga бағишланган бўлса, Э.Бегматов (1981, 1984), Р.Қўнгуоров (1964, 1966), А.Жумаев (1985), Ғ.Сатторов (1985) сингари олимларнинг илмий кузатишлари антропонимларнинг ясалиши, ўзлашма антропонимлар

⁶³ Бегматов Э.А. Антропонимика узбекского языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. –Ташкент, 1965.–28 с.

⁶⁴ Менажиев Я., Азаматов Х., Абдурахмонов Д., Бегматов Э. Исмингизнинг маъноси нима? – Тошкент: Фан, 1968. – 100 б.

структураси, исмларнинг грамматик ва семантик хусусиятлари тахлилига оид эди.

Мамлакатимизда бажарилган номшуносликка оид ишларнинг айримлари антропосистемаларнинг қўлланилиш хусусиятлари, антропонимик серияларнинг худудларда тарқалиш частотасини аниқлашга бағишланган эди. Бу жиҳатдан Л.И.Ройзензон, Э.Б.Магазаник (1971), Л.И.Ройзензон, А.Исаев (1971), Л.И.Ройзензон, А.Бобоҳўжаев (1978), Р.Раҳимов (1978), Т.С.Ерохина, М.Н.Рамазонова (1978), В.Б.Сузанович (1978), В.А.Никонов (1967, 1973, 1977) каби олимларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Э.Бегматов (1972), В.А.Никонов (1972), Л.В.Данилова (1976) каби олимларнинг изланишлари эса ўзбек антропонимларида жинс тушунчасининг ифодаланиш усуллари (поляризация) тахлилига бағишланган эди.

Антропонимларнинг услубий хусусиятлари Х.Дониёров (1965), Х.Дониёров, Б.Йўлдошев (1985), Б.Йўлдошев, Х.Усмонов (1985), Э.Қиличев (1978; 1982), У.Қосимов (1980; 1995) сингари олимларнинг илмий ишларида ўрганилган эди. Ўзбек тилшунослигида киши исмлари, айниқса фольклор асарларида қўлланган антропонимлар социолингвистик ва функционал-семантик йўналишда тадқиқ этилган ишлар пайдо бўлди. Бу ўринда Д.Абдурахмонов, Ҳ.Бектемиров (1967), С.Йўлдошева (1974, 1975), Б.Файзуллаев, С.Турсунов (1985), А.Ишаев (1973), И.Худойназаров (1998) каби олимларнинг илмий изланишлари алоҳида ажралиб туради. Кейинчалик И.Худойназаров фольклор антропонимиясига доир номзодлик ишини ҳам ҳимоя қилди⁶⁵.

Ўзбек диалектал антропонимиясини ўрганиш бўйича ўзбек номшунослигида дастлабки қадамлар ташланди. Бу ўринда Х.Дониёров (1960, 1975, 1979)нинг ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга О.Мадраҳимов, Ф.Абдуллаев, З.Дўсимовлар Хоразм шевалари, А.Ишаев, Й.Иброҳимов каби олимлар Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари антропонимиясини тадқиқ этишга оид қатор ишларни амалга оширганлар. Ўзбек антропонимлари орасидаги ўзлашма қатлам, ундаги форсча-арабча, русча исмлар тахлили Э.Бегматов (1965, 1986, 1994), С.И.Зинин (1972), Н.А.Шаропов (1985) сингари олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Ўзбек тилидаги лақабларнинг ўзига хос

⁶⁵ Худойназаров И.И. Антропонимларнинг тил луғат тизимидаги ўрни ва уларнинг семантик-услубий хусусиятлари (Эргаш Жуманбулбул достонлари асосида) ИДА - Тошкент, 1998. 24 б.

функционал-лисоний хусусиятларига бағишлаб Э.Бегматов (1965), Э.Қиличев (1982), Й.Иброҳимов (1986), Б.Йўлдошев (2010) каби олимлар илмий мақолалар эълон қилганлар. Ўзбек антропонимик тизимининг таркибий қисми бўлган тахаллуслар, уларнинг қўлланиш хусусиятлари, турлари, матн таркибидаги вазифаси каби масалаларга оид Б.Қориев (1966, 1967), Ё.Исҳоқов (1968)ларнинг илмий мақолалари яратилган⁶⁶. Кейинчалик бу муаммога бағишлаб Т.Қораев, Р.Воҳидовларнинг рисоалари эълон қилинди⁶⁷.

Ўзбек антропонимикаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар XX асрнинг 80-йилларига келиб, унинг таркибида туркий қатламни ўрганишга эътибор берилди. Масалан, Ғ.Сатторов “Ўзбек исмларининг туркий қатлами” мавзuida номзодлик ишини ҳимоя қилди⁶⁸. Бу олимнинг шу мавзуга доир бир неча мақолалари ҳам эълон қилинди. Бу ишларда қуйидаги ҳаққоний хулосаларга келинган:

“Ўзбек антропонимиясининг миллий ўзига хослигини икки лисоний материал таъминлайди. Булар: туб туркий номлар ва ўзбекча исмлардир. Миллий-лисоний руҳ, айниқса ўзбекча номларни ижод қилишда ёркин намоён бўлади.

Туб туркий қатламга мансуб номларнинг аксарияти апеллятив маъноси аниқ сезилиб турган номлардир. Шунга қарамадан исмларнинг бу қатламида маъносига кўра уч хил номларни учратиш мумкин: 1) маъноси аниқ сезилиб турувчи номлар; 2) маъноси ҳозирда қоронғилашган исмлар; 3) ўлик маъноли номлар. Аксарият ўзбекча исмлар биринчи ва иккинчи гуруҳга мансубдир.

Туркий қатламга мансуб номларни лексик-семантик жиҳатдан уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) исм-бағишловлар; 2) ном-изоҳлар; 3) исм-тилақлар...”⁶⁹. Шунини инобатга олиш лозимки, туркийшуносликда киши исмлари таркибида умумтуркий қатламни тадқиқ этиш анча қадимий тарихга эга. Жумладан, бошқирд олими А.Ғ.Шайхулов татар ва бошқирд исмларида туркий қатлам таҳлилига оид номзодлик диссертацияси ҳимоя қилган (1978), кейинчалик унинг худди шу мавзуга оид ўқув қўлланмаси нашр

⁶⁶ Ўзбек антропонимикасига доир юқорида таъкидланган барча ишлар рўйхати қуйидаги библиографияда келтирилган: Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси. Библиографик кўрсаткич (XIX аср охиридан 2008 йилгача эълон қилинган ишлар олинган). – Наманган, 2008. – Б. 96-124.

⁶⁷ Қораев Т., Воҳидов Р. Адабий тахаллуслар ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 60 б; Қораев Т., Воҳидов Р. Тахаллуслар. – Тошкент: Фан, 1979. – 68 б.

⁶⁸ Сатторов Ғ.Ҳ. Ўзбек исмларининг туркий қатлами. НДА. – Тошкент, 1990. – 19 б.

⁶⁹ Сатторов Ғ.Ҳ. Ўзбек исмларининг туркий қатлами. НДА. – Тошкент, 1990. – Б. 18.

эттирган эди⁷⁰. В.У.Махпиров эса “Девону лугатиг турк” асаридаги киши исмларига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган⁷¹. Худди шундай кузатишлар ўзбек исмшунослигида ҳам олиб борилган эди⁷².

XX асрнинг 90-йилларига келиб ўзбек антропонимиясида тарихий номшунослик ёки тарихий антропонимия масалалари махсус ўрганилди. Масалан, Ш.Ёкубов “Навоий асарлари ономастикаси” мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилди, ундан олдин Б.Бафоев “Навоий асарлари лексикаси” номли монографиясида Навоий асарларидаги киши исмлари ва географик номларни семантик ва статистик жиҳатдан таҳлил қилган эди⁷³.

“Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати”нинг 4-томида Алишер Навоий асарларида қўлланган барча киши номлари, географик, астрономик ва бошқа номлар, Алишер Навоий ижодида учраган асар номларининг тўла рўйхати берилган⁷⁴.

Бу даврда бадий асарларда қўлланган антропонимларнинг услубий хусусиятлари, уларнинг таржимаси билан боғлиқ масалалар ҳам ўрганила бошланди. Масалан, Ю.Пўлатовнинг “Бадий асарда номлар таржимаси” номли рисоласи эълон қилинди⁷⁵.

Ўзбек антропонимикасининг яна бир муаммоси поэтик ёки бадий антропонимика масалалари билан боғлиқ. Яъни бадий асарларда қўлланган киши исмлари, умуман, атоқли отлар фақат номинатив функцияни эмас, балки бир қанча функционал-услубий хусусиятларни ифодалашга хизмат қилади. Мана шу масала кейинчалик ўзбек антропонимикасида махсус ўрганилди. Масалан, СамДУда Э.Б.Магазаник шу мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди⁷⁶, кейинчалик монография нашр эттирди. Бу ишда антропонимларнинг лингвистик категория сифатидаги табиати, ономастика ва унинг рус адабиётшунослигида ўрганилиш

⁷⁰ Шайхулов А.Г. Татарские и башкирские личные имена тюркского происхождения. Учебное пособие. – Уфа: Изд. Башкирского университета, 1982. – 72 с.

⁷¹ Махпиров В.У. Собственные имена в памятнике XI в. «Девону лугатиг турк» Махмуда Капгарского. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1981. – 24 с.

⁷² Нўлдощева Д. “Девону лугатиг турк” да антропонимларнинг қўлланиши хақида // Махмуд Кошарийнинг “Девону лугатиг турк” асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тугган ўрн. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2002. – Б. 101-103.

⁷³ Ёкубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. ИДА. Тошкент, 1994. – Б. 3-20. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 37-44.

⁷⁴ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. Тўрт томлик. 4-том. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 268-343.

⁷⁵ Пўлатов Ю. Бадий асарда номлар таржимаси. – Тошкент: Фан, 1967. – 68 б.

⁷⁶ Магазаник Э.Б. Поэтика имен собственных в русской классической литературе: Имя и подтекст. АКД. – Самарқанд, 1967. – 24 с.

даражаси масалалари ўрганилган. Олим ўз тадқиқотида бадий асарларда қўлланган антропонимларни жуда кенг контекстда олиб қарайди, бадий асар сюжети, конфликтини намоён этишда киши исмларининг ўрни масаласини асосли ёритади. Масалан, олимнинг талқинига кўра, А.С.Пушкин асарларида қахрамон фамилияси билан исми ўзаро фонетик жиҳатдан оҳангдошлик хусусиятига эга: *Ев-ген-ий О-нег-ин* каби. Худдий шундай фонетик оҳангдошлик М.Ю.Лермонтов қахрамонларининг фамилияси ва исмига ҳам хосдир: *ЕвгЕНий АрБЕНин* каби⁷⁷.

Мустақиллик йилларида ўзбек антропонимикасига оид тадқиқотлар доираси яна ҳам кенгайди. Масалан, С.Раҳимов Хоразм воҳаси мисолида минтақавий (регионал) антропонимия масалаларига доир кузатиш ишлари олиб борди⁷⁸, шу асосда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди⁷⁹. Н.Хусанов ХУ аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятларини тадқиқ этиб, икки қисмдан иборат монография яратди⁸⁰ ва шу мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди⁸¹. М.Тиллаева Хоразм ономастикаси тизимининг тарихий-лисоний тадқиқини “Авесто” асари ономастикаси билан қиёсий йўналишда олиб бориб, яхши натижаларга эришди⁸². Олимнинг хулосасига кўра, “Авесто”да учрайдиган киши номлари нафақат бутун эроний, балки туркий, сомиий халқлар антропонимикасига таъсир қилган. Шунинг учун бугунги ўзбек исмлари орасида *Жамшид*, *Исфандиёр* каби бир қанча авестовий антропонимлар ёки “Авесто” таъсирида юзага келган киши номларини учратамиз⁸³.

Р.Худойберганов ўзбек антропонимияси тизимидаги вариантдорлик хусусиятлари (*Рейим // Раҳим, Рейимбай // Раҳимбой, Шарифа // Шерифа* каби)ни тадқиқ этиб, бир неча

⁷⁷ Миязаваник Э.Б. Ономастика, или «говорящие имена» в литературе. – Ташкент: Фан, 1978. – С. 79-80.

⁷⁸ Раҳимов С.М. Хоразм минтақавий антропонимларининг баъзи бир фонетик хусусиятлари // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1997. № 1. – Б. 64-66; Раҳимов С.М. Хоразм минтақавий антропонимиясига оид кузатишлар // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1997. № 5. – Б. 39-41 ва бошқалар.

⁷⁹ Раҳимов С.М. Хоразм минтақавий антропонимияси. НДА. – Тошкент, 1998. – 27 б.

⁸⁰ Хусанов Н. ХУ аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 126 б; Хусанов Н. ХУ аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – 134 б.

⁸¹ Хусанов Н. ХУ аср ўзбек адабий ёдномаларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. ДДА. – Тошкент, 1998. – 66 б.

⁸² Тиллаева М.Б. Хоразм ономастикаси тизимининг тарихий-лисоний тадқиқи (“Авесто” ономастикасига қиёслаш асосида). НДА. – Тошкент, 2006. – 26 б.

⁸³ Тиллаева М.Б. Хоразм ономастикаси тизимининг тарихий-лисоний тадқиқи (“Авесто” ономастикасига қиёслаш асосида). НДА. – Тошкент, 2006. – Б. 11.

инимий мақолалар эълон қилди⁸⁴, кейинчалик номзодлик ишини ҳимоя қилди⁸⁵.

Кўринадики, ўзбек антропонимикасининг эришган ютуқлари жуда салмоқли, лекин бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, қатор муаммолар ҳам бор:

1. Ўзбек исмларининг имло лугати, изоҳли лугати, ўқув лугатини тайёрлаш ва уларни ҳозирги замон талабларига кўра яншир эттириш лозим.

2. Ўзбек антропонимлари таркибида ўзлашма қатламни, яъни қадимги суғдий, мўғул, уйғур, ҳинд, форс-тожик, араб ва рус байналминал қатламларни махсус ўрганиш талаб қилинади ва ҳоказо.

Назорат саволлари:

1. Ўзбек антропонимларининг XIX аср охири – XX аср бошларида ўрганилиши.

2. Э.А.Бегматов ўзбек антропонимикасининг асосчиси сифатида.

3. Ўзбек тарихий антропонимияси бўйича амалга оширилган гадқикотлар ҳақида.

4. Ўзбек минтақавий антропонимияси ва уни ўрганиш ҳақида.

5. Ономапозитика, бадиий матнда “гапирувчи номлар” таржимаси муаммоларининг ўрганилиши.

6. Ўзбек антропонимларининг вариантдорлик кўринишлари, уларни ўрганиш масалалари.

⁸⁴ Худойберганов Р. Ўзбек исмида вариантдорлик кўринишлари // Тил ва адабиёт таълими, 2006. № 2. - Б. 27-29; Худойберганов Р. Ономастик параллеллар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. № 5. - Б. 83-86 ва бошқалар.

⁸⁵ Худойберганов Р.Ю. Ўзбек антропонимияси тизимининг вариантдорлиги. НДА. Тошкент, 2008. - 26 б.

7-майруза

ЎЗБЕК ТОПОНИМИКАСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: топоним, топонимика, топонимия, топоасос, топонимик тизим, апеллятив, этнотопоним, антропоним, топонимлар мотивацияси, топонимик объект, топонимик ясалма, топонимик харита, топонимлашув жараёни, топонимлар этимологияси, топонимлар, топонимтермин, топоформант, топонимик қонуниятлар, ойконим, топонимик комиссия.

Маълумки, ономастик бирликлар орасида энг кўп ўрганилгани топонимлардир. Топонимлар асосан апеллятивлар асосида ҳосил бўлади. *Апеллятив* латинча *appellativum* – *турдош* от сўзидан олинган бўлиб, атокли отга қарама-қарши қўйилувчи, атокли от яшаш учун лисоний база бўлувчи турдош от ва бошқа тил лексемаларидир⁸⁶.

Топонимларда халқнинг ўтмиши, урф-одатлари, бошидан кечирган турли хил сиёсий-ижтимоий, этномаданий жараёнлар ўз аксини топган бўлади. Шунга биноан топонимия муайян тил лугат бойлигининг муҳим таркибий қисми, ўтмиш воқеалари даракчиси саналади.

Ўзбек топонимикасини илмий жиҳатдан ўрганиш XX асрнинг 60-йилларида бошланган. Ўтган давр мобайнида ўзбек топонимикасини ўрганиш бўйича жуда салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу ишлар орасида таникли географ олим Х.Ҳасановнинг “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан” номли монографияси алоҳида ўрин тутади. Бу асарда географик номлар – топонимларнинг тарихи, уларнинг хилма-хиллиги ва шаклланиш қонуниятлари қисқача баён этилган ҳамда топонимика фани тўғрисида қисқача гушунча берилган. Асарда таъкидланишича, “жой номларига қараб қадимий савдо йўллари, қабила ва тилларнинг тарқалиши, эски қалъа ва манзилларнинг ўринлари, сув ва доvonларнинг ҳосиятлари, фойдали қазилмалар, чўлларда қудуқларнинг бор-йўқлиги, жойнинг ўсимлик, ҳайвонот ва иқлимий хусусиятлари, хунар-қасб, тарихий воқеалар, афсона-ривоятлар ва бошқа хил маълумотларни билим оламизки, булар ҳаммаси халқ хўжалиги, маданиятимиз тарихи учун жуда муҳимдир”⁸⁷. Асарнинг охирида

⁸⁶ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изохли лугати. – Наманган, 2006. – б. 16

⁸⁷ Ҳасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – б. 37.

кискача топонимик луғат (45-58-бетлар) ва тарихий-географик номлар изоҳоти (59-80-бетлар)нинг берилиши унинг илмий-амалий климатини янада оширган.

Т.Нафасов, С.Қораев, З.Дўсимов, Б.Ўринбоев, Т.Рахматов, Ж.Лагипов, Т.Эназаров, Н.Охунов, С.Найимов каби олимларнинг сийи ҳаракатлари билан Хоразм, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Жиззах, Тошкент, Фарғона, Самарканд, қолаверса, ватанимизнинг барча ҳудудларидаги топонимлар тўпланди, уларнинг лисоний хусусиятлари, тарихи, этимологиясига оид муҳим илмий кузатишлар амалга оширилди.

Ўзбек топонимиясига оид дастлабки лисоний монографик иш Т.Нафасов томонидан бажарилган эди⁸⁸. Мазкур ишда Қашқадарё вилояти ҳудудидаги топонимларнинг номланиш асослари, этимологияси, уларнинг структурал-грамматик тузилиши ва ясаллиши масалалари кенг ва атрофлича тадқиқ этилган эди. Олим кейинчалик фақат Қашқадарё вилояти топонимларини ўрганиш билан кифояланиб қолмай, жанубий Ўзбекистон топонимларининг этимологиястик таҳлилини амалга оширди⁸⁹, Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғатини нашр эттирди⁹⁰. Мустақиллик йилларида проф.Т.Нафасов топонимика соҳасида яна ҳам шижоат билан меҳнат қилмоқда, олимнинг “Ўзбек номномаси” (1993), “Ўзбек тили топонимларининг ўқув изоҳли луғати” (2007), “Қарши шаҳри маҳалла ва кўча номлари” (2008), “Қашқадарё қишлоқномаси” (2009), “Чироқчинома” (2010) каби бир қанча йирик тадқиқотлари худди шу йилларда нашр этилди. 2008 йилда проф.Т.Нафасов таваллудининг 70 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди, ана шу сана муносабати билан ўтказилган илмий анжуманда олимнинг номшунослик соҳасидаги серқирра фаолиятига муносиб баҳо берилган, унинг асарлари библиографияси эълон қилинган эди⁹¹.

Ўзбекистон ҳудудидаги топонимларнинг тарихий-илмий таҳлилида таниқли географ олим С.Қораевнинг изланишлари ҳам алоҳида ўрин тутди⁹². Бу ишларда Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий

⁸⁸ Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент. 1968. – 24 с.

⁸⁹ Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этимологиястик анализи. – Тошкент. 1985. – 84 б; Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталган. – Тошкент: Фан, 1989. – 100 б.

⁹⁰ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 290 б.

⁹¹ Қараев С. Номшунос олим (проф. Т.Нафасовнинг илмий-педагогик фаолияти ҳақида). – Қарши: ҚаршиДУ нашри, 2008. – 256 б.

⁹² Қараев С. Опыт изучения топонимии Узбекистана. АКД. – Ташкент, 1969. – 25 с; Қараев С.К. Топонимия Узбекистана (социологиястик аспект). – Ташкент. Фан, 1991. – 132 с.

ва замонавий топонимлар қиёсий-тарихий йўналишда чуқур таҳлил қилинган. Олимнинг докторлик диссертацияси эса Ўзбекистон ойконимлари таҳлиliga бағишланган эди⁹³. С.Қораев топонимик лугатлар тузиш, номшуносликка доир илмий-оммабоп рисоалар, мақолалар яратиш соҳасида ҳам ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Унинг бу соҳадаги серқирра фаолиятига доир маълумотлар қуйидаги ишнинг библиография қисмида мавжуд⁹⁴.

Хоразм воҳаси топонимларининг илмий-лингвистик таҳлилида проф.З.Дўсимовнинг хизмати каттадир. Олимнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари⁹⁵, монографияси⁹⁶ худди шу мавзуга бағишланган эди. Кейинчалик А.Отажоновна Хоразм этнотопонимларининг лугавий асослари, М.Тиллаева эса Хоразм ономастикасининг “Авесто” билан қиёси мавзуларига оид кизиқарли ишларни амалга оширдилар⁹⁷. Ў.Ражабов эса Хоразм воҳаси материаллари асосида топонимик аниқлагич (индикатор) ларнинг функционал-семантик хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган номзодлик иштини ҳимоя қилди⁹⁸.

Шунингдек, Ё.Хўжамбердиев Сурхондарё вилояти, С.Найимов эса Бухоро вилояти топонимларини ўрганиш бўйича самарали ишларни амалга оширдилар⁹⁹. Н.Охуновнинг номзодлик иши эса Қўқон группа туманларининг топонимларини ўрганишга бағишланган эди¹⁰⁰.

Ўзбек топонимикасида бажарилган айрим тадқиқотлар алоҳида туман ёки шаҳар микротопонимлари тадқиқига бағишланганлиги билан эътиборга молик. Чунки топонимик объект доираси қанчалик тор доирада белгиланса, олинган натижалар, илмий хулосалар шунчалик асосли бўлади. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараганда Т.Раҳматов, Ж.Латипов, Х.Холмўминов.

⁹³ Қораев С.К. Ойконимия Узбекистана (историко-географическое исследование формирования названий населенных пунктов республики). Диссертация на соискание ученой степени доктора географических наук в форме научного доклада. – Ташкент, 1998. – 50 с.

⁹⁴ Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б. 223-238.

⁹⁵ Дусимов З. Топонимы Северного Хорезма. АҚД. – Ташкент, 1970. – 24 с; Дусимов З. Историко-лингвистический анализ топонимии Хорезма. АҚД. – Ташкент, 1986. – 48 с.

⁹⁶ Дусимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фац, 1985. – 136 б.

⁹⁷ Отажоновна А. Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг лугавий асослари. НДА. – Тошкент, 1997. – 26 б; Тиллаева М.Б. Хоразм ономастикаси тизимининг тарихий-лисоний тадқиқи (“Авесто” ономастикасига қиёслаш асосида). НДА. – Тошкент, 2006. – 26 б.

⁹⁸ Ражабов Ў.Х. Топонимик индикаторларнинг функционал-семантик хусусиятлари. НДА. – Тошкент, 2000. – 22 б.

⁹⁹ Хўжамбердиев Я. Историко-этимологическое исследование топонимии Сурхандарьинской области. АҚД. – Ташкент, 1973. – 25 с; Найимов С. Ойконимы Бухарской области. АҚД. – Ташкент, 1984. – 24 с.

¹⁰⁰ Охунов Н. Топонимия Кокандской группы районов. АҚД. – Ташкент, 1978. – 23 с.

Ў.Орипов, А.Аслонов, С.Бўриев каби олимларнинг илмий тадқиқотлари эътиборга молик¹⁰¹. А.Туробов эса Самарқанд вилояти материаллари мисолида этноним ва этноойконимларнинг лисоний таҳлили билан жиддий шуғулланди¹⁰². О.Бегимов топонимлардаги ўзлашма қатламни лисоний тадқиқ этишга оид номзодлик ишини химоя қилди¹⁰³. Х.Бўриева эса Тошкент шаҳрининг XIX асрнинг охири – XX аср бошларидаги тарихий топонимияси муаммоларини тадқиқ этди¹⁰⁴.

Ўзбекистонда топонимик тадқиқотлар кўламининг кенгайишида серғайрат олим Т.Эназаровнинг ҳам алоҳида улуши бор. Олимнинг номзодлик иши Шаҳрисабз ҳудуди жой номларининг таҳлилига бағишланган бўлса, докторлик диссертацияси топонимларнинг луғавий асослари ва этимологик тадқиқ муаммоларини ўз ичига қамраб олган эди¹⁰⁵. Мамлакатимизда топонимикага доир монографик тадқиқотлар, рисоалар, ўқув қўлланмалари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда С.Қораевнинг “Топонимика – жой номлари ҳақидаги фан” (1980), “Тошкент топонимлари” (1991), “Топонимика” (2006), М.Мамедовнинг “Халқ номлари жой номларида” (1981), Л.Каримованинг “Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши” (1982), Э.Бегматовнинг “Жой номлари – маънавий кўзгуси” (1998), Т.Эназаровнинг “Ўзбекистон топонимикаси” номли махсус курсни ўқитиш методикаси” (1999), “Топонимлар этимологик тадқиқининг илмий-назарий ва амалий-усулий асослари” (2001), Туркий содда топонимларнинг этимологик тадқиқи” (2002), “Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини” (2004), “Номшунослик масалалари” (2010), Н.Охуновнинг “Жойлар ва номлар” (1986), “Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари” (1989), А.Отажонованинг “Хоразм этнотопонимлари” (1997), З.Дўсимов ва

¹⁰¹ Раҳматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей. АКД. – М., 1973. – 28 с; Лятов Дж. Топонимия города Маргелана и его окрестностей. АКД. – Ташкент, 1975. – 26 с; Ходмунинов Х. Микротопонимия Байсуевского района и его окрестностей. АКД. – Ташкент, 1993. – 24 с; Орипов Ў. Нурота тумани макро ва микротопонимларининг лисоний таҳлили. ИДА. – Тошкент, 2003. – 22 б.; Аслонов А.С. Шофиркон тумани микротопонимиясининг лингвистик таҳлили. ИДА. – Тошкент, 2005. – 21 б.; Бўриев С.Н. Урган тумани микротопонимларининг лексик-семантик таҳлили. ИДА. – Тошкент, 2010. – 23 б.

¹⁰² Туробов А.М. Самарқанд вилояти этноним ва этноойконимларининг таҳлили. ИДА. – Тошкент, 1999. – 22 б.

¹⁰³ Бегимов О.Т. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашма қатлами. ИДА. – Тошкент, 1999. – 27 б.

¹⁰⁴ Бўриева Х.А. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири – XX аср бошлари). ИДА. – Тошкент, 2007. – 25 б.

¹⁰⁵ Эназаров Т.Ж. Шаҳрисабз ҳудуди жой номларининг тарихий-кнэсий тадқиқи. ИДА. – Тошкент, 1993. – 21 б.; Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. ДДА. – Тошкент, 2006. – 56 б.

М.Тиллаеваларнинг “Жой номларининг сири” (2001), “Топонимика асослари” (2002), А.Туробовнинг “Самарқанд этноним ва этноойконимлари” (2004), Т.Қурбонов, М.Худойбердиеваларнинг “Бадий асарлардаги топонимларнинг лингвистик таҳлили ва изоҳи масалалари” (2006), С.Каримов, С.Бўриевларнинг “Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида” (2006), Б.Қиличевнинг “Бухоро вилояти топонимлари” (2008), Н.Бегалиевнинг “Самарқанд топонимияси” (2010) каби бир қатор ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ономастик бирликлар орасида энг кўп ўрганилгани жой номлари – топонимлар бўлиб, келгусида бундай тадқиқотлар янада кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши лозим. Шу асосда Ўзбекистон топонимларининг харитаси, мукамал кўп томлик изоҳли лугати майдонга келишига мустаҳкам замин ҳозирланади.

Назорат саволлари:

1. Ўзбек топонимикаси ҳақида умумий тушунча.
2. Ўзбек топонимикасининг ўрганилишида С.Қораев, Б.Аҳмедов, Ҳ.Ҳасанов, А.Муҳаммадҷонов каби олимларнинг ўрни.
3. Ўзбек топонимикаси тараққиётида Т.Нафасов, З.Дўсимов, Т.Эназаров, Н.Охунов каби олимларнинг ўрни.
4. Ўзбек топонимикаси фани тараққиётининг ҳозирги босқичи.
5. Ўзбек макро ва микротопонимиясини ўрганиш муаммолари ҳақида.

ЎЗБЕК ГИДРОНИМИКАСИ ВА ЭТНОНИМИКАСИ-
НИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: гидроним, гидронимика, гидронимика, гидронимлашув, гидротопоним, гидронимик атлас, гидронимик индикатор, гидронимик асос, этноним, этнонимика, этнонимлашув, этнотермин, этнотопоним, этнонимия, этнооиконим, этноформант.

Гидроним сўзи (юнонча *hidor* – сув + *опота* – атоқли от) сувликдаги ҳар қандай (табiiй ва сунъий) объектларнинг атоқли оти, топоним тури маъноларини билдиради. Республикамиз ҳудудида *дарё, сой, ариқ, канал, жилга, ирмоқ, булоқ, шаршара, сардоба* каби сув объектлари жуда кенг тарқалган. Жумладан, Фарғона водийсида 6500 га яқин дарё, сой, жилгалар, Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида 120 га яқин сойлар, Қашқадарёда 3120, Сурхондарёда эса 2200 дан ортиқ дарё, сой, жилгалар борлиги аниқланган¹⁰⁶. Шу билан бирга ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 53 сув омбори, 41 ГЭС, 1456 насос станцияси, 140 минг км.га яқин зовурлар, 30 минг км.дан кўпроқ ички тармоқ каналлари қурилган, улар 4,3 млн. гектар ер майдонини суғориш учун хизмат қилади¹⁰⁷. Бу сув объектларининг барчаси ўз атоқли номи – гидронимига эга.

Ўзбек гидронимияси соҳасидаги изланишлар жуда қадимий ва узоқ тарихга эга. Масалан, С.Қораев ўзининг топонимик лугатларида топонимлар билан бирга жуда кўплаб гидронимларнинг ҳам изоҳини келтирган. Х.Ҳасановнинг “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан” (1965), “Ер тили” (1977), “Географик номлар сири” (1985) каби бир қанча асарларида гидронимлар изоҳи масаласи ҳам ўрганилган эди. Масалан, олим *Туятортар канали, Тупаланг дарёси, кўли Хуббон* сингари гидронимларнинг этимологиясига доир қизиқарли далилларни келтиради¹⁰⁸. Н.Охунов “Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари” номли рисоласида дарё номлари (*Амударё, Сирдарё, Қорадарё, Оқдарё, Зарафшон* каби), сув омборлари номлари (*Каттақўрғон сув омбори, Чорвоқ сув омбори* каби), канал номлари (*Жанубий Мирзачўл канали, Улугнор канали, Нарпай канали, Логон канали* каби), сой номлари (*Оҳақлисой, Қизилсой, Шуралисой, Чодаксой*

¹⁰⁶ Саидов А. Тоғ сойлари – суғориш манбаи. – Тошкент: Фаи, 1974. – Б. 14.

¹⁰⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси Ўн икки жыллик. 2-жилд. – Тошкент, 2001. – Б. 698.

¹⁰⁸ Ҳасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. Тошкент: Фаи, 1965. – Б. 53-55.

каби), кўл номлари (*Орқакўл, Девонкўл, Оқчакўл каби*), булок номлари (*Кўтирбулок, Қайроқчибулок, Бешибулок, Оқбулок каби*), арик номлари (*Жийдаарик, Шўрарик, Чинорарик каби*), кудук номлари (*Тошкудук, Қизилкудук, Откудук каби*), ҳовуз номлари (*Тошҳовуз, Молҳовуз каби*), зовур номлари (*Кўкзовур, Қорағғзовур каби*), тўғон ва қувур номлари (*Қумтўғон, Бешқувур, Тошқувур каби*) сингари гидронимик объектларни тасниф этади ҳамда бундай гидронимларнинг айримларини этимологик жиҳатдан талқин қилади. Масалан, *Булуғур* каналининг номи асосида мўғулча сўз ётади. Яъни *булуғур* сўзининг маъноси *лойқа сув* демакдир. *Арашонбулок* гидронимининг биринчи компонентидаги *арашон* сўзи санскритча бўлиб, “*шифобахи, илиқ*” маъноларини билдиради. Шунга кўра *Арашонбулок* гидроними “*шифобахи булок*”, “*иссиқ булок*” маъноларини ифодалайди. *Улуғнор* гидронимининг иккинчи қисмида қўлланган “*нор*” сўзи арабча “*наҳр*” (*дарё*) сўзининг маҳаллий аҳоли талаффузидаги фонетик вариантыдир. Шунга кўра *Улуғнор* гидроними “*катта канал*” маъносини билдиради. Ёки *Сангзор* дарёси номи тожикча *санг* – *тош* ва ўрин-жой маъносини билдирувчи қўшимчадан таркиб топган бўлиб, “*тошли ер, тошлоқ*” маъносини ифодалайди¹⁰⁹.

Ўзбек гидронимияси бўйича дастлабки тадқиқот “Самарқанд вилояти гидронимлари” (лисоний таҳлил) деб номланади¹¹⁰. Бу номзодлик диссертацияси уч бобдан иборат бўлиб, унинг дастлабки боби “Гидронимик атамалар” таҳлилига бағишланган. Ишнинг кейинги боблари эса Самарқанд вилояти диалект ва шеваларида учровчи гидронимларнинг лексик, семантик, морфологик ва этимологик таҳлилинини ўз ичига олади. Н.Бегалиев кейинчалик эълон қилган “Самарқанд топонимияси” номли асарининг алоҳида боби “Гидронимлар – сув номлари демак” деб номланган. Бу асарда *Даргом ариги, Жўйи Арзиз, Оби Маишад, Чоржўй ариги, Шаҳоб ариги, Коризкудук, Қўшкудук* каби гидронимларнинг этимологиясига доир маълумотлар келтирилган¹¹¹.

Ўзбек гидронимияси бўйича иккинчи йирик тадқиқот Н.Улуқовнинг монографиясидир¹¹². Олим кейинчалик ана шу

¹⁰⁹ Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 36-37.

¹¹⁰ Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари (лисоний таҳлил). НДА. – Самарқанд, 1994. – 25 б.

¹¹¹ Бегалиев П. Самарқанд топонимияси. – Самарқанд: СамДҲТИ нацир, 2010. – Б. 13-17.

¹¹² Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008. – 192 б.

монография асосида тайёрланган докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди¹¹³.

Шунингдек, А.Муҳаммаджонов, М.Турдибеков, А.Отажонова каби кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларида айрим гидронимларнинг хусусиятларга доир муҳим кузатишлар келтирилган. Масалан, Т.Нафасов ўзининг мақолаларида “*жили*”, “*қашқа*” формангли гидронимларнинг пайдо бўлиши, этимологияси ҳақида ўз кузатишларини баён қилган эди¹¹⁴. Гидронимлар филолог олимлардан ташқари жуда кўплаб географлар, тарихчилар ва этнографлар томонидан ўрганиб келинмоқда. Масалан, А.Жувонмардиев “ХУІ-ХІХ асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир” номли асарида *Норин*, *Сирдарё*, *Шаҳрихон*, *Далварзин*, *Андижонсой* каби бир қанча гидронимларнинг шаклланиши ҳақида фикр билдирган эди¹¹⁵. Й.Қосимов эса Наманган воҳасининг суғорилиш тарихидан” номли асарида ўша вилоятдаги *Қалмиқариқ*, *Богши*, *Қурама*, *Мамай*, *Бешатмон*, *Кўкжар* каби тарихий қабила, уруғ номлари билан аталган ариқлар, *Бойариқ* (ҳозирги *Намангансой*), *Эшонбобо канали*, *Янгиариқ*, *Мутаган*, *Хонариқ* каби бошқа ўнлаб сув объектларининг номланиши ҳақида фикр юритган¹¹⁶.

Гидронимлар маълум бир сув объектларига ном бўлар экан, бунда нисбийлик тамойилига ҳам амал қилинади. Яъни бунга кўра гидронимик объектларнинг хусусиятлари ўша гидронимларда тўла ўз аксини топмаган бўлади. Масалан, Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида *Каттажилвон*, *Кичикжилвон* деган ариқлар бор. Бу ариқлар номи таркибидаги *жилвон* сўзи топонимдир. Бу объектга яқин бўлган ариқларни номлаш учун ўша топоним олдидан *катти* ва *кичик* сўзлари қўлланган. Ёки *Жанубий Фарғона канали*, *Жанубий Мирзачўл канали* каби гидронимлар ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Сув объектларига ном қўйишда унинг белги, хусусиятлари асосида юзага келган зиддият ёки оппозиция ҳам инobatга олинади. Масалан, *Ширинбулоқ*, *Кўтирбулоқ* ва бошқалар.

Гидронимлар шакл жиҳатдан содда-туб, содда-ясама, кўшма ва бирикмали хусусиятларга эга бўлади. Масалан, *Қорасув*, *Қорадарё*, *Оқдарё* каби гидронимлар таркиби икки қисмдан иборат

¹¹³ У.дуков П.М. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий лисоний тадқиқи. ДША. – Тошкент, 2010. – 48 б.

¹¹⁴ Нафасов Т. *Жили* компоненти гидронимлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988. № 5. – Б. 43–45.

¹¹⁵ Жувонмардиев А. ХУІ-ХІХ асрларда Фарғона ер-сув масалаларига доир. – Тошкент: Фан, 1965. – 184 б.

¹¹⁶ Қосимов Й. Наманган воҳасининг суғорилиш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1988. – 121 б.

кўшма сўзлардир. Лекин шу билан бирга айрим гидронимларнинг таркибий тузилишини hozirgi даврга кўра аниқ белгилаб бўлмайди. Масалан, Наманганда *Қарғалиқўл*, *Тўнғизўлди*, *Қорачигай* каби ариқ номлари бор. Уларнинг шаклланиши, этимологияси ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида жуда кўплаб этногидронимлар мавжуд: *Хитойариқ*, *Фарғона ариғи*, *Қирғизбулоқ*, *Қитчоқариқ* гидронимлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари Ўзбекистон ҳудудидаги айрим гидронимлар антропогидроним шаклидадир: *Тошбобоариғи*, *Жўрахўжа булоғи*, *Жўйимаҳмуд*, *Жабборсой* кабилар. Бундан ташқари гидронимларнинг айримлари агрогидронимлар шаклидадир: *Хонариқ*, *Хўжаобод*, *Эшонариқ* кабилар.

Гидронимларнинг этимологияси жуда кўп олимларни кизиқтириб келмоқда ва гидронимларнинг келиб чиқишига доир халқ этимологияси билан бирга турли хил илмий-этимологик кузатишлар баён қилинмоқда. Масалан, Фарғона вилоятида *Қизариқ* деган ариқ бор. Бу гидронимнинг келиб чиқишига аслида *қиз* сўзининг бошқа маъноси – “Балад тоғнинг қуёш тушмайдиған жойи” деган маъноси асос бўлган. *Қизариқ* сўзи таркибидаги биринчи компонент аслида *қизил* бўлган, кейинчалик бу сўз таркибидаги –*ил* кўшимчаси тушиб қолган¹¹⁷.

Гидронимларнинг этимологияси таҳлил қилинар экан, олимлар морфологик, деривацион, семантик, тарихий ва диалекталогик тамойилларга асосланиб иш тутмоқдалар. Масалан, *Резаксой* деган гидроним таркибидаги “*рез*” сўзи *майда ушоқ*, *жой* деган маънони билдиради. *Тутак* каналнинг номи ҳақида ҳам турли хил қарашлар бор. Шулардан Н.Раҳмоннинг “Ўзбекистоннинг кўҳна туркий рун ёзувлари” номли китобида таъкидланишича, бу гидроним *тутак-тутук* сўзидан олинган бўлиб, “*ҳарбий маъмурият бошлиғи*” деган маънони билдиради. Н.Улуков эса бу гидронимнинг келиб чиқишини форс-тожик тилидан ўзлашган *тўтак* сўзига боғлайди. Унинг маъноси “*пахтадан ип йиғиришда ишлатиладиган қовоқ найча*” дир¹¹⁸. Айрим гидронимлар перифразавий номланиш хусусиятига эга. Масалан, бадий ва публицистик услубга оид матнларда *Шимоллий Фарғона канали - Наманган воҳасининг ҳаёт наҳри // Наманганнинг*

¹¹⁷ Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 115.

¹¹⁸ Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 124-126.

ҳаёт наҳри, Катта Наманган канали – Наманган воҳасининг кумуш камари, Косонсой сув омбори – Тоғ орасидаги денгиз, Норин дарёси ва Сирдарё – Фарғона водийсининг олтин камари, Нарпай канали – Зарафшон воҳасининг олтин белбоғи каби перифразавий номлар билан юритилади.

Гидронимларнинг ясалиши, ясалиш усуллари ўзбек тилшунослигида ҳали кенг ўрганилиши зарур бўлган муаммолардан биридир.

Маълумки, инсоният биологик жиҳатдан бир бутун бўлса ҳам, умумий социологик қонунлар асосида тараққий этиб, сон-саноксиз гуруҳларга, тўпларга бўлинади. Кишилар *уруғ, қабила, элат, халқ, миллат* каби уюшмаларга бирлашиб жамиятда яшайди ҳамда ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланади. Шулар орасида *қабила* алоҳида ўрин тутаяди. Қабила синфсиз жамиятдаги этник бирлик бўлиб, ижтимоий ташкилий гуруҳ, жамоадир. Элат эса кишиларнинг тил жиҳатдан, ҳудудий, иқтисодий ва маданий бирлиги бўлиб, миллатдан олдинги босқичдир.

Миллат эса кишиларнинг барқарор тарихий бирлиги, умумий иқтисодий турмуш ҳамда тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг ва психологиянинг ўзига хослиги заминида қарор топган ижтимоий тараққиёт шаклидир.

Энг қадимдан XX асргача ўзбеклар таркибига қирган *барлос, найман, сарой, қўнғирот* каби уруғ ва қабилалар, ўз навбатида, бир қанча *тўп, тира, шох, авлод, қавм* сингари тармоқларга бўлинади. Ана шу ҳар бир этник бўлинишнинг ўз номи бор. *Тўп, тўпар, шох, тира, жамоа, тоифа, авлод, қавм, уруғ, қабила, элат, халқ, миллат* номлари *этнонимлар* деб юритилади. *Этноним* сўзи юнонча бўлиб, *ethnos* – *халқ* + *опота атоқли* *от* сўзларидан ташкил топган. Ҳар қандай этнос (уруғ, қабила, элат, халқ, миллат ва бошқалар)нинг номи, бир тилда мавжуд этнонимлар мажмуи, йиғиндиси, рўйхати *этнонимия*, номшуносликнинг, шунингдек тарих, этнография фанларининг этнонимларни тадқиқ қилувчи соҳаси эса *этнонимика* деб юритилади¹¹⁹.

Этнонимларни ўрганиш билан тилшунослик, тарих, этнография, география каби бир қатор фанлар шуғулланади ҳамда уларни чуқурроқ тадқиқ этиш халқ ва миллатнинг келиб чиқиши, этногенезини аниқлашга ёрдам беради.

¹¹⁹ Бегматов Э., Удуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изохди луғати. – Наманган, 2006. – Б. 95.

Уруғ, қабила номлари – этнонимлар аста-секинлик билан ўша жамоа яшайдиган худуд номига айланиб қолади. Бунга *этнотопоним* дейилади. Баъзан этнонимлар асосида қайси худудда қандай уруғ ёки қабила вакиллари яшаганлигини билиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон худудининг бир қанча жойларида *Жалойир* деган қишлоқлар бор. Аслида жалойир уруғи вакиллари Оҳангарон хавзаси ҳамда Хўжанд атрофларида XI-XIII асрларда яшаганлар. 1375 йилда жалойир қабиласи вакиллари Амир Темурга қаттиқ қаршилик кўрсатгани учун унинг фармони билан жалойирликлар саркардаси қатл этилади ҳамда бу қабила вакиллари турли худудларга кўчириб юборилади. Ана шундан кейин фақат жалойирлар эмас, балки уларнинг қўл остидаги этник гуруҳлар ҳам худди шундай ном билан аталган.

Ўзбек этнонимларини ўрганиш соҳасида И.И.Умняков, К.Шониёзов, Б.Аҳмедов, А.Асқаров каби тарихчи олимлар, Х.Дониёров, С.Қораев, Э.Бегматов, Т.Нафасов, Н.Охунов, А.Туробов, К.Марқаев, Н.Бегалиев каби тилшунос олимлар кўпгина ишларни амалга оширганлар. Масалан, К.Шониёзовнинг “К этнической истории узбекского народа” (1974), “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” (2001), Б.Аҳмедовнинг “Ўзбек улуси” (2002) каби асарлари нашр этилган. Н.А.Баскаков “Игорь жангномаси” асарида *топчак*, *татран*, *могут*, *овар* каби бир қатор туркий этнонимлар борлигини аниқлаб, уларнинг этимологиясини ўрганган¹²⁰. Академик А.Асқаровнинг “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” номли асари тарих йўналишидаги талабалар учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилган¹²¹.

Х.Дониёровнинг “Ўзбек халқининг шажара ва шевалари” асари икки қисмдан иборат. Дастлаб бу асарда ўзбек халқининг қабила ва уруғ номлари М.Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Рашидиддиннинг “Жомеъут таворих”, Алишер Навоий, Абулғози Баходирхон асарларида қўлланиши ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади. Асарнинг кейинги бобида ўзбек этнонимлари ҳақида қўлёзма манбаларда, тилшуносликка оид тадқиқотларда билдирилган фикрлар таҳлил қилинади¹²². С.Қораевнинг “Этнонимика” рисоласида этноним ва этнотопонимларнинг шаклланиши ҳамда уларнинг маъноси ҳақида фикр-мулоҳазалар

¹²⁰ Баскаков Н.А. Тюркизмы-этнонимы в «Слове о полку Игореве» // Сов. тюркология. 1982. № 4. – С. 14-29.

¹²¹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: ТДПУ нашри, 2007. – 340 б.

¹²² Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – 98 б.

билдирилган¹²³. Шунингдек, М.Мамедовнинг “Халқ номлари жой номларида” (1981), У.Санакуловнинг ““Ўзбек халқининг ҳамда тилининг таркиб топиши ва номланиши” (1991), Ғ.Абдурахмоновнинг “Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида” (1999), З.Зиётовнинг “Турон қавмлари” (2008), А.Туробовнинг “Самарқанд этноним ва этноойконимлари” (2004), А.Шукуровнинг “Ўзбек” атамасининг келиб чиқиши ҳақида” (2010) сингари асарлар ҳам ўзбек этнонимикаси муаммолари таҳлилига бағишланган.

Н.Бегалиевнинг “Ўзбек этнонимлари тарихидан” номли асарида 92 бовли ўзбек уруғлари рўйхати (23-25-бетлар), қўнғирот қабиласи ва унинг уруғлари шажараси (51-56-бетлар) берилган ҳамда бир қанча туркий уруғ ва қабила номларининг этимологиясига доир қизиқарли маълумотлар келтирилган¹²⁴.

К.Марқаев Жанубий Ўзбекистон ҳудуди материаллари асосида ўзбек тили этнонимларининг лисоний тадқиқини амалга оширди¹²⁵. Бу номзодлик ишининг биринчи боби “Этнонимларнинг ономастик тизимдаги ўрни” деб номланган. Кейинги бобда этнонимларнинг маъновий-мавзуий таснифи ёритилган. Энг муҳими, бу қисмда ҳозир истъомдан чиққан, тушунарсиз айрим этнонимларнинг этимологик таҳлили берилган. Масалан:

Ёбу – қабила ва уруғ номи бўлиб, бу сўз оддий жайдари от маъносини билдирган. Ўзбек дostonларида “*Ёби дема, шу от тулпор экан де*” мисраларининг қўлланилиши ҳам бунинг далилидир. От номи кейинчалик этнос номига айланган.

Баҳрин – бу сўз қадимий туркий тилда катта йиртқич қуш, лочиннинг бир тури маъносини билдирган, уни қўлга ўргатилиб, овчиликда фойдаланилган, кейинчалик бу сўз ҳам этнос номи бўлиб қолган.

К.Марқаев ишининг охириги учинчи бобида этнонимларнинг грамматик тузилиши ва ясалиш хусусияти ўрганилган. Ўзбек этнонимиясидаги номларнинг катта қисмини туб, содда этнонимлар ташкил этади. Шу билан бирга этнонимлар орасида тўп (*бойтўп*, *бадалтўп* каби), тўда (*саройтўда*, *бектўда* каби), бачча (*гулбачча*, *жислонбачча* каби), тувғон (*қаршидантувғон*, *девонадантувғон* каби), тирноқ (*хўқтирноқ*, *оқтирноқ* каби), бош (*жортибоши*,

¹²³ Қораев С. Этнонимика. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – 24 б.

¹²⁴ Бегалиев Н. Ўзбек этнонимлари тарихидан. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2004. – 92 б.

¹²⁵ Марқаев К.Ш. Ўзбек тили этнонимларининг лисоний тадқиқи (Жанубий Ўзбекистон ҳудуди материаллари асосида). ИДА. – Тошкент. 2007. – 26 б.

олмабош каби), ўғил (*бешўғил, учўғил* каби), бой (*бозортухум, устатухум* каби), калла (*чоркалла, қоракалла* каби), қора (*қоракалтак, қорақўз* каби), ок (*оқмангит, оқтелтак* каби), беш (*бешбола, бешкал* каби), етти (*еттиуйли, еттигуруғ* каби), уч (*учқора, учуруғ // учуруғ* каби), ола (*олатўп, олачопон* каби) сингари икки компонентли, синтактик усул билан ҳосил бўлган этнонимлар ҳам бор.

Умуман олганда, туркий тиллардаги, жумладан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидаги этнонимик бойликни атрофлича тўплаш ва тадқиқ қилиш фақат тилшунослик фани учун эмас, балки халқ тарихи, этнографияси, маданияти ва маънавияти учун катта илмий-назарий ва илмий-амалий аҳамият касб этади.

Назорат саволлари:

1. Гидронимларнинг бошқа ономастик бирликлар каторида тутган ўрни ва улар билан муносабати.

2. Гидронимларнинг турлари (этногидронимлар, антропогидронимлар, гидроойконимлар, гидротопонимлар ва бошқалар) ҳақида умумий тушунча.

3. Ўзбек тили гидронимларининг ўрганилишида С.Қораев, А.Мухаммаджонов, Н.Улуқов, Н.Бегалиев каби олимларнинг ўрни.

4. Этнонимлар ва уларнинг бошқа ономастик бирликлар каторида тутган ўрни.

5. Этнонимларнинг ўрганилишида Б.Аҳмедов, К.Шониёзов, А.Асқаров, Х.Дониёров, Ғ.Абдурахмонов, У.Санакулов, М.Мамедов каби олимларнинг ўрни.

6. Этнонимларнинг ўрганилишида С.Қораев, Н.Бегалиев, А.Туробов, К.Марқаев каби олимларнинг ҳиссаси.

9-майруза

ЎЗБЕК КОСМОНИМИКАСИ ВА ИДЕОНИМИКАСИНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: космоним, космонимика, космонимия, идеоним, идеонимия, библионим, хрононим, мустақиллик даври хрононимлари, геортоним, ктематоним, хрематоним.

Маълумки, космоним (юнонча *хостос* – космос, олам, коинот + *опота* – атоқли от) – космик фазода жойлашган самовий объектларнинг атоқли оти, ономастик кўлам типларидан биридир¹²⁶.

Космонимлар – олам, коинот объектлари, ой, қуёш ва бошқа фазовий жисмлар номлари бўлиб, уларнинг жамул жами *космонимия*, тадқиқ этувчи соҳа номи эса *космонимика* деб юритилади. Масалан: *Қалқон, Катта Айиқ, Қуёш, Секстант, Жанубий балиқ, Шимолӣ тож, Оқ юлдуз, Қизил юлдуз (Миррих)* кабилар.

Космогония ўзида фалакиёт илмининг икки жаҳасини бирлаштиради. Буларнинг бири илми ҳайъат, астрономия бўлса, иккинчиси илми нужум, астрологиядир. Илми ҳайъатда осмон жисмларининг жойлашуви, уларнинг ҳаракат йўналишлари, илми нужумда эса ана шу ҳаракатнинг Ер шари ва инсон тақдирига турли хил таъсири масалалари ўрганилади. Шарқда фалакиёт илмига алоҳида аҳамият берилган. Илми ҳайъат ва илми нужумнинг муайян қирралари ҳақидаги дастлабки қарашлар жуда қадимги замонларга бориб тақалади. Жумладан, оташпарастлик дини вакилларига 18 та сайёра, уларнинг номи маълум эди, шулардан еттита *Қуёш, Ой, Уторид, Зухра, Миррих, Муитарий ва Зухал* бўлиб, улар қадимда етти сонининг илохийлашувига сабаб бўлган. Ёки зардуштийлик динида олов Қуёшнинг бир бўлаги ҳисобланган. Қадимги ҳинд-эрон мифологиясида эрталаб уфқдан бош кўтарган Қуёшнинг то кун ботгунига қадар осмонни айланиб ўтишидан иборат ҳаракати заррин нур сочиб турувчи аравага миниб олган Митранинг самони айланиб чиқиши тарзида тасаввур қилинган. Момақалдиروقнинг тангри аравасининг ғилдирақларига менгзалиши ана шу самовий мифларнинг эътиқодий қарашларга айланган ҳолда бизгача етиб келган қолдиқлари саналади¹²⁷. Бундан

¹²⁶ Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 41.

¹²⁷ Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 72.

кўринадики, оташпарастликда муқаддас саналган тўрт унсурдан бири олов самовий жисм - Куёш маъносида ҳам тушунилган.

Ўтмишда самовий жисм – Куёш шодлик, бахт рамзи сифатида улуғланган. Масалан, “Ирк битиги” (таъбирнома)дан олинган куйидаги сатрлар бунинг ёркин далили бўла олади:

*Эр йигит қайғули
Осмон булутли бўлди.
Улар орасида Куёш балқиди,
Қайғу орасида шодлик келди.
Билиб қўйинг: бу яхши¹²⁸.*

Тилимиздаги бундай лексик семантик гуруҳ (ЛСГ)га мансуб сўзлар Х.Эшонкулов, А.Примов, М.Жўраев, З.Юнусова каби олимлар томонидан ўрганилган. Масалан, Х.Эшонкулов “Алишер Навоий шеърлятида самовий тимсоллар” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилган, кейинчалик шу мавзуда рисола ҳам нашр эттирган¹²⁹. З.Юнусова *Сатурн, Ўнгай, Муштарий, Зухра, Чулпон, Миррих, Баҳром* каби самовий ёритгичлар луғавий гуруҳи мисолида ўзбек тилидаги луғавий микросистеманинг таркиби ҳамда ривожланиш жараёнини тадқиқ этган¹³⁰. Аслида бу ЛСГ марказида *кун, ой, кавкаб, кавокиб, езак, қуловуз, сайёра* каби аппелятивлар (турдош отлар) ҳамда *Секантир, Ўнгай, Хулкар, Қорақуш, Етикан* каби ономастик куршов сўзлари мавжуд бўлиб, улар бадий матнларда ўз ва кўчма маъноларда қўлланади.

Космонимларга мансуб биргина “юлдуз” лексемасининг *собит, сайёра, шиҳоб, зузаноб, зузаноба (қуйруқли юлдуз)* каби гипонимлари, *кавкаб, ахтар, кавокиб, нажм, нужум, анжум, ситора* каби синонимлари, *Зухра, Чулпон, Сурайё, Секантир, Зухал, Сатурн, Муштарий, Куруд, Миррих, Арзу, Аторуд* каби ономастик куршов сўзлари мавжуд. Худди шунингдек, “куёш” лексемасининг *кун, хуришд, хур, офтоб, шамс, меҳир* каби гипонимлари, *меҳри ховар, шаҳи ховар, оламсўз, жаҳонтоб* каби бирикмали синонимлари бадий матнларда фаол қўлланади. “Ой” лексемасининг *ҳилол, бадр* каби градуонимлари, *қамар, моҳ, моҳтоб* каби синонимик куршов сўзлари ўзбек тили луғавий тизимида алоҳида ЛСГни ташкил этади.

¹²⁸ Қадимги ҳикматлар. Тузувчи Н.Раҳмонов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б. 56.

¹²⁹ Эшонкулов Х.П. Алишер Навоий шеърлятида самовий тимсоллар (“Бадойиъ ул-бидоя”, “Наводир ун-нихоя” девонлари асосида). ИДА. – Самарқанд. 1999. – 25 б; Эшонкулов Х. Самовот – ишк маънари. – Тошкент: Фан, 2008. – 116 б.

¹³⁰ Юнусова З.К. Ўзбек тилида луғавий микросистеманинг таркиби ва ривожланиши (самовий ёритгичлар луғавий гуруҳи мисолида). ИДА. – Тошкент. 2005. – 22 б.

Илмий космонимия билан бирга халқ космонимияси ҳам кишилар орасида кенг тарқалган. Масалан, М.Жўраев *Ётти қароқчи юлдузи* ҳақидаги халқ афсоналарини махсус ўрганган¹³¹.

А.Примов ўзбек тили космонимларининг лисоний хусусиятларини тадқиқ этиб, қирққа яқин мақола яратган ҳамда номзодлик ишини ҳимоя қилган¹³². Номзодлик ишининг дастлабки бобида космонимларнинг аталиш мотивига кўра турлари, ҳосил бўлиши ва таснифи масалалари ўрганилган. Тадқиқотчи ўзбек тилидаги космонимларни норасмий мотивли (*Оқ юлдуз, Жанубий балиқ, Қисқичбақа* каби) ва расмий мотивли (*Терешкова астероиди, Осие астероиди* каби) космонимларга ажратади. Расмий мотивли космонимлар кўпроқ астрономияга оид дарслик ва қўлланмаларда учрайди ҳамда улар *неокосмонимлар* деб ҳам юритилади.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида халқ космонимларининг генетик тасвифи ўрганилган. Ишда халқ космонимлари объект турларига кўра бурж номлари (*Савр, Мезон, Жадй, Далв* каби), юлдуз туркумлари ва юлдузларнинг номлари (*Хулкар, Қутб юлдузи, Темирқозиқ* каби), планета номлари (*Зухра, Венера, Меркурий, Юпитер, Марс, Миррих* каби) ва Сомон йўли номлари (*Сомон йўли, Саманчи жол, Роҳи қаҳқашон* каби)га ажратиб таҳлил қилинган.

Ишнинг охириги боби ўзбек тилидаги неокосмонимларнинг функционал хусусиятлари таҳлилига бағишланган. Бу қисмда планета номлари (*Уран, Нептун, Плутон* каби), астероид номлари (*Церера астероиди, Улғузбек астероиди* каби), комета номлари (*Галлей кометаси, Неуймин кометаси* каби) ва селенонимлар (*Ой, Қамар, Бадр, Моҳ, Моҳтоб, Ҳилол, Ёмғирлар денгизи, Тиниқлик денгизи, Кирилл кратери, Инқирозлар денгизи* каби) алоҳида-алоҳида ўрганилган.

Умуман олганда, ўзбек тили космонимлари узоқ тарихий даврни босиб ўтган, тилимизнинг турли тараққиёт босқичларида пайдо бўлган луғавий бирликлардир. Улар тил тарихи, диалектология, этнография, халқ тарихи ва халқларнинг ўзаро ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқалари ҳақидаги муҳим

¹³¹ Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида “сеҳрин” рақамлар. - Тошкент: Фан, 1991. – Б. 106-117.

¹³² Примов А. Космонимларнинг икки гури ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. № 3. – Б. 100-102; Примов А. Космонимларнинг айрим фонетик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. № 2. – Б. 70-75; Примов А. Баъзи планеталар номларининг этимологиясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. № 3. – Б. 89-90; Примов А.И. Ўзбек тили космонимларининг лисоний хусусиятлари. НДА. - Тошкент, 2009. – 26 б.

маълумотларни ўзида холис акс эттирувчи ўзига хос ономастик бирликлар саналади.

Халқ тарихи, маданияти учун маълум аҳамиятга молик бўлган баъзи нодир қуроллар, асбоб-ускуналар, буюмларнинг атоқли отлари *ктематонимлар* деб юритилади. Айрим ишларда атоқли отларнинг бундай тури *хрематонимлар* деб ҳам номланган. Идеонимлар, библионимлар деб номланувчи ономастик бирликлар ҳам ктематонимларнинг бир тури саналади.

Тарихий асарлар, ҳужжатларнинг атоқли отлари идеонимлар (юнонча *idea* – *ғоя, идея* + *опота* – *атоқли от*) деб юритилади. Ҳар қандай бадий, илмий, диний, сиёсий асарга берилган ном (сарлавҳа) библионим (юнонча *bibliov* – *китоб* + *опота* – *атоқли от*) деб юритилади. Библионимлар идеонимларнинг бир туридир. Идеонимлар ёзма нутқнинг муҳим элементи сифатида ўзи номлаётган у ёки бу бадий асарнинг таркибий қисми саналади. Чунки у, биринчидан, ўзи ифодалаётган асарнинг номи, атамаси бўлиб хизмат қилса, иккинчидан, шу асар мазмунини белгилаб бериш вазифасини ҳам бажаради. Биринчи ҳалда асар номи ўқувчи диққатини ўзига тортади. Асар ўқиб чиқиб бўлингандан сўнггина ўша асар сарлавҳаси (идеоним) маъноси, унга юкланган мазмун тўла ва аниқ реаллашади. Масалан, ёзувчи Муҳаммад Алининг “*Улуғ салтанат*” тарихий тетралогияси улуғ соҳибқирон Амир Темур салтанати тасвирига бағишланган. Бу асар тўрт китобдан иборат бўлиб, ҳар бир китоб (тарихий роман) Амир Темурнинг ўғиллари номи (“*Жаҳонгир Мирзо*”, “*Умаршайх Мирзо*”, “*Мироншоҳ Мирзо*”, “*Шоҳруҳ Мирзо*”) билан юритилади. Ёки ёзувчи Шухратнинг “*Шинелли йиллар*” романининг номланиши ҳам қизикарлидир. Ўқувчи бу асарнинг номини эшигиши билан асар воқеалари иккинчи жаҳон уруши йилларида кечишини аниқ тасаввур этади. Худди шунингдек, ёзувчи Саид Аҳмаднинг уч китобдан иборат “*Уфқ*” трилогияси (“*Қирқ беш кун*”, “*Ҳижрон кунлари*”, “*Уфқ бўсағасида*” романлари), “*Жимжитлик*” романи, “*Гилдирак*” ҳажвий қиссаси номлари (идеонимлар) ҳам чуқур мазмунга эга.

Асарга ном қўйиш ўзига хос бир санъатдир. Чунки ном асар мазмуни, маъносидан келиб чиқиб қўйилади. Масалан, ёзувчи Эркин Самандар ўз тарихий романларидан бирини “*Тангри қудуғи*” деб номлаган. Бу номнинг мазмун-мундарижаси ҳақида асарда қуйидаги фикрларни ўқиймиз: “*Сом алайҳа-с-салом илтижоси*

билан *Хива қалъасидан аввал гойибдан мужда қилинган Тангри қудуги ҳамшиша чучук сувга сероб эди. Хиванинг биринчи гишти унинг суви билан қўйилган. Оқшайх бобо оловхонасининг лойи унинг сувига қорилган. Қалъа пайдо бўлганидан бери хиваликлар ҳайитларни Тангри қудуги сувини тотишдан бошлайдилар, гўдакларга она сутидан кейин унинг суви ичирилади, ўликни унинг билан ювишни фарз деб биладилар, уйланаётган йигит жўралари билан тўйдан олдин қудуққа боради, уни тавоф этиб зилол томчиларини ҳовучига олиб ичади, келинга бир коса Тангри сувидан олиб боради. Шундай муқаддас қудуқда бугун сув ўрнида қон... Одамлар бундай ваҳишатни кўрган ҳам, эшитган ҳам эмаслар...*¹³³.

Адибларимиздан Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғулوم, Абдулла Қаҳхор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Асқад Мухтор, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов кабилар асарга ном қўйиш ишига жуда масъулият билан ёндошганлар.

Идеонимлар бадий матнда номинатив, фарқлаш, информатив каби бир қанча функцияларни бажаришга хизмат қилади. Бу жиҳатдан бадий асар идеонимлари газета сарлавҳаларига жуда яқин туради¹³⁴.

Ўзбек тилшунослигида идеонимлар ва библионимлар эндигина ўрганилмоқда¹³⁵.

Ўзбек тили луғат таркиби атоқли отларга бой, бироқ уларнинг барча кўринишлари етарли, тўлиқ жамланмаган, илмий манбаларда у ёки бу тарзда тилга олинса-да, махсус ўрганилмаган. Ана шундай етарли ўрганилмаган атоқли от турларидан бири *хрононимлар*дир.

Хрононим (юнонча: *χρονος* – вақт, *μυδдат* + *οποτα* – атоқли от) – тарихий даврлар, босқичларга оид тушунчаларнинг атоқли оти ҳисобланади. Масалан, *Уйғониш даври*, *Темурийлар даври*, *Мустақиллик даври* кабилар. Тилдаги хрононимлар мажмуи, йиғиндиси *хрононимия* деб юритилади¹³⁶.

¹³³ Эркин Самаяр. Тангри қудуги. Тарихий роман. – Тошкент: Хазина, 1996. – Б. 200.

¹³⁴ Бу ҳақда қараг: Тошялиев И. Сарлавҳа стилистикаси. – Тошкент: Университет, 1995. – 90 б.; Абдусайдов А. Газета сарлавҳаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1995. – 120 б. ва бошқалар.

¹³⁵ Бу ҳақда қараг: Охунов Н. Идеонимлар ва уларни ўрганиш билан боғлиқ муаммолар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (илмий мақолалар тўплами). Ш–нқинчи. – Тошкент: ЎЗМУ, 2006. – Б. 79–82; Хусанов Н., Хўжақуллова Р. Абдулла Қаҳхор асарлари ва библионимлар // Тил ва адабиёт таълими, 2007. № 4. – Б. 60–64; Йўлдошева Д. Оригонимларнинг сарлавҳа вазифасида қўлланиш хусусиятларига доир // Ўзбек тилшунослиги ХХI асрда (илмий-назарий анижуман материаллари). – Қарши: ҚарДУ, 2008. – Б. 57–59 ва бошқалар.

¹³⁶ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 91.

Ўзбек тилидаги биргина Мустақиллик даври воқеаларини акс эттирувчи хрононимларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Давр номлари: *Қайта қуриш даври, Мустақиллик даври* каби.

2. Йилларнинг махсус номлари: *Мирзо Улуғбек йили* (1994), *Амир Темури йили* (1996), *Инсон манфаатлари йили* (1997), *Оила йили* (1998), *Аёллар йили* (1999), *Соғлом авлод йили* (2000), *Оналар ва болалар йили* (2001), *Қарияларни қабрлаш йили* (2002), *Обод маҳалла йили* (2003), *Меҳр-мурувват йили* (2004), *Сихат-саломатлик йили* (2005), *Ҳомийлар ва шифокорлар йили* (2006), *Ёшлар йили* (2008), *Қишлоқ фаровонлиги ва тараққиёти йили* (2009), *Баркамол авлод йили* (2010), *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили* (2011) каби.

3. Байрам сифатида нишонланадиган кун, сана номлари: *8 март – Хотин-қизлар куни, 21 март – Наврӯз байрами, 1 сентябрь – Мустақиллик куни* каби.

4. Инсонларни хотирлаш билан боғлиқ сана номлари: *9 май – Хотира ва қадрлаш куни, 31 август – Қатагон курбонларини хотирлаш куни* каби.

5. Кенг миқёсда нишонланадиган касб кунларининг номлари: *14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни* каби.

Ономастикага оид терминологик луғатларда ҳар қандай байрам, хотира саналари, тантана ва фестивалларнинг атокли номлари *геортонимлар* деб изоҳланади ва байрам ҳамда тантаналар маълум вақтда, кунда нишонланишига кўра геортонимлар сирасига кирувчи ономастик бирликларнинг хрононимлар билан боғликлиги таъкидлаб кўрсатилади¹³⁷. Шунга кўра геортонимларни байрам ва бошқа тадбирлар билан боғлиқ сана ва кунларни ифодалашига кўра хрононимларнинг бир тури деб ҳисоблаш мумкин.

Хрононимлар таркибида ҳар доим *кун, ой, йил, давр, аср* каби вақт тушунчасини ифодаловчи апеллятивлар – оддий сўзлар қўлланади ҳамда муайян сўзларга асосан ҳеч қандай грамматик воситаларсиз – битишув асосида боғланиб, уларни хрононим сифатида шаклланишига восита бўлади.

¹³⁷ Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1988. С. 48; Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 24.

Хрононимлар маъновий тузилишига кўра доимо социолингвистик моҳият касб этади, яъни ҳозирги ўзбек хрононимлари Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий соҳадаги сиёсати, тadbирлари ва ислохотлари маҳсули ҳамда ўзбек халқининг этно-тарихий анъаналари, урф-одатларини ифодалашга хизмат қилувчи лисоний бирликлар саналади.

Умуман хрононимлар, жумладан ўзбек тили хрононимияси жуда бой ва серкирра бўлиб, улар шу кунгача махсус тўпланмаган ва чуқур тадқиқ этилмаган. Келусида ўзбек тилидаги тарихий хрононимларни тўплаш ва монографик йўналишда ўрганиш ўзбек номшунослигининг долзарб вазифаларидан бири саналади¹³⁸.

Умуман, ўзбек номшунослигида идеонимлар, библионимлар, ктемадонимлар, хрононимлар, геортонимлар каби бир қатор ономастик бирликлар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Назорат саволлари:

1. Ўзбек халқ космонимияси ва илмий космонимия масалалари.
2. Юлдуз ва юлдуз туркумлари номлари, бурж номлари ва селенонимлар ҳақида тушунча.
3. Идеонимлар ва библионимлар ҳақида умумий тушунча.
4. Ўзингиз ўқиган бадиий асар номлари (идеонимлар)ни изоҳланг, уларнинг тўғри ва ёки ноўрин қўйилганлигини тушунтиринг.
5. Хрононимлар ва уларнинг ономастик бирликлар қаторида тутган ўрни.
6. Геортонимлар ва уларнинг хрононимлар билан муносабати.

¹³⁸ Улуқов Н. Мустақиллик даври хрононимлари // Тил ва адабиёт таълими. 2010. № 10. - Б. 61-65.

10- маъруза

**ЎЗБЕК ТЕОНИМИКАСИ, МИФОНИМИКАСИ
МАСАЛАЛАРИ. ОНОМАСТИКАДА ИМЛО ВА
ТРАНСКРИПЦИЯ. ОНОМАСТИКАНИНГ МАКТАБ,
ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖЛАРДА ЎРГАНИЛИШИ ҲАҚИДА**

Таянч сўз ва иборалар: теоним, теонимика, теонимия, мифоним, мифонимика, мифонимика, Хизр, пайгамбар номлари, ономастикада имло ва транскрипция масалалари, ономастика масалаларини мактабда, лицей ва коллежларда ўқитиш усуллари.

“Теоним” (юнонча *teog* - худо (Оллоҳ) + *опота* – атоқли от) – Оллохнинг номи ва атрибутларининг атоқли оти деган маънони билдиради. “Теонимия” эса шундай атоқли отларнинг тўплами, йиғиндиси, “теонимика” шундай ономастик кўламга мансуб атоқли отларни ўрганувчи соҳа маъносини билдиради¹³⁹.

Теонимлар тилдаги жуда қадимий луғавий бирликлар бўлиб, уларнинг пайдо бўлиш давлари инсониятнинг ўта кўхна дунёдаги диний қарашлари, анимизм, тотемизм, табу, эвфемизм сингари тасаввурлари билан боғлиқдир. Теонимларнинг пайдо бўлиши кўп худодилик ва бир худодилик даврларини ўз бошидан кечирган.

Туркий теонимлар, айниқса унинг ўта кўхна даврлардаги тарихи ҳақида Г.П.Снесарёв, О.А.Сухарева, Н.Дыренкова, М.В.Стеблева, Т.Д.Баялиева, Н.Ф.Мокшин каби олимларнинг ишларида учрайдиган маълумотлар қимматлидир. Масалан, Г.П.Снесарёвнинг мақоласида Аравия қабилаларининг қадимий илохлари *ал-Лот, ал-Уззо, Манот*; Яман илохлари *Вадд, Суваъ*; кўхна тарихга мансуб бўлган *Рамуза, Ахраман, Ахура-Мазда*, шунингдек мифик тасаввурлар билан алоқадор *аждарҳо, дев // девоҳ, нари, жинлар*, уларнинг генезиси, этимологияси ҳақида фикр юритилган¹⁴⁰.

Аллоҳ (Худо // Худой, Тангри, Яратган, Яздон, илоҳ, илоҳалар ва бу тушунчалар билан боғлиқ атрибутлар ҳақида тарихий, бадий, этнографик, фольклоршунослик, мифологик, қисман тилшунослик фанларида кузатиш олиб борилса-да, теоним, теонимия тушунчаси, унинг доирасига қирадиган аниқ луғавий ономастик бирликлар, уларнинг чегараси ва кўлами юзасидан ҳозирча изчил фикрлар билдирилганича йўқ. Номшунослик илмида бу масалани ўрганишда йўл қўйилаётган чалкашликларни

¹³⁹ Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 75.

¹⁴⁰ Снесарёв Г.П. К истории некоторых категорий теонимов у народов Средней Азии и Казахстана // Ономастика Средней Азии. – Фрунзе: Илим, 1980. – С. 272-282.

қуйидагича тўртга ажратиш мумкин: а) бордию, теоним тушунчаси ва термини маъносидан келиб чиқиладиган бўлса, теонимлар доирасига фақат Аллоҳ номи, бошқа хил қадимий илоҳ ва илоҳалар номи киритилиши лозим; б) баъзи ишларда атокли от *Аллоҳ* (*Тангри, Яратган, Худо // Худой*), унинг турли сифатлари бўлмиш *саттор, воҳид, ҳамид, жаббор, заффор, қодир* ва бошқалар теоним сифатида қайд қилинмоқда. Улар атокли от деб қараладиган бўлса, ҳозирги имловий қоидаларга кўра бош ҳарф билан ёзилмоғи керак; в) *Аллоҳ* тушунчасининг дублетлари, абсолют синонимлари бўлмиш *Оллоҳ // Аллоҳ, Тангри, Худо // Худой, Яздон* ва бошқалар ҳозирги вақтда гоҳида кичик, гоҳида бош ҳарфлар билан ёзилмоқда; г) баъзи ишларда теоним, теонимия тушунчаси асл маъносига тескари равишда ҳар қандай диний тушунча ва тасаввурлар атокли отини ўзида мужассамлаштирувчи ономастик бирлик деб тушунилмоқда. Шунга кўра теонимия доираси ниҳоятда кенгайиб, диний мазмунли табаррук, муқаддас деб билинувчи шахслар, авлиёлар, ўтмишда сиғиниш объекти бўлган реал ва нореал (хаёлий, мифологик) субъектлар, фигуралар номи ҳам киритилмоқда ва улар кўпинча *агноним* термини билан юритилмоқда.

Айрим ишларда теоним ва теонимия доираси янада кенгрок тушунилиб, унинг таркибига *некронимлар* - диний маросимлар бажариладиган жойлар номи (черковлар, монастирлар, масжидлар, хатто мадрасалар), муқаддас деб билиниб сиғиниладиган объектлар, нарсалар атокли отлари ҳам, шартли равишда, топонимия кўлами ҳамда теонимия микрокўламига киритилмоқда. Бизнингча, теоним (теонимия), агноним (агнонимия), некроним (некронимия) тушунчаларини, улар доирасига кирувчи атокли отларни аниқ фарқлаш, чегаралаш мақсадга мувофиқ бўларди. Теонимлар жонли деб ҳисобланувчи нарсалар, объектлар, шахслар номи бўлса, некронимлар қабристонлар, мазорлар, мана шу типдаги муқаддас жойларнинг атокли отларидир. Моҳиятан теонимлар антропонимларга, антропонимик кўламга яқин туради, агнонимлар ва некронимлар эса жонсиз объектларнинг атокли оти сифатида топонимия, топонимик кўламга мансубдир. Шунга кўра, агноним ва некронимларни теонимия таркибига киритиш мазмунан ва мантиқан унчалик тўғри бўлмаса керак. Жумладан, А.Аслонов ўз номзодлик ишида Шофиркон тумани ономастикасига хос хусусиятлардан бири унинг таркибида анчагина микдорда

некронимларнинг учрашидир, деб ҳисоблайди ҳамда 131 масжид, 66 мазор, 17 авлиё, 10 қабристон, 2 хонақо (хонақоҳ) номини тўплайди. Бундай некронимларнинг умумий миқдори 230 дан ортиқ эканлигини таъкидлайди¹⁴¹. Шунга кўра теоним (теонимия) дейилганда фақат Аллоҳнинг номи (номлари)ни тушуниш, агноним (агнонимия) дейилганда муқаддас деб билинувчи нарсалар ва шахслар номини англаш, некронимлар дейилганда эса ушбу термин англлатувчи маънога мос равишда қабрлар, қабристонлар (мазорлар, мазористонлар), шунингдек баъзи диний объектлар номи (масжид, мадраса, хонақо қабилар)ни тушуниш мақсадга мувофиқдир¹⁴².

“Мифоним” эса афсоналар, эртақлар, ривоятларда учрайдиган *дев*, *аждар* сингари атоқли отлар, деган маънони билдиради. Уларнинг йиғиндиси “*мифонимия*”, шундай ономастик кўламини ўрганувчи соҳа номи эса “*мифонимика*”дир. Шу билан боғлиқ ҳолда ўзбек номшунослигида кейинги йилларда “*мифозооним*”, “*мифотопоним*”, “*мифофитоним*”, “*мифоантропоним*” каби терминлар ҳам қўлланилмоқда¹⁴³.

Масалан, ўзбек мифологиясининг образлар тизимида афсонавий қушлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ҳам муҳим ўрин тутди. Ана шундай ҳаёлий, мифологик қушлардан бири Анқодир. Кўпгина фольклор асарларида анқо барча қушлар афсонавий аجدодбошиси ёки онаси деб тасаввур қилинади. Шунингдек, анқо Кўхи Қоғда яшайдиган афсонавий қуш. барча қушларнинг подшоси деган мифологик қарашлар ҳам бор. Айрим ўзбек халқ эртақларида анқо рамзий қушлар образига ўхшаш мифологик жонзот сифатида намоён бўлади. Умуман олганда, Анқо образи ўзбек халқ оғзаки ижоди эпик жанрлари (миф, афсона, эртақ, дoston каби)нинг муштарак бадиий элементларидан бири бўлиб, халқимизнинг бу қуш тўғрисидаги эътиқодий қарашлари мифологик ва эпик талқинлар сифатида фольклор асарларига чуқур сингиб кетган. Халқ оғзаки ижоди бадиий аънаналарининг бевосита таъсирида ўзбек мумтоз адабиётида “анқо” образи бадиий тимсол

¹⁴¹ Аслонов А.С. Шофиркон тумани микрононимиясининг лингвистик таҳлили. НДА. – Тошкент, 2005. – Б. 14-16.

¹⁴² Бу ҳақда қараг: Авлиёқулов Я. Теонимия тушуниши ва теонимлар ҳақида // Ўзбек тилшунослиги XXI асрда (илмий-назарий аниқланган материаллар). – Қарши, ҚарДУ нашри, 2008. – Б. 15-18.

¹⁴³ Бегматов Э., Утқулов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли лугати. – Наманган, 2006. – Б. 47.

сифатида жуда кўп асарларда қўлланилиб келганлигини алоҳида таъкидлаш лозим¹⁴⁴.

“Авесто” асари таркибида мифонимлар, теонимлар кенг қўлланган. Масалан, шулардан бири халқимиз орасида *Жумард қассоб*, *Жонмарди қассоб*, *Гавмард // Гавомард* деб номланувчи ва айрим жойларда қассобларнинг пири сифатида эътироф этилувчи мифологик персонаж ҳам “Авесто”да мавжуд. “Авесто” мифологияси ўзбек фольклори образлар тизимининг шаклланиши ва тараққиётида муҳим ўрин тутган. Масалан, Гайа Мартан зардуштийликда ер юзида яшаган биринчи одам сифатида тасаввур қилинган. Асардаги *Гавомард*, *Гопатишоҳ*, *Гилишоҳ*, *Қаюмарс* сингари персонажлар ҳам *Гайа Мартан* билан генетик жиҳатдан алоқадор. Жумард ҳақидаги афсонанинг нисбатан тугал варианты этнограф Г.П.Снесарёв томонидан Кўхна Урганчдан ёзиб олинган.

Хоразмдаги *Жумритов (Йумритов)* ороними ҳам *Жумард* мифоними оркали “Авесто” мифологиясига боғланади... *Жумритов* ороними аслида *Жумарттов* бўлиб, кўп асрлик лисоний тараққиёт натижасида ҳозирги фонетик ҳолатига келиб қолган¹⁴⁵.

“Авесто”да *Ардви* сув культуни ўзида мужассамлаштирган мифологик дарёнинг номидир. Қадимги мифологияда сув култи мўл ҳосил олиш ғояси билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун ҳам “Авесто”да тасвирланган муқаддас дарё кут-барака ва сув маъбудаси *Арвисура Анахита* образида тимсоллаштирилган¹⁴⁶.

Қадимги аجدодларимизнинг мифологик тасаввурлар тизимида сув култи билан алоқадор сюжетлар алоҳида ўрин тутди. Ана шундай мифологик персонажлардан бири *Хубби* образидир. Шу мифологик ном билан боғлиқ айрим топонимик объектлар ҳам мавжуд. Масалан, Бухоро шаҳридан 40 км. жануби-ғарбда *Хожа Убби авлиёси*, Жондор туманидаги Оқших қишлоғида *Султон Хубби қадамжоси*, Охангарон дарёси бўйларида *Эрхубби*, Қамаш туманидаги *Хуббил тепа* шулар жумласидандир¹⁴⁷.

¹⁴⁴ Жўраев М. Аяко образи талқинига доир мулоҳазалар // *Ўзбек тили ва адабиёти*. 2001. № 2. – Б. 54; Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф. фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б. 103-107.

¹⁴⁵ Жўраев М. Гавомард образининг ўзбек фольклоридagi талқинлари // *Ўзбек тили ва адабиёти*. 2001. № 5. – Б. 48-55; Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф. фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б. 19-29.

¹⁴⁶ Эшмуродов М. “Авесто”да сув култи // *Ўзбек тили ва адабиёти*. 2001. № 5. – Б. 55-58.

¹⁴⁷ Жўраев М. Ўзбек мифологиясида Хубби образи // *Ўзбек тили ва адабиёти*. 2002. № 2. – Б. 14-21; Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф. фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б. 29-39.

Пайғамбарларнинг исмлари теонимларнинг асосий қисмини ташкил этади. “Пайғамбар” сўзи форсча бўлиб, “пайғом” – хабар, “бурдан” – келтирмак, яъни “хабар келтирувчи”, “элчи” маъноларини билдиради. Диний адабиётларда, хусусан Куръон ва ҳадисларда пайғамбарларга нисбатан “наби” ва “расул” сўзлари қўлланган. Куръонда 28 та пайғамбарнинг номи қайд этилган: *Одам, Идрис, Нух, Худ, Солиҳ, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Ёқуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зул кифл, Шуайб, Мусо, Хорун, Довуд, Сулаймон, Юнус, Илёс, Яҳё, Закарийё, Исо, Муҳаммад, Луқмон, Зулқарнайн*. Куръондаги 114 та суранинг 7 таси пайғамбарлар номига қўйилган: *Юнус – 10-сура, Худ – 11-сура, Юсуф – 12-сура, Иброҳим – 14-сура, Муҳаммад – 47-сура, Нух – 71-сура, Инсон (Одам) – 76-сура*.

Пайғамбарлар номлари, яъни теонимлар Куръон ва ислом дини орқали туркий тилларга, жумладан ўзбек тили луғавий тизимиغا ҳам кириб келган. УП-УШ асрлардан бошлаб бундай теонимлар эски туркий (ўзбек) тили антропонимик тизимидан ҳам мустақкам ўрин ола бошлади. Пайғамбарлар исмларининг кўпчилиги Куръонга “Забур”, “Таврот”, “Инжил” каби мукалдас китоблардан ўтган. Кейинчалик пайғамбарларнинг айрим номлари теонимик антропонимлардан оддий антропонимларга айлана бошлади. яъни кишиларнинг оддий исмлари сифатида кенг қўлланадиган бўлди. Масалан, IX-X асрларда Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган Сомонийлар давлатининг раҳбарлари *Нух, Илёс, Яҳё, Исҳоқ, Ҳамид, Ёқуб, Аҳмад, Исмоил, Абуиброҳим* исмлари билан ном қозонган эдилар¹⁴⁸.

XII асрдан бошлаб бундай теонимик антропонимлар “Қутадғу билик”, “Ҳибатул ҳақоик”, “Қиссаси Рабғузи”, “Боқиргон китоби” каби туркий адабий ёдномаларда ҳам қўллана бошланди. Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари бевосита ана шундай теонимлар тахлиliga бағишланган. Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асарида жуда кўплаб теонимлар келтирилган. Н.Хусанов ана шундай теонимик антропонимларни тахлил қилишга бағишланган монография яратди. Бу ишнинг асосий қисми пайғамбарлар, уларнинг аждод-авлодлари, Муҳаммаднинг авлод-

¹⁴⁸ Бегматов Э. Исм чиройи. – Тошкент: Фан, 1994. – Б. 4-65; Хусанов Н. Пайғамбарлар исмининг маънолари // Сирли олам. 1994. № 4. – Б. 19-20.

аждодлари, халифаларнинг номлари, авлиё ва фаришталарнинг номлари таҳлилини ўз ичига олади¹⁴⁹.

Хизр, Луқмон каби авлиёлар ва *Азроил, Жаброил, Исрофил, Мекоил, Мункар, Накир* сингари фаришталарнинг номлари ҳам теонимлар қаторига киради¹⁵⁰. Шунингдек, *Азозил, Молик, Уззо, Узоё, Хорут, Морут* каби антропонимлар ҳам фаришталарнинг исмлари бўлиб, улар ҳам теонимлар саналади.

Топонимлар, антропонимлар ва бошқа ономастик бирликларнинг транскрипцияси, имлоси, уларни бир ёзувдан иккинчи ўтказиш (транслитерация қилиш) каби масалалар ономастиканинг илмий-амалий муаммоларидир. Бу соҳада ҳам ўзбек ономастикасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Масалан, Э.Бегматов “Киши номлари имлоси” (1970), “Ўзбек исмлари имлоси” (русча ёзилиши масалалари, 1972) номли китоблар эълон қилган. Адабиётшунос олим А.Абдуғафуров “Бобир эмас, Бобур” номли мақоласи билан шу таҳаллуснинг ёзилиши билан боғлиқ ҳар хилликка муносабат билдирган эди¹⁵¹. Х.Набиев матбуотда “Асл исминг нима эди, Кулчакон” сарлавҳали мақола билан чиқиш қилди эди¹⁵². Ҳ.Раҳимов “Генрихми – Хенрихми?” номли мақоласида немис тилидаги атоқли отларни ўзбек тилига транскрипция қилиш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар, таклифларни билдирган эди¹⁵³. Ўзбек адабиётшунослигида “Атоий - Отоий”, “Навоий - Навойи” каби таҳаллусларнинг имлоси ҳақидаги мунозара кўп йиллардан буён давом этмоқда¹⁵⁴.

Умуман, таҳаллуслар, уларнинг маъноси, қўлланилиши, имлоси каби масалалар ўзбек филологиясида кўп йиллардан буён ўрганилмоқда. Масалан, Ё.Исҳоқовнинг Жомий ва Навоий таҳаллусли шоирлар, бу таҳаллусларнинг имлоси ҳақидаги бир неча мақолалари эълон қилинган¹⁵⁵. Шоир Олтой (Боис Кориев) томонидан ўз вақтида “Адабий таҳаллуслар ҳақида” номли мақола

¹⁴⁹ Хусанов Н. ХУ аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. 1-қисм. – Тошкент: “Ёзувчи”. 1996. – Б. 26-119.

¹⁵⁰ Пурманов Ф.И. *Хизр* образининг генезиси ва ўзбек фольклоридagi талқини. ИДА. –Тошкент, 2007. – 24 б.

¹⁵¹ Абдуғафуров А. Бобир эмас, Бобур // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1983 йил 18 январь.

¹⁵² Набиев Х. Асл исминг нима эди Кулчакон? // Халқ сўзи, 2000 йил 10 март.

¹⁵³ Раҳимов Х. Генрихми – Хенрихми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1986 йил 19 декабр.

¹⁵⁴ Бу ҳақда қарагил: Рафиддинов С. Яна Атоий таҳаллуси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1991. № 3. – Б. 41-45; Рустамов А. Еттинчи сўхбат (Атоий таҳаллуси имлоси) // Маърифат, 1991 йил 12 март; Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий номининг ёзилиш шакллари ва имлоси // Адабий мерос. 1977. № 8. – Б. 43-47 ва бошқалар.

¹⁵⁵ Исҳоқов Ё. Ўн бир Жомий // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968. № 1. – Б. 42-45; Исҳоқов Ё. Алишер Навоий ва Навоий таҳаллусли шоирлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968. № 3. – Б. 76-79 ва бошқалар.

ёзилган эди. Бу мақолада XX аср бошларида ўзбек адабиётида ва вақтли матбуотида қўлланган икки юздан ортиқ таҳаллуслар доимий, ўткинчи ва қисқартирилган таҳаллусларга ажратилган ҳолда алифбо тартибида келтирилган¹⁵⁶. Кейинчалик XX асрнинг 70-йилларида адабий таҳаллуслар ҳақида иккита китоб майдонга келди. Бу асарларда адабий таҳаллусларнинг имлоси ҳақида ҳам муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилган¹⁵⁷.

Географ ва картограф олимлар топонимик карталарда, атласларда атоқли отлар, терминлар ва қисқартмаларнинг ёзилишига оид амалий йўриқномалар ишлаб чиқмоқдалар¹⁵⁸. Навоий шаҳрида ўтказилган “Жой номлари – халқ тили ва маънавиятининг нодир мероси” мавзuidaги республика илмий-амалий анжуманидаги тингланган маърузаларнинг бир қисми *Шаҳидмозор // Шоҳидмозор, Тор-тор маҳалла // Тотор маҳалла, Кўтарма ариқ // Кўтармаарик, Қайирма ариқ // Қайирмаарик, Деҳнов // Денов, Навқат // Навқат, Наваи // Навои, Қызылтепа // Қызыл-Тепо // Қизилтепо // Қизил тепе, Германия // Олмония, Россия // Русия, Европа // Овруро, Сартепо // Саттепо // Саратепе, Зерафшан // Зарафшан // Зарафшон, Қонимех // Қенимех // Қанимех* каби жой номлари, гидронимларнинг имлоси, транскрипцияси, транслитерацияси масалаларига бағишланган эди¹⁵⁹.

Маълумки, ономастик материал ҳар қандай ривожланган тил луғат бойлигининг катта қисмини ташкил этади. Шунга кўра ономастик материални худди тарих, география, астрономия каби фанлар сингари махсус ўрганиш талаб қилинади. Бундай ўрганиш ўрта умумтаълим мактабларидан бошланиши ҳамда тизимли равишда академик лицейларда, коллежларда ва олий ўқув юртларида изчил равишда давом эттирилиши лозим. Ономастик материал бўйича дарс ўтиш ўқитувчидан катта тайёргарликни, тилнинг луғат тизимида ономастик бирликларнинг тутган ўрнини аниқ тасаввур этишни талаб қилади. Шунини инобатга олиш лозимки, она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, география, тарих, астрономия, биология, физика каби фанлар мазмун-мундарижаси

¹⁵⁶ Қориев Б. Адабий таҳаллуслар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1967. № 1. – Б. 51-58

¹⁵⁷ Қориев Т., Воҳидов Р. Адабий таҳаллуслар ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи. 1978. – 60 б.; Қориев Т., Воҳидов Р. Таҳаллуслар. – Тошкент: Фан, 1979. – 68 б.

¹⁵⁸ Топонимик карталарда терминлар ва қисқартмаларнинг ёзилиши. Тузувчи: А.лихўжаев Б. – Тошкент: Ўзғодекадастр, 2002. – 55 б. ва бошқалар.

¹⁵⁹ “Жой номлари – халқ тили ва маънавиятининг нодир мероси” мавзuidaги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Навоий, 1998. – 106 б.

ономастик материалга бойлиги билан ажралиб туради. Ономастик бирликларни мактаб, лицей, коллежларда, олий ўқув юртиларида алоҳида мавзуй гуруҳлар, ономастик кўлам ва кўламчалар сифатида ўқитиш муаммолари ҳам ўзбек ономастикасида махсус ўрганилиши лозим. Жумладан, академик лицейлар учун эълон қилинган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида “Номшунослик” мавзусини ўрганиш кўзда тутилган¹⁶⁰. Бу соҳада ҳозирча айрим мақолалар, баъзи услубий тавсиялар ишлаб чиқилган¹⁶¹, ҳолос.

Назорат саволлари:

1. Теонимлар ва уларнинг бошқа ономастик бирликлар қаторида тугган ўрни.
2. Теонимларнинг агноним ва некронимлар билан муносабати.
3. Мифонимлар ва уларнинг ўзбек филологиясида ўрганилиши.
4. Ономастик бирликларнинг имлоси, транскрипцияси ва транслитерацияси ҳақида тушунча.
5. Номшунослик муаммоларини умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларда ўрганиш усуллари ҳақида.

¹⁶⁰ Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 80-86.

¹⁶¹ Йўлдошев Б., Йўлдошева Д. Академик лицейларда “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида “Номшунослик” мавзусини ўрганишга доир // Актуальные проблемы русской и узбекской филологии. Материалы республиканской научной конференции (хамидовские чтения-3). – Наманган, НамДУ нашри, 2010. – Б. 102-103; Энваров Т. “Номшунослик масалалари” курсининг илмий-назарий ва илмий-амалий муаммолари // Стилистика ва прагматика (илмий-назарий конференция материаллари). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – Б. 133-137.

11-маъруза

ЎЗБЕК ОНОМАСТИК ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ МУАММОЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: лексикография, лугатшунослик ономастик лугат, исмлар лугати, антропонимик лугат, тахаллусла лугати, топонимик лугат, жой номлари лугати, ўқув топоними лугати, мактаб топонимик лугати, мифонимлар лугати, этнонимлар лугати, географик номлар лугати, ономастик терминлар лугати, космонимлар лугати, идеонимлар лугати, хрононимлар лугати.

Лексикография ёки лугатшунослик тилшуносликнинг лугат тузиш иши билан шуғулланувчи ва у билан боғлиқ масалаларни лугатларнинг турларини ўрганувчи соҳасидир. Лугат деб сўз ва ибораларнинг маълум мақсад билан тўпланган, тартибга солинган китоб ёки бошқа шаклдаги тўпламига айтилади. Лугатлар турли мақсадларда тузилгани учун унинг турлари жуда кўп. Лугатларнинг бир тури ономастик лугатлар деб номланади, чунки бундай лугатларда топоним, гидроним, ойконим, антропоним, ороним, урбоним, этноним, космоним каби ономастик бирликлар алифба тартибда келтирилиб, уларнинг маъноси изоҳланади, орфографи нормаси қайд этилади. Шунинг ҳам инobatга олиш лозимки, ўн икки жилдлик “Ўзбек миллий энциклопедияси” (2001-2006)да, тўр томлик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати” (1983-1985)да ва бошқа бир қатор лексикографик манбаларда гидроним топоним, антропоним каби ономастик бирликларга изоҳ берилган. Масалан, “Ўзбек миллий энциклопедияси”нинг биргина 2-жилди (Тошкент, 2001)да *Бештов (7-бет), Бобвут (99), Бойсун сойи (115)* каби топонимлар, *Бешкапасой (6), Бешторсой (7), Бештрамсой (7), Битовсой (63), Бодомистон (97), Бозорқўрғон су омбори (111), Бойсунсой (117)* каби гидронимлар, *Бибихоним жом масжиди (14), Бибихоним мадрасаси (16), Биби Бувайда мақбараси (13)* сингари некронимлар, *Маҳмудхўжа Бехбудий (8), Камолитди Бехзод (9-11), Бобо Фигоний Шерозий (78), Мамарасул Бобоев (80), Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршаҳ Мирзо Бобур (83)* каби антропонимлар, *Билқис (25), Биби Марям (13)* каби мифонимлар *Бизла кометаси (66)* сингари космонимларга изоҳ берилган. Лекин бундай лугатлар махсус ономастик лугатлар сирасига кирмайди.

Ўзбек тилшунослигида ҳозирги кунга қадар яратилган ономастик лугатларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. **Антропонимик лугатлар.** Бундай лугатларда киши исмлари, лақаблар ва тахаллуслар изоҳланади. Антропонимик лугатларнинг яратилишида проф.Э.Бегматовнинг хиссаси катта. Чунки олимнинг “Киши номлари иморси” (1970), “Ўзбек исмлари имлоси” (1972), «Литературные имена и фамилии узбекских авторов в русской транскрипции» (хаммуаллиф: У.Бахромова, 1981), “Исм чиройи” (1994) каби бир қатор асарларида эркаклар исми ва аёллар исми рўйхати илова тарзида келтирилган эди. Шу кунга қадар эълон қилинган антропонимик лугатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1.1. Менажиев Я., Азаматов Х., Абдурахмонов Д., Бегматов Э. **Исмингизнинг маъноси нима?** – Тошкент: Фан, 1968. – 100 б.

Бу лугат 1964 йилда нашр этилган “Исмингизнинг маъноси нима?” асарининг қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашридир. Асарнинг “Сўз боши” қисми (4-30-бетлар)да киши номларининг келиб чиқиши, ном қўйиш одатлари ва усуллари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Ишнинг асосий қисми “Исmlарнинг изоҳли лугати” (31-99-бетлар)дан иборат. Бу қисмда киши исmlарининг қайси тилдан ўзлашганлиги кўрсатилиб, уларнинг маъноси қисқа изоҳланган. Лугатдан намуна:

Мақсум // Мақсума – араб. тақсим қилинган, улашилган (60).

Назокат – араб. озодалик, софлик, поклик (65) қабилар.

1.2. Бегматов Э. **Ўзбек исмлари.** – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. – 208 б.

Бу китобда 13 мингга яқин ўзбекча исmlар жамланган. Улар ёш ота-оналарга исм танлашга ёрдам берибгина қолмай, кишиларга ҳужжат ёзиб берадиган, давлат тили (ўзбек тили)да иш юритадиган маҳкамалар ходимларига исmlарни имло жиҳатдан тўғри ёзишда қўл келади. Асар “Таҳририятдан” (3-7-бетлар), “Лугатнинг тузилиши” (8-12-бетлар), “Ўзбекча исmlар имлосига оид қайдлар” (13-18-бетлар), “Эркаклар исми” (19-126-бетлар), “Аёллар исми” (127-188-бетлар), “Давлат тили ва исм-фамилия танлаш ҳуқуқи” (189-199-бетлар) қисmlаридан иборат. Бу лугатда эркаклар ва аёллар исmlарининг оддий рўйхати келтирилган, яъни бу исmlарнинг маъноси изоҳланмаган. Лугатдан намуна:

Эркаклар исми:

Ганибой

Ганишер

Ғулломжон

Аёллар исми:

Зилола

Мастона

Муҳаббат

1.3. Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари маъноси. 3-нашр. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2010. – 608 б.

Ўзбек исмлари ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, улар мазмунан бой ва тарихий хусусиятга эга. Бу луғатда ўзбек халқи орасида қўйилиб келинаётган 14600 га яқин исмлар жамланган. Луғатнинг асосий мақсади исмларнинг маъносини кўрсатиш ҳамда ота-оналарга янги туғилган фарзандлари учун ўзларига маъқул бўлган исмларни танлашга ёрдам беришдан иборатдир. Шу билан бирга бу луғат ўзбек исмларининг кириллица ва латин ёзувида ёзилишида ҳар бир кишига, қолаверса, расмий идора ходимларига кўмак бериб, бу борада қўлланма вазифасини бажариб келмоқда. Луғат “Нашриётдан” (3-4-бетлар), “Луғатнинг таркиби ва тузилиши” (5-6-бетлар), “Аллоҳ исмлари” (7-11-бетлар), “Исмлар луғати” (12-582-бетлар), “Исмлар таркибида доимо такрор ҳолда келувчи баъзи сўзлар маъноси” (582-586-бетлар), “Ўзбек исмлари этнографияси” (587-594-бетлар), “Исм ва фамилиялар танлашнинг айрим муаммолари” (595-604-бетлар), “Фойдаланилган адабиётлар” (605-бет) қисмларини ўз ичига олади. Китоб охирида унинг муаллифи Э.А.Бегматовнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақидаги қисқача маълумотлар илова қилинган (606-бет). Луғатдан намуна:

Уйғун, Ууг’ун (ўз.) – келишган, келишимли; кутилган, орзу қилинган (442).

Хиромон, Хиромон (фт.-ўз.) – чиройли бўйли, бўйи-басти келишган, хушқад; нозик, латиф (462).

Холбека, Холбека (фт.-ўз.) – баданида хол билан туғилган, беклар авлодига мансуб қиз (463) кабилар.

2. **Топонимик луғатлар.** Бундай луғатларда жой номлари, географик номлар, қисман сув иншоотлари номлари (гидронимлар) изоҳланади, уларнинг адабий-орфографик жиҳатдан меъёрий кўринишлари қайд қилинади. Ўзбек луғатшунослигида топонимик луғатларнинг жуда кўп турлари яратилган. Шунинг учун биз бу ўринда бундай луғатларнинг айримлари ҳақида маълумотлар келтириш билан чекланамиз.

2.1. Дўсимов З., Эгамов Ҳ. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 174 б.

2.2. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – 203 б. Бу луғат С.Қораевнинг “Географик

номлар маъносини биласизми?” (Тошкент, Ўзбекистон, 1970. – 190 б.) номли луғатининг тўлдирилган, қайта ишланган иккинчи нашридир. Луғатда жой номларини ўрганадиган топонимика фани ҳақида қисқача тушунча берилган қа мамлакатимиздаги кўпгина топонимлар, яъни географик номларнинг келиб чиқиши – этимологияси баён қилинган; айрим топонимларнинг биринчи марта қайси тарихий манбада тилга олинганлиги кўрсатилган, шунингдек уруғ-қабилалар номлари билан аталган топонимлар – этнотопонимлар алоҳида қайд этилган. Асар “Автордан” (3-5-бетлар), “Топонимика ҳақида тушунча” (6-23-бетлар), “Луғат” (24-189-бетлар), “Топонимикага оид терминлар” (190-197-бетлар), “Қисқартмалар” (198-203-бетлар) қисмларини ўз ичига олади. Луғатдан намуна:

Тошкечик – кишлок. Андижон вилояти Избоскан, Хўжабод туманлари. Дарёнинг шу еридан кечиб ўтса бўлишига ишора (124).

Тўғонбулоқ – Жиззах вилояти Бахмал туманидаги булоқ. Булоқ этаги тўғон қуриб тўсилгани учун шундай ном олган (131) кабилар.

2.3. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати (Жанубий Ўзбекистон ҳудудлари материаллари асосида). – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 288 б.

2.4. Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Самарқанд, 2007. – 80 б. Бу луғат дастлаб “Жиззах вилояти топонимлари” номи билан 1992 йилда Жиззахда эълон қилинган эди. Асарда мустақиллик шарофати билан Жиззах вилоят топонимларида рўй берган ўзгаришлар инobatта олиниб, уларнинг таъбири (маъноси)ни изоҳлашга ҳаракат қилинган. Асар “Кириш” (3-6-бетлар), “Луғат” (7-77-бетлар), “Адабиётлар” (78-79-бетлар) қисмларидан иборат. Луғатдан намуна:

Аришли – Жиззах, Фориш туманларидаги кишлок. Қангли кабиласининг таркибида аришли деган уруғ номи билан аталган (9).

Ашшаккелди – Фориш туманидаги кишлок. Уғузларда ашак – этак, паст, куйи демақдир. Демак, топоним этакдан келганлар кишлоғи деган маънодадир (10) кабилар.

2.5. Ўринбоев Б. Асрлардек барҳаёт номлар (Самарқанд вилояти топонимлари изоҳи). – Самарқанд: Зарафшон, 2003. – 281 б. Бу луғат дастлаб “Самарқанд вилоят топонимларининг изоҳи” номи билан нашр этилган эди (Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 1997. – 202 б.). Асар “Муқаддима” (3-11-бетлар) ва “Луғат” (12-280-

бетлар) қисмларини ўз ичига олади. “Муқаддима” қисмида вилоят топонимларининг ўзига хос хусусиятлари, унинг тарихий илдизлари ҳақида сўз юритилган ҳамда лугатнинг тузилиши, таркиби ҳақида маълумот берилган. Лугатдан намуна:

Бошчўраш - Пайриқ туманидаги қишлоқ. Зарафшон водийсидаги ўзбек кипчоқларнинг бир уруғи чўраш деб аталган. Этноним ойконимга ўтган. Латин: *Boshcho'rash* (40).

Жаби – Жомбой туманидаги қишлоқ. Жаби ёбу – ёби – ябу – ябо шаклида қўлланилади. Жаби (ёби) ўзбек миллати таркибига кирган қадимий элат, қабила. Улар Зарафшон водийсида яшаганлар. Пахтачи туманидаги Ниёз жоби, Эшмат жоби номлари ҳам шу ўзакдан. Латин: *Jabi* (70) кабилар.

2.6. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005. – 240 б. Асар “Сўзбоши” (3-4-бетлар), “Тошкент шаҳри топонимлари” (5-41-бетлар), “Андижон вилояти топонимлари” (42-51-бетлар), “Бухоро вилояти топонимлари” (52-65-бетлар), “Жиззах вилояти топонимлари” (66-78-бетлар), “Навоий вилояти топонимлари” (79-90-бетлар), “Наманган вилояти топонимлари” (91-99-бетлар), “Самарқанд вилояти топонимлари” (100-121-бетлар), “Сирдарё вилояти топонимлари” (122-124-бетлар), “Сурхондарё вилояти топонимлари” (125-134-бетлар), “Тошкент вилояти топонимлари” (135-155-бетлар), “Фарғона вилояти топонимлари” (156-163-бетлар), “Хоразм вилояти топонимлари” (164-176-бетлар), “Қашқадарё вилояти топонимлари” (177-188-бетлар), “Қорақалпоғистон топонимлари” (189-200-бетлар), “Этнонимлар маъноси” (201-209-бетлар), “Топонимиканинг кодлари” (210-221-бетлар), “Хотима” (222-223-бетлар), “Адабиётлар рўйхати” (223-238-бетлар) қисмларини ўз ичига олади. Бу асарда Тошкент шаҳри, ҳар бир вилоят ва Қорақалпоғистон худудининг географик жойлашуви, топонимларининг ўзига хос хусусиятлари қисқача ёритилиб, шу худудга оид топонимларнинг қисқача лугати келтирилган. Лугатдан намуна:

Бувайда – қишлоқ. Бувайда тумани маркази. Шох Жамолнинг синглиси *Биби Хувайдо* номи билан аталган дейишади. Қўқон хонлиги архивида *Биби Убайда* шаклида тилга олинган (159).

Ширинлар – қишлоқ. Янгибозор тумани. *Ширин* – ўзбеклар таркибидаги уруғ (175) кабилар.

2.7. Ўринбоев Б., Холиқов О. Мактаб топонимик луғати. – Самарқанд, 2004. – 92 б. Бу асарда У-IX синфлар она тили ва адабиёт дарсликларидан учрайдиган жой номлари тўпланиб, улар алифбо тартибидан келтирилган, уларнинг маъноси имконият даражасида изоҳланган. Асар “Кириш” (3-6-бетлар), “Луғат” (7-88-бетлар), “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” (89-91-бетлар) қисмларидан иборат. Луғатдан намуна:

Дехқонобод (II, 82; IУ, 9) – туман ва қишлоқ. Топоним *деҳ + қон + обод* қисмларидан иборат бўлиб, у тожикча *деҳ – қишлоқ, қон – қоон - ҳоқон, яъни қишлоқ; ҳокими* демақдир.

Дехқонобод – деҳқонлар ўзлаштириб, обод қилган жойдаги қишлоқ маъносидадир (33).

Каттақўрғон (I, 96; II, 83) – шаҳар. Топоним *катта* ва *қўрғон* сўзларидан таркиб топган бўлиб, у *катта шаҳар, катта қалъа; тепалиқдаги шаҳар, тепадаги истеҳком* деган маънодадир (41) кабилар.

2.8. Нафасов Т., Нафасова В. Ўзбек тили топонимларининг ўқув изоҳли луғати (мактаб ўқувчилари, коллеж ва лицей талабалари учун). – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007. – 88 б. Асар “Топонимлар – халқ ижоди, тил мулки, тарих кўзгуси” деб номланувчи “Кириш” (4-6-бетлар), “Луғатнинг тузилиши” (7-9-бетлар), “Луғат” (10-81-бетлар) қисмларидан иборат. Бу луғат биринчи ўқув топонимик луғат сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Луғатдан намуна:

Батош – қишлоқ. Ўзбек халқининг *батош* қабила-уруғи вакиллари бунёд қилган қишлоқ (13).

Дегрез – маҳалла. *Дегрез* (ф-т) қозон қуювчи. *Дегрез* қозон, товоқ каби уй-рўзғор буюмларини қуювчи темирчи. Дегрезлик билан шуғулланувчи хунармандлар маҳалласи (20) кабилар.

2.9. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси (Қашқадарё вилояти қишлоқлари номининг тадқиқи). – Тошкент: “Муҳаррир” нашриёти, 2009. – 432 б. Бу асарда асосан Қашқадарё вилоятидаги 1500 дан ортиқ замонавий шаҳар, қишлоқ, маҳалла номлари таҳлил қилинган. Асар “Сўзбоши” (3-8-бетлар), “Қишлоқ номлари – ижтимоий эҳтиёж маҳсули” деб номланган “Кириш” (8-36-бетлар), “Қишлоқ номлари талқини” деб номланувчи “Луғат” (37-415-бетлар), “Адабиётлар рўйхати” (416-427-бетлар) қисмларидан иборат. Китоб охирида шоир Холмуҳаммад Ҳасаннинг

“Қашқадарё” деб номланган қасидаси (429-430-бетлар) ҳам ўрин олган. Луғатдан намуна:

Шерали // Sherali - Ғузор туманидаги шаҳарча (2009). Таркиби шер (ф-т)+али (а). Шерали исмли киши дастлаб ховли, кўрғон куриб, қишлоқ ташкил бўлишига асос солган, чорвачилик билан шуғулланган, бадавлат, бой, обрўйли киши бўлган. Қишлоқ шу кишининг исми билан аталган. Халифа Алини жасурлиги, довюраклиги учун шерга ўхшатган ва оллоҳ шери деб атаган. Қовчинларнинг шерали деган уруғи бўлган деган мулоҳаза ҳам мавжуд (322).

Эшонқудук // Eshonquduq - Ғузор туманидаги қишлоқ. Таркиби эшон+қудук. Дастлаб қудук номи бўлган. Қудук ёнида ташкил қилинган қишлоқ ҳам шу ном билан аталган. Эшон – ўтмишда дин одами, диндорлар орасида катта обрўга эга бўлган шахс, унвон, киши исми. Эшонқудук – Эшон исмига эга бўлган киши қаздирган қудук (ёнидаги қишлоқ), эшон унвонли киши қаздирган қудук атрофидаги қишлоқ (335) кабилар.

2.10. Нормуродов М., Нафасов Т. Чирокчинома (Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани қишлоқлари номининг тадқиқи). - Тошкент: “Муҳаррир” нашриёти, 2010. – 168 б. Бу асарда Чирокчи тумани худудида ҳозир мавжуд бўлган, манбаларда қайд қилинган, халқ хотирасида сақланган 270 га яқин қишлоғу маҳаллалар, тарихий обидалар, қадамжолар, халқ ҳаётида амалий аҳамият касб этган турли объектлар номи лисоний, маънавий-маърифий ва тарихий жиҳатдан таҳлил қилинган. Асар “Сўз боши” (3-11-бетлар), “Қишлоқлар номи – азалий ва моддий маънавият олами” деб номланган “Кириш” (12-20-бетлар), “Қишлоқ номлари талқини” деб номланган “Луғат” (21-162-бетлар), “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” (163-бет) қисмларидан иборат. Китоб охиридан шоир Ўроз Ҳайдарнинг “Чирокчи қасидаси” (164-165-бетлар) ҳам ўрин олган. Шуниси муҳимки, бу асар таркибида талқин қилинаётган ҳар бир топонимик объект изоҳи ўз кичик номи (сарлавҳаси)га эга. Луғатдан намуна:

Ёлғиз уй

Айритом // Ayritom – шаҳарча. Таркиби: айри+том. Қипчоқ шеваларида *том* – уй, ховли. *Айри* – ажралган, қишлоқ бошқа қишлоқлардан бирмунча узокликда. *Айритом* – бошқа аҳоли яшаш масканлари (қишлоқ)дан чекка жойдаги якка ховли қурилган ердаги қишлоқ (23).

Катта тош

Давтош // Davtosh – Қалқама воҳасида қишлоқ. Таркиби: *дав+тош*. Халқ нутқида *дав // дев* жонсиз ва жонли нарсаларнинг меъёрдагидан катта, ҳажми ва танаси улкан эканлигини билдиради. Қишлоқ атрофида улкан ҳажмли тошлар кўп бўлганлиги сабабли *Давтош* аталган. *Давтош* – тоғ бағридаги қишлоқ, тоғу тошли қишлоқ (35) қабилар.

3. **Этнонимик луғатлар.** Бундай луғатларда этнонимлар – уруғ, қабила, халқ, миллат номлари изоҳланади. Бундай луғатнинг ҳозирча ягона намунаси яратилган:

3.1. Турон қавмлари. Кичик энциклопедик луғат. Тузувчи Зойир Зиётов. – Тошкент: “Истиқлол”, 2008. – 232 б. Бу асарнинг ҳар бир бобида қавмлар номлари келтирилгач, республикамиз ҳудудида шу кунларда мавжуд бўлган у ёки бу қавм билан боғлиқ жой номлари ҳам илова қилинган. Бу эса аҳоли яшаш жойлари этнографияси ва топонимикасини ўрганишда муайян аҳамият касб этади. Бу китоб туркий халқлар, элатлар, қавмлар ёки уруғлар ҳақида қисқача маълумотга эга бўлиш учун кўпгина адабиётларни варақлаб чиқиш машаққатидан ўқувчини қутқаради. Негаки ўқувчи бундай маълумотларни бу китобдан осонгина топа олади. Асар “Турон қавмлари” китоби ҳақида” (3-6-бетлар), “Муқаддима” (7-19-бетлар), “Луғат” (20-217-бетлар), “Синхрон жадвал” (218-228-бетлар), “Адабиётлар рўйхати” (229-230-бетлар) қисмларидан иборат. Китобнинг биринчи қисми таниқли олимлар Ҳамидулла Болтабоев, Маҳкам Маҳмуд (Андижоний) ва Ортик Абдуллаевлар томонидан ёзилган. “Муқаддима” қисмида муаллиф Турон қавмлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва ёзишда қуйидаги қоидаларга қатъий амал қилганлигини таъкидлайди: а) манбалардаги маълумотларни ўзгартирмасдан ёзиш; б) маълумотлар бир неча манбадан олинган бўлса, ҳар қайсисини алоҳида ёзиш; в) эҳтиросга берилмасдан, ҳеч бир қавм тўғрисида уларни далилсиз улуғлаш ёки камситишга йўл қўймаслик; г) қабила ҳақида маълумот етарли бўлмаса ёки умуман маълумот бўлмаса, шундай қабила ёки этноним борлигини ёзиб қўя қолиш билан чекланиш; д) бошқалардан эшитган оғзаки маълумотларни тўпламга киритмаслик (15-бет). Ишда келтирилган “Синхрон жадвал”да эразмиздан олдинги даврдан ХХ аср бошларигача ер юзида қавмлар, жумладан Турон қавмларининг пайдо бўлиши,

ривожланиши ва тарқалиш географиясига оид маълумотлар келтирилган. Луғатдан намуна:

Тўнгра. Теле гуруҳига кирадиган қабила. 605-606 йилдан Жунғорияда мустақил теле давлати таркибида. Толи дарёси шимолида яшаганлар. 620 йилларда Орхон ва Селенга орасида кўчиб юрганлар. Манбаларга кўра тўнгралар яқин қариндош қабилалар – ўғуз ва уйғурлар билан биргаликда теле қабилалар уюшмасидаги қабилалардан бири бўлган (145).

Кўшчи (Кушчи). Қадимги туркий қабилалардан бири. 6-7-асрларда турк хоконлиги таркибида бўлган. Мўғуллар истилоси даврида Дашти Қипчоққа келиб жойлашган. 16-аср бошларида Шайбонийхон қўшинлари таркибида Мовароуннахрга келишган. 19-аср охири 20-аср бошларида *қўшчилар* қуйидаги уруғларга бўлинган: *қашғарлик, тўққиз новча, ших саёд, моли.*

Кўшчиларнинг айрим гуруҳлари туркман, қирғиз, козок ва бошқирдлар таркибига кирган (209) қабилар.

4. **Ономастик терминларнинг изоҳли луғати.** Бундай луғатда номшунослик фанида қўлланиладиган асосий терминлар мажмуи келтирилади ва изоҳланади. Шу кунга қадар С.Қораев, Э.Бегматов, Т.Нафасов, Т.Эназаров, Н.Охунов каби номшунос олимларнинг ишларида ономастик терминлар у ёки бу даражада тўпланган ва изоҳланган эди. Бу ҳақда Р.Нуриддиновнинг номзодлик ишида муҳим маълумотлар келтирилган¹⁶². Бу ишда ўзбек ономастикасига оид илмий тадқиқотлар матнида қўлланган 2000 на яқин илмий терминлар таҳлил қилинган. Ана шундай изланишлар натижасида ономастик терминларнинг изоҳли луғатини яратиш имконияти вужудга келди.

4.1. Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган: НамДУ нашри, 2006. – 104 б. Бу луғатда 1680 га яқин ономастик терминлар изоҳланган. Асар “Сўз боши” (3-6-бетлар), “Луғат материали ва таркиби” (6-8-бетлар), “Луғатнинг тузилиши ва терминлар изоҳи” (8-11-бетлар), “Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати” (11-103-бетлар) қисмларини ўз ичига олади. Луғатдан намуна:

Этнолингвистик жараён – атоқли отнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида этник ва лисоний омиллар ўтказган таъсир (95).

¹⁶² Нуриддинова Р.С. Ўзбек ономастикаси терминларининг лисоний таҳлили. НДА. – Тошкент. 2005. – 23 б.

Ўзбек адабий ономастикаси – ўзбек номшунослигининг бадий асарлар имомлвнм атоқли отларни ўрганувчи тармоғи, йўналиши (97) кабилар.

Шундай қилиб, ўзбек ономастик лексикографиясида шу кунга қадар антропонимик, топонимик, этнонимик ва ономастик терминлар луғатлари яратишда муайян ишлар амалга оширилган. Келгусида гидронимлар, космонимлар, хромонимлар, геортонимлар, идеонимлар каби бошқа бир қанча ономастик кўламларга оид ономастик бирликларни тўплаш, шу асосда луғатлар яратиш ўзбек луғатшунослигининг долзарб муаммолари қаторига киради.

Назорат саволлари:

1. Ономастик луғатлар ва уларнинг бошқа типдаги луғатлардан фарқли томонлари.
2. Ўзбек тилшунослигида яратилган антропонимик луғатлар ва уларнинг турлари.
3. Топонимик луғатлар ва уларнинг турлари.
4. Ўқув топонимик луғати ва мактаб топонимик луғатининг умумий ҳамда фарқли ҳолатлари.
5. Этнонимлар луғатини яратиш тамойиллари ҳақида.
6. Ономастик терминлар ва уларни луғатларда изоҳлаш усуллари.

**“Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма
фанидан тест топшириқлари**

1. Ўзбек ономастик кўламини *суперкўлам* (энг йирик кўлам), *макрокўлам*, *микрокўлам* ва бошқа тип кўламчаларга ажратиб тасниф қилган олимлар:

А. Э.Бегматов, С.Қораев; В. Э.Бегматов, Я.Авлокулов;
С. Т.Нафасов, Я.Авлокулов; Д. С.Қораев, Я.Авлокулов.

2. *Хваспа* (кўл), *Харати* (тоғ), *Зардаз* (тоғ), *Фраздан* (дарё) каби номлар қайд қилинган асар номи:

А. Зафарнома; В. Шажарайи турк;
С. Авесто; Д. Девону луғотит турк.

3. “*Турон*” геонимини “*пасттекислик*, *сайхонлик*, *кенг текис ерлар ўлкаси*”, деб изоҳлаган олим:

А. А.Муҳаммаджонов; В. Ҳ.Ҳасанов;
С. С.Қораев; Д. Т.Нафасов.

4. Этимологик жиҳатдан “*подшоҳ қароргоҳи*” ва “*мамлакат пойтахти*” маъносини англатувчи қадимий шаҳар номи:

А. Фарғона; В. Андижон; С. Самарқанд; Д. Қува.

5. Хоразм топонимлари таркибида қўлланувчи “*арна*” сўзи қандай маънони билдиради?

А. серсув дарё, канал; В. Катта ариқ, канал;
С. Тошқин дарё, канал; Д. катта кўл, канал.

6. “*Самарқанднинг тарихий топонимлари*” номли илмий мақола (2007) муаллифи:

А. А.Муҳаммаджонов; В. Т.Эназаров;
С. Б.Аҳмедов; Д. С.Қораев.

7. “*Анемоним*” ономастик макрокўлами қандай маъно ифодалашини аниқланг:

А. халқ тарихи учун аҳамиятли бўлган баъзи тарихий хужжатлар, асарларнинг атоқли оти;

В. давлат рамзларининг атоқли оти;

С. табиат стихиялари (бўрон, шамол, тайфун, циклон каби)га берилган атоқли отлар;

Д. тарихий даврлар ва босқичларнинг атоқли оти.

8. “*Самарқанд*”, яъни *маишхур шаҳар номи билан таъриф этилиб, жаҳонга донги кетган*”, - деган фикр муаллифи:

А. Т.Раҳматов; В. А.Муҳаммаджонов; С. С.Қораев; Д. Т.Эназаров.

9. Фаолият юзасидан уюшган кишилар жамоаси, шунингдек муассаса, ташкилот ва корхоналарнинг атоқли оти қандай номланади?

А. идеоним; В. фалероним; С. хроним; Д. эргоним.

10. “Самар” *подионинг* номи бўлиб, “қанд” *эса туркий тилда “шаҳар”* деган маънони англатган. Яъни Самарқанд – Самар шаҳри демакдир, - деган фикр қайси асардан олинган:

А. Девону луғотит турк; В. Мабоне ул-луғот;

С. Ғиёс ул-луғот; Д. Бадое ул-луғот.

11. *Иблис, шайтон, жин* кабиларга берилган махсус номларни билдирувчи ономастик термин:

А. теоним; В. демоним; С. мифоним; Д. дигнитоним.

12. «*Марғилон – марғинон*» атамалари Марғилонсой воҳасининг қадимги номи “Марғижон”, яъни “кўкаламзорсой” номи асосида шаклланган бўлиб, у “ўтлок” демакдир, - деган фикр муаллифи:

А. А.Мухаммаджонов; В. С.Қораев; С. Н.Охунов; Д. Т.Эназаров.

13. Фахрий унвонлар, мансаблар ва шу каби атоқли отларни билдирувчи ономастик термин:

А. фалероним; В. хрематоним; С. дигнитоним; Д. политоним.

14. «*Маскат // Маиҳад*» топоними қандай маъно ифодалашини аниқланг:

А. кат(т)а кишлок; В. кўкаламзор жой;

С. обод кишлок; Д. баланд жой.

15. Агар ономастик сатҳга мансуб бўлмаган лугавий бирликлар, яъни апеллатив сўзлар (жийда, ингичка, дам каби)дан гидронимлар ясалса, қандай усул дейилади:

А. композиция усули; В. ички конверсия усули;

С. аффиксация усули; Д. ташки конверсия усули.

16. “*Трансонимизация*” атамаси ономастикада қандай маънони билдиради:

А. ономастик бирликларнинг композиция усули билан ясалиши;

В. номнинг бир турдан бошқа тур номга ўтиши;

С. ономастик бирликларнинг аффиксация усули билан ясалиши;

Д. номнинг ономастик сатҳдан ўчиб кетиши.

17. Бобур “*Дарёнинг қия икки урчини*”, яъни “водий” ёки “улкан хавза” деганда қайси шаҳарни назарда тутган эди:

А. Андижон; В. Қобул; С. Фарғона; Д. Самарқанд.

18. Антропонимларнинг “Турдинисо, Қамбарнисо” (расмий), “Турдош, Қамар // Қамбар” (норасмий) тарзда қўлланилишини қандай номлаш мумкин:

- А. ономастик конверсия; В. ономастик транспозиция;
С. ономастик пресуппозиция; Д. ономастик параллел.

19. “Тоғ тизмалари оралигидаги дарё ҳавзаси” деган этимологик талқин қайси шаҳар номига тўғри келади:

- А. Наманган; В. Фарғона; С. Кўқон; Д. Самарқанд.

20. Мопассаннинг «*Bel – Ami*» (“Милый друг”) романи ўзбек тилига қайси ном билан таржима қилинган:

- А. Азиз дўст; В. Қадрдон дўст;
С. Азизим. Д. Ёқимли дўст.

21. 1978 йилда Краков шаҳрида ўтказилган XIII халқаро ономастик конгресс қандай мавзуга бағишланган эди:

- А. Турдош отлар ва атокли отлар;
В. Атокли отларнинг умумий назарияси.
С. Ономапoeтика муаммолари;
Д. Бадиий асарда номлар таржимаси.

22. Француз ёзувчиси Виктор Гюгонинг “*Собор Парижской богородицы*” романи ўзбек тилига қандай таржима қилингани маъқул:

- А. Париждаги Бибимарьям ибодатхонаси;
В. Париждаги худо онасининг ибодатхонаси;
С. Париж маъбудасининг ибодатхонаси;
Д. Париж ибодатхонаси.

23. “Ономастик кўлам” (“ономастическое пространство”) атамасини илк бор қўллаган рус олими:

- А. Ю.А.Карпенко; В. В.Н.Топоров;
С. В.А.Никонов; Д. А.В.Суперанская.

24. “Елена” антропонимида “инсон”, “аёл”, “конкрет шахс” тушунчалари мужассамлашган”, - деган фикр муаллифи:

- А. В.А.Никонов; В. А.В.Суперанская;
С. Ю.А.Карпенко; Д. А.А.Белецкий.

25. Атокли ва турдош отларнинг фарқини уларнинг структурал-лисоний белгиларида эмас, балки функциясида деб билган олим:

А. И.И.Ковалик; В. А.А.Реформатский; С. А.А.Белецкий; Д. А.В.Суперанская.

26. Ўзбек антропонимикаси бўйича илк номзодлик ишини химоя қилган олим ва бу иш санаси аниқ кўрсатилган қатор:

А. Э.Бегматов, 1967; В. А.Мухаммаджонов, 1971;

С. С.Қораев, 1968; Д. Э.Бегматов, 1965.

27. “Қадимги рус кишилари исмлари лугати” (1903) асарининг муаллифи:

А. Н.Н.Харузин; В. Н.М.Тупиков; С. И.И.Срезневский; Д. Н.Д. Чечулин.

28. Атоқли отларнинг функцияларини дифференциал (фарқловчи) функциялар деб, турдош отларники эса классификацион (таснифий) функциялар, деб ҳисоблаган олим:

А. Ю.А.Карпенко; В. А.В.Суперанская;

С. В.А.Никонов; Д. А.А.Беленций.

29. “Рус фамилиялари, киши исмлари ва лақабларининг келиб чиқиши” (1948) номли машҳур асар муаллифи:

А. В.А.Никонов; В. А.М.Селишев; С. А.А.Реформатский; Д. В.Г.Костомаров.

30. Европа ва славян ономастикасида илмий ёки ономастик давр муддати аниқ кўрсатилган қатор:

А. ХIХ аср бошларидан; В. ХХ асрнинг 20-йилларидан;

С. ХIХ асрнинг 2-ярмидан; Д. ХХ асрнинг 50-йилларидан.

31. “Топонимикага кириш” (1965), “Қисқача топонимик лугат” (1966) номли асарларнинг муаллифи:

А. Е.М.Поспелов; В. Э.М.Мурзаев;

С. А.В.Суперанская; Д. В.А.Никонов.

32. География жамиятининг Москва филиали (МФГО) томонидан 1962 йилда ўтказилган илмий анжуман номи:

А. Олий ўқув юртларида топонимика;

В. Топонимика тарихий фан сифатида;

С. Топонимикани географик жихатдан ўрганишнинг асосий масалалари;

Д. Топонимика ва филологиянинг ўзаро муносабати.

33. Туркийча “бош” сўзининг жуда кўплаб русча гидронимларда “дарёнинг боши” маъносидан қўлланганини аниқлаган олим:

А. Н.И.Толстой; В. Э.М.Мурзаев; С. В.В.Радлов; Д. П.А.Лавровский.

34. “Рус киши исмлари лугати” (1966) асарининг муаллифини аниқланг:

А. В.А.Никонов; В. Н.А.Петровский; С. Е.Ф.Данилина; Д. В.Д.Бондалетов.

35. “Нева” гидроними қайси тилдан олинган ва асос сўз (“нев”) қандай маъно билдиради:

А. фин тили “боткоклик”; В. рус тили “чукур”;
С. рус тили “узун”; Д. фин тили “кенг ва сокин”.

36. “Славян ономастикаси тараққиётининг истиқболлари” мавзuidaги халқаро ономастик конференциянинг ўтказилиш ўрни ва йили аниқ кўрсатилган қатор:

А. Москва, 1978; В. Ленинград, 1974;
С. Москва, 1976; Д. Новгород, 1977.

37. 1735 йилда “Орь” дарёси бўйида асосланган Оренбург шахрининг номи таркибидаги “орь” + “бург” қисмлари қайси тиллардан олинган:

А. русча + немисча; В. гуркийча + немисча;
С. немисча + туркийча; Д. мордвача + туркийча.

38. *Венера, Марс, Юпитер, Сатурн* каби атоқли отлар мансуб ономастик кўлам номи:

А. космонимлар; В. теонимлар; С. астронимлар; Д. утемагонимлар.

39. “Амур” гидроними қайси тилдан олинган ва қандай маъно билдиради:

А. мўғул тили, “узун дарё”; В. туркий тиллар. “катта дарё”;

С. тунгус-манжур тиллари, “катта дарё”;
Д. славян тили, “кенг ва сокин дарё”.

40. Намангандаги “*Кўксараксой*” гидроними этимологияси тўғри аниқланган қатор:

А. суви мовий, зангори тусли, у ён бу ён чайкалиб оқувчи сой;

В. кўк рангли сой;

С. мовий рангли тез оқар сой;

Д. сувий сокин, мовий рангли тез оқар сой.

41. *Катта айиқ, Кичик айиқ, Етти қароқчи* каби атоқли отлар мансуб ономастик кўлам:

А. урбоним; В. фитоним; С. ктемагоним; Д. космоним.

42. “Ўзбек гидронимларининг лисоний тадқиқи” (2008) номли асарнинг муаллифи:

А. Н.Бегалиев; В. Н.Улуқов; С. Т.Эназаров; Д. Э.Бегматов.

43. “Пахтадан ип йиғиришида ишлатиладиган қовоқ найча” (асбоб) номини қабул қилган сув ҳавзаси (гидроним):
 А. Хонамак; В. Резак; С. Тутак; Д. Қазнок.
44. “Қўғайарик” гидроними мансуб микроономастик кўлам:
 А. топогидроним; В. этногидроним;
 С. антропогидроним; Д. теогидроним.
45. Птоломейнинг “Географиядан кўлланма” асарида “Яксарт дарёси соҳиллари яқинида яксартлар деган катта қабила яшаган”, деб ёзилган. Бу асарда тилга олинган гидроним ҳозирги қайси дарёнинг номи:
 А. Сирдарё; В. Зарафшон; С. Амударё; Д. Норин.
46. Қуйида келтирилган гидроойконимни аниқланг:
 А. Қумқўрғон; В. Зафаробод; С. Сайхунобод; Д. Равотхўжа.
47. “Йиртқич катта қуш, лочиннинг тури” маъносини ифодаловчи уруғ номи (этноним)ни аниқланг:
 А. бағиш; В. авжин; С. қора бура // қора буга; Д. баҳрин.
48. “Норин” гидронимининг этимологияси тўғри аниқланган қатор:
 А. нарйин (мўғулча) – нозик, ингичка;
 В. норын (тунгус-манжур) – сойлик, чуқур дара;
 С. норин (мўғулча) – тор, ингичка;
 Д. наръин (калмик) – қумлик жой.
49. Араблар Ўрта Осиёни истило қилгач, “Сирдарё” гидроними қандай ном билан аталган:
 А. Сайхун; В. Яксарт; С. Яхартес; Д. Хашарт.
50. От номининг этнос номига ўтиши, тотем билан алоқадор этнонимни аниқланг:
 А. керайит; В. авокли; С. ёбу; Д. калтатой.
51. Ўзбек ономастик терминларининг лисоний таҳлилини амалга оширган олима:
 А. Л.Каримова; В. Р.Нуритдинова; С. А.Отажонова; Д. М.Тиллаева.
52. “Ўзбек тили этнонимларининг лисоний тадқиқи” мавзуидаги номзодлик иши муаллифи:
 А. К.Марқасев; В. Т.Нафасов; С. Н.Бегалиев; Д. Э.Бегматов.
53. Этимологик жиҳатдан “қуш оёғи” маъносини билдирувчи тоғ номи:
 А. Нурота; В. Помир; С. Копетдоғ; Д. Хималай.

54. “Ўзбек халқининг шажара ва шевалари” номли тадқиқот (1968) муаллифи:

А. Ҳ.Бердиёров; В. У.Санакулов; С. К.Шониёзов; Д. Х.Дониёров.

55. “Ўз онасининг севган ўғли” маъносини билдирувчи этнонимни аниқланг:

А. Жалайир; В. Боёвут; С. Арлот; Д. Қиёт.

56. Абулғози Баҳодирхон маъносини “қора кўй” деб изоҳлаган этнонимни белгиланг;

А. Ойрот; В. Керайит; С. Тўрғовут; Д. Унгут.

57. Француз тилшунослари кўчалар номини билдирувчи ономастик кўламини қандай номлаганлар:

А. урбонимлар; В. оронимлар; С. одонимлар; Д. полисонимлар.

58. Самарқанд ва унинг агрофи топонимларини махсус тадқиқ этиб, 1973 йилда номзодлик иши ҳимоя қилган олим:

А. Т.Раҳматов; В. Б.Ўринбоев; С. А.Туробов; Д. Н.Бегалиев.

59. “Ономапозетика ёки адабиётда гапирувчи номлар” номли тадқиқот (1978) муаллифи:

А. С.М.Маршак; В. Э.Б.Магазаник; С. М.Б.Храпченко; Д. А.И.Ефимов.

60. “Адабий тахаллуслар ҳақида” (1978), “Тахаллуслар” (1979) номли махсус тадқиқотлар яратган олимлар қаторини топинг:

А. Т.Қораев, Р.Воҳидов; В. Т.Қораев, О.Сафаров;

С. Т.Қораев А.Аллаяров; Д. Ф.Абдураҳмонов, Р.Воҳидов.

61. “Мингчинор”, “Мингўрик” сингари топонимлар табиий географик шароитнинг акс этиши нуқтаи назаридан қандай гуруҳга мансуб?

А. этнотопонимлар; В. фитотопонимлар;

С. гидротопонимлар; Д. зоотопонимлар.

62. “Дегрезлик” маҳалласининг номи тўғри изоҳланган қатор:

А. дег // тег – яшин, рез (рехтан) – сочмоқ;

В. дег // тег – тегирмон, рез (рехтан) – сочмоқ;

С. дег // тег – қозон, рез (рехтан) – қуймоқ;

Д. дег // тег – тўқимоқ, рез (рехтан) – сачрамоқ.

63. “Бўстон” сўзи “ўсимлик, гуллар зич ўсиб ётган жой” маъносидан ташқари ўзбек уруғларидан бирининг номи ва бу номдан ясалган жой номини билдиради. Атоқли отлар тизимида кенг тарқалган бу ҳодиса нима деб номланади?

А. ономастик омонимия; В. Ономастик дистрибуция;

С. Ономастик сўз ясалиши; Д. ономастик конверсия. *

64. Атоқли отлар хақидаги илмий қарашларнинг мантикий йўналишини ривожлантирган олим:

А. Х.Джозеф; В. Дж.Милль; С. Б.Рассель; Д. П.Кристоферсен.

65. “Атоқли отлар маъно билдирмайди, улар ўзига хос белгилар, ёрлиқлар сифатида предметни билишга, уни бошқа предметлардан фарқлашга ёрдам беради”, - деган муаллифи:

А. Х.Джозеф; В. Дж.Милль; С. Б.Рассель; Д. П.Кристоферсен.

66. Тилдаги барча сўзларни а) сўз-белгилар ва б) характерловчи сўзлар, деб гуруҳларга ажратган олим:

А. Дж.Милль; В. Х.Джозеф; С. Б.Рассель; Д. П.Кристоферсен.

67. “Атоқли отлар назарияси” (1954) асарининг муаллифи:

А. Дж.Милль; В. А.Гардинер; С. Х.Джозеф; Д. Б.Рассель.

68. Атоқли отларни а) мужассамланувчи атоқли отлар ва б) мужассамланмовчи атоқли отлар деб икки гуруҳга ажратган олим:

А. А. Гардинер; В. Дж.Милль; С. Т.Гоббс; Д. М.И.Стеблин-Каменский.

69. “Талимаржон” топонимининг этимологияси тўғри аниқланган қатор:

А. кичик тепалик; В. Тепа таги;

С. Яйлов тепа; Д. юлгун тепа.

70. “Атоқли отларда конкрет ва мавҳум тафаккур элементлари ифодаланган бўлади”, - деган фикр муаллифи:

А. Г.Лейбниц; В. Т.Гоббс; С. Дж.Милль; Д. М.И.Стеблин-Каменский.

71. “Ахура Мазданинг суюкли кизи Ардви Сура (Анахита) номи Ардви – сув, сура – тошқин маъноларини англатади”, - деган муаллифлари:

А. Э.Бегматов, М.Норкулова; В. Т.Нафасов, М.Тиллаева;

С. Э.Бегматов, М.Тиллаева; Д. С.Қораев, М.Норкулова.

72. “Туркий содда топонимларнинг этимологик тадқиқи” номли асар муаллифини аниқланг:

А. С.Қораев; В. Т.Эназаров; С. Э.Бегматов; Д. Т.Нафасов.

73. “Атоқли отлар турдош отларга нисбатан кўпроқ хусусиятларга эгадир. Атоқли отлар ўзида жуда кўплаб белги-хусусиятларни коннотация қилади”, - деган фикр муаллифи:

А: О.Есперсен; В. Г.Лейбниц; С. Дж.Милль; Д. Б.Рассель.

74. Рус тилида “Атоқли отларнинг умумий назарияси” номли йирик монографик тадқиқот яратган олим:

А. Э.Б.Магазаник; В. В.Д.Бондалетов; С. А.В.Суперанская;
Д. В.А.Никонов.

75. Амударёнинг кадимий, авесточа номини аниқланг:

А. Сангха; В. Ранха; С. Арйанам; Д. Аранха.

76. Мўғулча “аралаш, дурагай, курама” маъноларини
билдирувчи этнонимни аниқланг:

А. Найман; В. Чиноз; С. Солин; Д. Қалмоқ

77. “Тобин” этнонимининг этимологияси тўғри аниқланган
катор:

А. қора жигар; В. эллик; С. саккиз; Д. вақтинча яшовчи.

78. “Найман” этнонимини Сибирдаги Найма дарёси номидан
олинган, деб изоҳлаган рус олими:

А. В.П.Дарбакова; В. В.В.Бартольд; С. Н.А.Аристов; Д.
В.В.Радлов.

79. В.В.Бартольд этимологиясини “кўшин кўмондони” ёки
“кўшин” деб изоҳлаган этнонимни аниқланг:

А. Киёт; В. Чиноз; С. Асака; Д. Қовчин.

80. Мўғул тилида “бўри” маъносини билдирган этнонимни
белгиланг:

А. Авшар; В. Боёвут; С. Чиноз; Д. Арғин.

81. Ботқоқлик, ботқоқ босган жойнинг атокли отини
билдирувчи ономастик кўлам номи:

А. Гелоним; В. Геоним; С. Дромоним; Д. Ороним.

82. Ёлғизтол, Яккатут, Тўртчинор, Дучинор каби атокли отлар
таркибидаги ўсимлик номларини билдирувчи ономастик кўлам:

А. Пелагоним; В. Полисоним; С. Фитоним; Д. Ойконим.

83. “Канал қурилишида иш бошилиқ қилувчи уста” маъносини
билдирган топоним (қишлоқ номи)ни аниқланг:

А. Сарапоён; В. Санчикул; С. Сағанак; Д. Сакачи.

84. “Тўғри йўл топганлар” маъносини билдирувчи топоним:

А. Риштон; В. Ропқон; С. Полосон; Д. Патас.

85. “Чуқур қозон” маъносини билдирган топоним (қишлоқ
номи):

А. Чиғанок; В. Чирокчи; С. Чодак; Д. Чордара.

86. Сўғдийча “тўғон” маъносини билдирган топоним (қишлоқ
номи)ни аниқланг:

А. Варк; В. Варзик; С. Гумбаз; Д. Гурлан.

87. “Қўрғон” сўзининг этимони қўри ўзагига –га, –н қўшимчалари билан ясалган қўрған сўзи бўлиб, у қўрикланадиган жой маъносини билдиради, деган фикр муаллифи:

А. С.Қораев; В. Л.Каримова; С. З.Дўсимов; Д. Т. Эназаров.

88. “Бадахшон” топоними морфологик жиҳатдан “бад – манзил ёки кўнок” + “ах//ақ – доvon ёки ошув” + “шон – йўл” маъноларини англатувчи қисмлардан ташкил топган”, - деган фикр муаллифи:

А. С.Қораев; В. А.Мухаммаджонов; С. Т.Нафасов; Д.З.Дўсимов.

89. “Тоғ ошувидаги қароргоҳ”, “Довондаги кўнок” маъноларини англатувчи ороним номини аниқланг:

А. Аҳсикат; В. Сангобат; С. Бадахшон; Д. Навжабод.

90. “Довут” антропоними қадимий яхудий тилида қандай маъно билдирган:

А. меҳрибон, суюкли чин дўст; В. ақли, довиорак дўст;

С. зийрак, зукко дўст; Д. азиз, ҳурматли дўст.

91. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғатит турк” асарида туғ // туғчи сўзларини қандай изоҳлаган:

А. туғ – учини от ёки бошқа ҳайвонлар думи ёки бўлаги осилган турли нарсалар (ярим ой, панжа) тасвири солинган белги, байрок;

В. туғ – хон хузурида чалинадиган ноғора, довул;

С. туғ // туғчи – шу байроқни, белгини кўтариб юрувчи ҳарбий киши;

Д. туқчи // туғмоч – қадимий туркий қавмлар номи.

92. “Лангар” топонимининг энг қадимий маъноси:

А. кеманинг чангакли темири; В. ҳонақоҳ, қабр;

С. ибодатхона, қарвонсарой; Д. бандаргоҳ, кемалар турар жойи.

93. “Лағмон” кишлок номи тўғри изоҳланган қатор:

А. лағмон чўзишга уста кишилар (асосан уйгурлар) яшайдиган жой;

В. даладаги аҳоли пункти, шаҳар худудидан ташқаридаги аҳоли маскани.

С. обод қилинган жой, гулзорга айлантирилган ер, маскан;

Д. “лағмон” қабиласи яшайдиган кишлок, маскан.

94. “Чоч қатта вилоят, халқи жанговар, бой ва саҳийдир. У ерда ўқ-ёй тайёрланади. Бинқат Чочнинг пойтахти. Бу қатта шаҳар, айни вақтда подшоҳнинг қароргоҳидир”, - деган сўзлар қайд қилинган асар номи:

А. Девону луғотит турк; В. Қонуни Маъсудий;

С. Географиядан кўлланма; Д. Худуд ул-олам.

95. “Таркан – Шошнинг номи. Унинг асл номи Тошканд бўлиб, тошдан қилинган шаҳар демақдир”, - деган сўзлар қайд қилинган асар номи:

А. Девону луғотит турк; В. Қонуни Маъсудий;

С. Тарихи жадидаи Тошканд; Д. Худуд ул-олам.

96. Тошкентдаги Алматқўшчи, Бадалбой, Омонбақкол, Ҳасанбой мавзеларининг номи ономастик жиҳатдан тўғри белгиланган қатор:

А. антропоойконимлар; В. антропоурбонимлар;

С. антропозтнотопонимлар; Д. антропогидронимлар.

97. “Лабзак” топоними тўғри изоҳланган қатор:

А. шаҳарнинг четдаги жойи, маҳалласи; В. заҳ ариғининг бўйи;

С. тез оқар арик; Д. заҳ сувнинг ёнидаги маҳалла.

98. Тошкентнинг Шайхонтохир даҳаси мавзеларидан бири лақабли авлиё номидан келиб чиққан:

А. Ўрда; В. Қашқар; С. Яланғоч; Д. Қорамурт.

99. “Нотекис, паст-баланд, адирлик ер” маъносидаги жой номи:

А. Ҳадра; В. Чилонзор; С. Эски Жўва; Д. Салор.

100. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида “Оби турк” номи билан юритилган дарёнинг ҳозирги номи:

А. Оҳангарон; В. Сирдарё; С. Чирчик; Д. Норин.

101. “Тор дара” маъносини билдирувчи оронимни аниқланг:

А. Чодак; В. Шаввоз; С. Қапчиғай; Д. Гуликан.

102. Тожикча “бува // бобо” маъносини билдирган қоя номи – оронимни аниқланг:

А. Бамардак; В. Бургалик; С. Бўка; Д. Бурчмулла.

103. Ўрта Осиё дардуштийларида ҳосилдорлик худоси номи билан аталан оронимни аниқланг:

А. Намданақ; В. Нанай; С. Пискент; Д. Паркент.

104. Тарихда “Парак // Оби Фарак” номлари билан юритилган Тошкент вилояти худудидаги дарё номи:

А. Оҳангарон; В. Бўзсув; С. Сирдарё; Д. Чирчик.

105. Бухоро вилоятида мавжуд “сергул жой” маъносини билдирувчи қишлоқ номи:

А. Тавоис; В. Зандана; С. Вардона; Д. Афшина.

106. Ўтмишда Афросиёбнинг қизи Бухоро шаҳри яқинига келиб, касалликдан шифо топгач, бу қишлоқни “Тан ороми” деб атаган. Бу қишлоқнинг ҳозирги номи:

А. Ромитан; В. Варахша; С. Байканд; Д. Зандана.

**“Ўзбек ономастикаси масалалари”
танланма фанидан
амалий машғулотлар режалари**

Ажратилган вақт: 20 соат

**1-мавзу: Ўзбек топонимикаси ва унинг асосий
масалалари**

Режа:

1. Ўзбек топонимикаси ва унинг асосий муаммолари ҳақида қисқача маълумот.
2. Топонимик лугатлар ва уларнинг турлари.
3. “Метан”, “Самарқанд”, «Иштихон» каби топонимларнинг этимологияси ҳақида.
4. “Дахбед”, “Жомбой”, “Андок”, “Андижон”, «Сартепла» каби топонимларнинг этимологияси ҳақида.

**2-мавзу: Ўзбек гидронимикаси ва унинг асосий
муаммолари**

Режа:

1. “Гидроним”, “гидронимия”, “гидронимика” атамалари, уларнинг асосий моҳияти.
2. Ўзбек гидронимларининг ўрганилиш даражаси.
3. Ўзбек гидронимикаси ва унинг асосий муаммолари.
4. Ўзбек гидронимларининг номланиш тамойиллари.
5. Ўзбек тили гидронимларининг хронологик таснифи.

**3-мавзу: Ўзбек этноойконимлари ва этнотопонимлари,
уларнинг ўрганилиши ҳақида**

Режа:

1. “Этноойконим”, “этнотопоним” атамалари, уларнинг асосий моҳияти.
2. Ўзбек этноойконимлари ва этнотопонимлари, уларнинг ўрганилиш даражаси ҳақида.
3. Этноойконим ва этнотопонимларнинг таснифи.
4. Этноойконим ва этнотопонимларнинг грамматик тузилиши.
5. Этноойконим ва этнотопонимларнинг тарихий-лисоний асослари.

**4-мавзу: Ўзбек этнонимикаси ва унинг
асосий муаммолари**

Режа:

1. Ўзбек этнонимикаси ва унинг ўрганилиш даражаси.
2. Ўзбек этнонимикаси ва унинг асосий муаммолари ҳақида.
3. Ўзбек халқининг қабила ва уруғлари тарихий манбаларда.
4. Ўзбек этнонимларининг грамматик тузилиши, луғавий хусусиятлари.
5. 92 бовли ўзбек уруғ ва қабила номлари, уларнинг ўрганилиши ҳақида.

5-мавзу: Ўзбек антропонимикаси ва унинг асосий муаммолари

Режа:

1. Ўзбек антропонимикаси ва унинг ўрганилиш даражаси.
2. Ўзбек антропонимикаси ва унинг асосий муаммолари ҳақида.
3. Исм, ота исм, фамилия, лақаб, тахаллус, уларнинг ўзаро муносабати.
4. Ўзбек антропонимиясининг ўз ва ўзлашган қатлами.
5. Бадий асарларда қўлланган антропонимлар ҳақида. “Ономапозетика” ёки бадий адабиётда “гапирувчи номлар” масаласи.

6-мавзу: Ўзбек зоонимикаси ва унинг асосий муаммолари

Режа:

1. Ўзбек зоонимикаси ва унинг ўрганилиш даражаси.
2. Ўзбек зоонимикаси ва унинг асосий муаммолари ҳақида.
3. Зоонимларнинг таснифий белгилари ҳақида умумий маълумот.
4. Ўзбек зоонимиясининг грамматик тузилиши.
5. Зоонимлар услубий восита сифатида.

7-мавзу: Ўзбек космонимикасининг асосий муаммолари ва ўрганилиш даражаси

Режа:

1. Ўзбек космонимикаси ва унинг ўрганилиш даражаси.
2. Ўзбек космонимикасининг асосий муаммолари.
3. Самовий жисмлар, юлдузлар, планеталар, ой, куёш номлари.
4. Ўзбек космонимларининг ясалиш усуллари.

5. Ўзбек космонимларининг грамматик хусусиятлари ҳақида тушунча.

8-мавзу: Ўзбек теонимикаси, идеонимикаси, ктематонимикаси ва уларнинг асосий муаммолари

Режа:

1. Ўзбек теонимикаси ва унинг асосий муаммолари.
2. Ўзбек идеонимикаси ва унинг асосий муаммолари.
3. Ўзбек ктематонимикаси ва унинг асосий муаммолари.
4. Ўзбек мифонимикаси ёки Хизр, пайғамбар номлари ҳақида.
5. Бадиий асар сарлавҳалари ва уларнинг ўзига хос белгилари.

9-мавзу: Ўзбек ономастикасида имло ва транскрипция масалалари

Режа:

1. Ўзбек ономастикасида имло ва транслитерация масалалари.
2. Ўзбек ономастикасида транскрипция, ўзлашма ономастик бирликларни лугатларда кодификациялаш масалалари.
3. Ўзбек исмларининг русча имлоси ҳақида.
4. Топонимлар имлоси ва талаффузининг айрим масалалари.

10-мавзу: Ўзбек ономастикаси муаммоларини мактабда, лицей ва коллежларда ўрганиш муаммолари

Режа:

1. Ўзбек ономастикаси муаммоларини мактабда, лицей ва коллежларда ўрганиш муаммолари.
2. Ўрта мактаб, лицей ва коллежларда “Ўзбекистон топонимияси”, “Ўзбек ономастикаси” тўғрагини ташкил этиш масалалари.
3. Ономастик лексика ва уни мактабда, лицей ва коллежларда ўрганиш усуллари ҳақида.
4. “Ўзбек топонимларининг ўқув лугати” (2007) ва ундан фойдаланиш масалалари.

“Ўзбек ономастикаси масалалари”

таълиқнома фанидан семинар машғулоти режалари

Ажратилган вақт: 18 соат

1-мавзу: Ўзбек ономастикаси ва унинг бошқа фанлар билан муносабати

Режа:

1. Ўзбек ономастикаси ва унинг бошқа фанлар билан муносабати масалалари ҳақида умумий тушунча.
2. Ўзбек ономастикаси ва унинг тарих фани билан муносабати ҳақида.
3. Ўзбек ономастикаси ва унинг география фани билан муносабати.
4. Ўзбек ономастикаси ва унинг этнография фани билан муносабати.
5. Ўзбек ономастикаси ва унинг фалсафа, социология ва маданиятшунослик фанлари билан муносабати.
6. Ўзбек ономастикаси ва унинг картография, лексикография фанлари билан муносабати ҳақида.

2-мавзу: Ўзбекистон ҳудудидаги топонимларнинг ўрганилиш тарихи ҳақида

Режа:

1. Ўзбекистон ҳудудидаги топонимларнинг ўрганилиш тарихи ҳақида умумий маълумот.
2. Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий топонимия масалаларининг ўрганилиши.
3. Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳар микро ва макротопонимияси масалаларининг ўрганилиши.
4. Ўзбек топонимиясидаги Тошкент, Самарқанд, Бухоро топонимларининг ўрганилиши ҳақида.
5. Ўзбекистон топонимиясининг ўрганилишида Х.Ҳасанов, Б.Аҳмедов, А.Муҳаммаджонов, С.Қораев каби олимларнинг ҳиссаси.
6. Ўзбекистон топонимиясининг ўрганилишида Т.Нафасов, Т.Эназаров каби олимларнинг ҳиссаси.

3-мавзу: Ўзбекистон топонимлари ва гидронимлари ҳамда уларнинг номланиш хусусиятлари

Режа:

1. Ўзбекистон топонимлари ва уларнинг номланиш хусусиятлари ҳақида тушунча.
2. Ўзбекистон ойконимлари ва этноойконимларининг номланиш хусусиятлари.
3. Ўзбекистон антропоойконимлари ва фитоойконимларининг номланиш хусусиятлари.
4. Ўзбекистон ҳудудидаги геоморфологик ойконимлар ва кўчма ойконимларнинг номланиш хусусиятлари.
5. Ўзбекистон гидронимлари ва уларнинг номланиш хусусиятлари.

4-мавзу: Ўзбекистон ҳудудидаги гидронимларнинг ўрганилиш даражаси

Режа:

1. Ўзбекистон ҳудудидаги гидронимлар ва уларнинг ўрганилиш даражаси ҳақида.
2. Ўзбекистон гидронимлари орасида ўз ва ўзлашган катлам ҳақида.
3. Ўзбекистон гидронимларининг грамматик структураси ва ясалиш хусусиятлари.
4. Ўзбекистон ҳудудидаги айрим макрогидронимлар ва микрогидронимларнинг этимологик таҳлили ҳақида.

5-мавзу: Ўзбек этнонимикаси ва унинг ўрганилиш даражаси

Режа:

1. Ўзбек этнонимикаси ва унинг асосий масалалари.
2. Ўзбек этнонимиясининг ўрганилишида Б.Аҳмедов, С.Қораев, Х.Дониёров каби олимларнинг ҳиссаси.
3. Ўзбек этнонимиясининг ўрганилишида Ғ.Абдурахмонов, У.Санакулов, Қ.Марқаев каби олимларнинг ҳиссаси.
4. Айрим туркий этнонимларнинг этимологик таҳлили масалалари.
5. “Найман”, “қипчоқ”, “ўзбек”, “ўғиз” каби этнонимларнинг этимологик таҳлили ҳақида маълумот.

6-мавзу: Ўзбек антропонимикаси ва унинг асосий муаммолари

Режа:

1. Ўзбек антропонимикаси ва унинг ўрганилиш даражаси.
2. Ўзбек антропонимикаси ва унинг асосий муаммолари.

3. Ўзбекистон ҳудудидаги антропонимик сериялар ва уларнинг қўлланиш хусусиятлари.
4. Ўзбек антропонимларининг ўз қатлам ва ўзлашма қатлами.
5. Рус тилидаги туркийча исмлар ва уларнинг имлоси ҳақида.

**7-мавзу: Ўзбек антропонимик услубияти
ва унинг асосий муаммолари**

Режа:

1. Ўзбек антропонимик услубияти ва унинг ўрганилиш даражаси.
2. Ўзбек антропонимик услубияти ва унинг муаммолари ҳақида.
3. Бадий асарларда антропонимларнинг услубий хусусиятлари.
4. Ономапозтика ва бадий адабиётда “гапирувчи номлар” масаласи.
5. Бадий асарлардаги номлар таржимаси ҳақида.

**8-мавзу: Ўзбек тарихий антропонимикаси ва
услубияти масалалари**

Режа:

1. Ўзбек тарихий антропонимикаси ва услубияти масалаларининг ўрганилиш даражаси.
2. Ўзбек тарихий антропонимикаси ва услубиятининг асосий масалалари.
3. Алишер Навоий асарларида антропонимларнинг қўлланиш хусусиятлари.
4. Соҳибқирон Амир Темурнинг исми ва унвонлари ҳақида маълумот.
5. “Лайли”, “Фарҳод”, “Мажнун”, “Ширин” каби антропонимларнинг маъноси ва услубий хусусиятлари.

**9-мавзу: Ўзбек зоонимлари, орнитонимларини
ўрганиш масалалари**

Саволлар:

1. Ўзбек зоонимлари, орнитонимлари ҳақида умумий тушунча.
2. Ўзбек зоонимлари, орнитонимларининг ўрганилиш даражаси.

3. “Лисон-ут-тайр”даги ва “Зарбулмасал”даги куш номлари ҳақида.

4. Зоонимлар ва орнитонимлар услубий восита сифатида.

5. Ўзбек ономастикаси масалаларининг мактабда, лицей ва коллежларда ўрганилиши масалалари.

**“Ўзбек ономастикаси масалалари”
танланма фанидан
мустақил таълим мавзулари**

Ажратилган вақт: 60 соат

№	Мустақил таълим мавзулари	Соат	Бажарилган-лик санаси
1	Турли луғатлардан “ономастика”, “ономастик кўлам”, “ономастик майдон”, “ономастик кўламча”, “топоним”, “топонимик индикатор” каби атамалар изоҳи аниқланиб, уларни қиёсий шарҳлаш.	4	
2	Содда, бирикмали ва мураккаб топонимларнинг ҳар бирдан ўнтадан аниқлаб, уларнинг таркибини, этимологиясини ёзма изоҳлаш.	4	
3	Содда, бирикмали ва мураккаб этноойконим, этнотопонимларнинг ҳар бирдан ўнтадан аниқлаб, уларнинг таркибини, этимологиясини ёзма изоҳлаш.	4	
4	Содда, бирикмали ва мураккаб гидронимларнинг ҳар бирдан ўнтадан аниқлаб, уларнинг таркибини, этимологиясини ёзма изоҳлаш.	4	
5	Содда, бирикмали ва мураккаб антропонимларнинг ҳар бирдан ўнтадан аниқлаб, уларнинг таркибини, этимологиясини ёзма изоҳлаш.	4	
6	Уруғ, қабила, элат, халқ ва миллат номлари этнонимларнинг ҳар бирдан ўнтадан аниқлаб, уларнинг	4	

	таркибини, этимологиясини ёзма изохлаш.		
7	Самовий жисмлар, юлдузлар, планеталар, ой ва қуёш номлари космонимларнинг ҳар биридан бештадан аниқлаб, уларнинг таркибий қисмларини ёзма шарҳлаш.	4	
8	Ўзбек идеонимияси, библионимияси ва ктематонимиясига оид ўнтадан мисоллар аниқлаб, ёзма шарҳлаш.	4	
9	Анқо, самандар, қакнус каби афсонавий, мифологик орнитонимларнинг бадиий ва публицистик матнларда бажарадиган вазифаларини аниқлаб, уларнинг ҳар бирини бештадан мисол ёрдамида ёзма шарҳлаш.	4	
10	Антропонимларнинг бадиий ва публицистик матнларда бажарадиган услубий вазифаларини аниқлаб, уларнинг ҳар бирини бештадан мисол ёрдамида ёзма шарҳлаш.	4	
11	Ўзбек ономастик кўлами ва унинг таркибий қисмларини аниқлаб, уларни ёзма жадвал асосида изохлаш.	4	
12	Ўзбек топоним ва антропонимларидан арабча, форсча элементларни аниқлаб, ўнтадан мисол ёрдамида ёзма изохлаш.	4	
13	Ўзбек топоним ва антропонимларидан хитойча, мўғулча ва сўғдча элементларни аниқлаб, ўнтадан мисол ёрдамида ёзма изохлаш.	4	
14	Ўз яшаётган қишлоғингиз ҳудудидаги микропонимларни тўплаб, уларнинг маъно таркибини ва этимологиясини ёзма равишда изохланг.	4	
15	Ўз яшаётган қишлоғингиз ҳудудидаги гидронимларни, некронимларни, урбонимларни ва бошқа ономастик	4	

бирликларни тўплаб, уларнинг маъно таркибини ва этимологиясини ёзма равишда изоҳланг.		
ЖАМИ:	60	

“Ўзбек ономастикаси муаммолари”

танланма фанидан мустақил иш (реферат)ларнинг мавзулари

1. Ўзбек тарихий (диахрон) ва замонавий (синхрон) гидронимияси масалалари ҳақида умумий тушунча.
2. Ўзбек гидронимларининг номланиш тамойиллари.
3. Ўзбек тили гидронимларининг хронологик таснифи.
4. Ўзбек халқининг қабила ва уруғлари номлари (этнонимлар) тарихий манбаларда.
5. Ўзбек этнонимларининг луғавий хусусиятлари ва грамматик тузилиши.
6. 92 бовли ўзбек уруғ ва қабила номлари, уларнинг ўрганилиши ҳақида.
7. Исм, ота исм (отчество), фамилия, лақаб, тахаллус, уларнинг ўзаро муносабати.
8. Ўзбек антропонимиясида ўз ва ўзлашган қатлам.
9. Бадий асарларда қўлланган антропонимлар ҳақида. Ўзбек ономопозтикаси масалалари.
10. Ўзбек тилшунослигида космонимиянинг ўрганилиш даражаси.
11. Ўзбек тилида самовий жисмлар, юлдузлар, планеталар, ой ва куёш номлари, уларнинг семантик хусусиятлари.
12. Космонимларнинг ясалиши ва грамматик структураси.
13. Ўзбек халқ космонимияси ва мифологик космонимия масалалари.
14. Ўзбек теонимиясининг асосий масалалари, уларнинг ўрганилиш даражаси.
15. Ўзбек идеонимияси, библионимияси ва ктематонимияси масалалари, уларнинг ўрганилиш даражаси.
16. Хизр, пайғамбар номлари, уларнинг бадий асарларда қўлланилиши.
17. Ўзбек ономастикасида имло ва транскрипция масалаларининг ўрганилиш даражаси.

18. Ўзбек исмларининг русча имлоси ва транскрипцияси масалалари.
19. Ўзбек тилида топонимлар имлоси ва талаффузининг айрим масалалари.
20. Ўзбек гидронимларининг имлоси ва транскрипцияси масалалари.
21. Ўзбек ономастикаси масалаларининг мактабда, лицей ва коллежларда ўрганиш ҳақида.
22. Ономастик лексика, уни уядош сўзлар, алоҳида лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ)лар сифатида ўрганилиш даражаси.
23. Топонимик луғат ва ўқув топонимик луғатларининг ономастика таълимини яхшилашдаги ўрни.
24. Мактабда бадий асардаги қахрамонлар номлари, бадий асар сарлавҳаларини ўқитиш муаммолари.
25. Ўзбекистон ҳудудидаги гидронимларнинг ўрганилиш даражаси ҳақида.
26. Гидронимларнинг мавзуй гуруҳланиши ва таркибий тузилиши.
27. Айрим гидронимларнинг этимологик таҳлили ҳақида.
28. Гидронимларнинг бошқа ономастик бирликлар билан муносабати ҳақида.
29. Ўзбек этнонимларининг ўрганилишида К.Шониёзов, Б.Аҳмедов, Х.Дониёров каби олимларнинг ҳиссаси.
30. Ўзбек этнонимларининг ўрганилишида Н.Бегалиев, А.Туробов, К.Марқаев каби олимларнинг ҳиссаси.
31. Айрим этнонимлар (найман, ўзбек, кипчок, ўғиз, қарлук қабилар) нинг этимологик таҳлили масалалари.
32. Ўзбек тарихий антропонимияси ва унинг ўрганилиш даражаси.
33. Алишер Навоий асарлари ономастикаси ва унинг ўрганилиши ҳақида.
34. Ўзбек тарихий романларида топонимлар ва гидронимларнинг қўлланилиши (П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асари асосида).
35. Ўзбек тарихий романларида топонимлар ва гидронимларнинг қўлланилиши (П.Қодировнинг “Авлодлар довоғи” асари асосида).

36. Ўзбек тарихий романларида топонимлар ва гидронимларнинг қўлланилиши (Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар” романи асосида).
37. Ўзбек тарихий романларида топонимлар ва гидронимларнинг қўлланилиши (Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогияси (биринчи китоб) асосида).
38. Ўзбек тарихий романларида топонимлар ва гидронимларнинг қўлланилиши (Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогияси (иккинчи китоб) асосида).
39. Ўзбек тарихий романларида топонимлар ва гидронимларнинг қўлланилиши (Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогияси (учинчи китоб) асосида).
40. Ўзбек тарихий романларида топонимлар ва гидронимларнинг қўлланилиши (П.Қодировнинг “Она лочин видоси” асари асосида).
41. Ўзбек тарихий романларида топонимлар ва антропонимларнинг қўлланилиши (П.Қодировнинг “Шохрух ва Гавхаршод” асари асосида).
42. Ўткир Ҳошимовнинг ҳажвий асарларида ономастик бирликларнинг қўлланилиш хусусиятлари (“Сўққабош бевагина” тўплами асосида).
43. Шоир Абдулла Ориповнинг драматик дostonларида ономастик бирликларнинг қўлланилиш хусусиятлари.
44. Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” асарида ономастик бирликларнинг қўлланилиш хусусиятлари.
45. Шоир Миртемир поэзиясида ономастик бирликларнинг функционал-семантик хусусиятлари.
46. Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарида антропонимларнинг функционал-семантик хусусиятлари.
47. Тоҳир Маликнинг “Талваса” романида антропонимларнинг функционал-семантик хусусиятлари.

“Ўзбек ономастикаси масалалари”
танланма фанидан умумий адабиётлар рўйхати
1. Илмий-назарий асарлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 176 б.
2. Бондалетов В.Д. Русская ономастика. М.: Просвещение, 1983. – 224 с.
3. Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси. Библиографик кўрсаткич. – Наманган, 2008. – 168 б.
4. Бегматов Э. Номлар ва одамлар. – Тошкент: Фан, 1966. – 52 б.
5. Бегматов Э. Жой номлари – маънавият кўзгуси. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 64 б.
6. Бегматов Э. Истиклол ўлкасининг топонимик сиёсати // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997. № 3. – Б. 3-9; № 4. – Б. 7-9.
7. Бегматов Э., Авлоқулов Я. Ўзбек ономастикасининг микроқўдами // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. № 3. – Б. 17-21; 2007. № 5. – Б. 33-39; 2008. № 1. – Б. 55-60.
8. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – 98 б.
9. Каримов С., Бўриев С. Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида. – Тошкент: Фан, 2006. – 131 б.
10. Эгазаров Т. Номшунослик масалалари. Услубий қўлланма. – Тошкент: Университет, 2010. – 112 б.
11. Қораев С. Топонимика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. – 320 б.
12. Асланов А.С. Шофиркон тумани микротопонимиясининг лингвистик таҳлили. НДА. – Тошкент, 2005. – 26 б.
13. Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари (лисоний таҳлил). НДА. – Самарқанд, 1994. – 24 б.
14. Бегалиев Н. Ўзбек этнонимлари тарихидан. – Самарқанд: СамДЧТИ наشري, 2004. – 92 б.
15. Бегалиев Н. Самарқанд топонимияси (мақолалар тўплами). – Самарқанд: СамДЧТИ наشري, 2010. – 128 б.
16. Бегматов Э. Исм чиройи. – Тошкент: Фан, 1994. – 152 б.
17. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 104 б.
18. Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. НДА. – Тошкент, 1994. – 24 б.
19. “Жой номлари – халқ тили ва маънавиятининг нодир мероси” мавзuidaги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Навоий, 1998. – 106 б.
20. Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Ташкент: «Шарк», 2006. – 192 с.
21. Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 1982. – 96 б.

22. Марқаев К.Ш. Ўзбек тили этнонимларининг лисоний тадқиқи (Жанубий Ўзбекистон ҳудуди материаллари асосида). НДА. – Тошкент, 2007. – 26 б.
23. Нафасов Т. Самарқанд полисоними // СамДУ илмий-тадқиқотлар ахборотномаси, 2011. № 4 (68). – Б. 57-62.
24. Номшунос олим (проф. Т.Нафасовнинг илмий-педагогик фаолияти ҳақидаги илмий мақолалар тўплами). – Қарши: ҚаршиДУ нашри, 2008. – 256 б.
25. Ономастика Востока. - М.: Наука, 1980. - 236 с.
26. Ономастика Узбекистана. Материалы 2-республиканской научно-теоретической конференции (Қарши, 14-16 сентябры 1989 г.). - Ташкент, 1989. – 208 с.
27. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. - Тошкент, Фан, 1989. - 56 б.
28. Отажоновна А. Хоразм этнонимлари. – Тошкент: Фан, 1997. – 129 б.
29. Раҳматов Т. Топонимия города Самарканда и ее окрестностей. АКД. – М.: 1973. – 31 с.
30. Тиллаева М.Б. Хоразм ономастикаси тизимининг тарихий-лисоний тадқиқи (“Авесто” ономастикасига қиёслаш асосида). НДА. – Тошкент, 2008. – 26 б.
31. Турдибеков М.Т. Абулғози Баходирхоннинг “Шажарайи турк” асари ономастикаси. НДА. – Тошкент, 2001. – 22 б.
32. Туробов А. Самарқанд этноним ва этноонимлари. – Самарқанд: СамДУИИ нашри, 2004. – 88 б.
33. Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008. – 192 б.
34. Худойберганаев Р.Ю. Ўзбек антропонимияси тизимининг вариантдорлиги. НДА. – Тошкент, 2008. – 26 б.
35. Шукуров А. “Ўзбек” атамасининг келиб чиқиши ҳақида. – Қарши. “Насаф” нашриёти, 2010. – 68 б.
36. Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимлари: лугавий асослари ва этимологик тадқиқ йўллари. ДДА. – Тошкент, 2006. – 56 б.
37. Қурбонов Т, Худойбердиева М. Бадний асарлардаги топонимларнинг лингвистик таҳлили ва изохи масаласи (Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Ҳумоюн ва Акбар” романлари материаллари асосида). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – 79 б.
38. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – 81 б.
39. Ҳусанов Н. ХУ аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари (1-китоб). – Тошкент: “Ёзувчи”, 1996. – 126 б.
40. Ҳусанов Н. ХУ аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари (2-китоб). – Тошкент: “Ёзувчи”, 1997. – 134 б.

II. Луғатлар:

41. Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – 104 б.
42. Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. – 208 б.
43. Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. 3-нашр. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” навлат илмий нашриёти, 2010. – 608 б.
44. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 174 б.
45. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 290 б.
46. Нафасов Т., Нафасова В. Ўзбек тили топонимларининг ўқув изоҳли луғати (мактаб ўқувчилари, коллеж ва лицей талабалари учун). – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007. – 87 б.
47. Нафасов Т. Қашқадарё кишлоқномаси. Қашқадарё вилояти кишлоқлари номининг тадқиқи. – Тошкент: “Мухаррир” нашриёти, 2009. – 432 б.
48. Нормуродов М., Нафасов Т. Чирокчинома. Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани кишлоқлари номининг тадқиқи. – Тошкент: “Мухаррир” нашриёти, 2010. – 168 б.
49. Подольская НВ. Словарь русской ономастической терминологии. – М: Наука, 1978. – 199 с.
50. Турон қавмлари. Кичик энциклопедик луғат. Тузувчи: Зойир Зиётов. – Тошкент: “Истиклол”, 2008. – 232 б.
51. Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Самарқанд, 2007. – 80 б.
52. Ўринбоев Б. Асрлардек барҳаёт номлар (Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи). – Самарқанд: Зарафшон, 2003. – 264 б.
53. Ўринбоев Б., Ҳолиқов О. Мактаб топонимик луғати. – Самарқанд, 2004. – 92 б.
54. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 204 б.
55. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005. – 240 б.
56. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2002. – 164 б.

Шартли қисқартмалар:

АДД – автореферат докторской диссертации.

АКД – автореферат кандидатской диссертации.

ДДА – докторлик диссертацияси автореферати.

НДА – номзодлик диссертацияси автореферати.

ТТИЛ – Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002.

ЎзАС – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси.

ЎзМЭ – Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1-ХП-томлар. – Тошкент, 2001-2007.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик. – М.: 1981.

ЎТИЛ-5 – Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдди. – Тошкент, 2006-2008.

ЎТСИЛ – Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 1974.

**Ўзбек ономастикаси масалалари» танланма фанидан
талабалар билимини жорий баҳолаш МЕЗОНЛАРИ**

Максимал балл			Баҳоладиган иш турлари
Жами	1-ЖБ	2-ЖБ	
5	3	2	Дарсга назарий тайёргарлик билан келиш ва фаол иштирок этиш
6	3	3	Умумий ва яқка тартибдаги уй вазифаларини ўз вақтида бажариш
5	2	3	Кундалик машғулотларда фаол иштирок этиш ва вазифаларни ўз вақтида бажариб келиш, мазмунли чиқишлар қилиш
6	3	3	Назорат иши, мавзулар бўйича дафтарларини ўз вақтида топшириш
6	3	3	Ўқув дастурига қўшимча топшириқларни ўз вақтида бажариш (мустақил иш)
7	4	3	Машғулотларга қатнашиш (давомат)
35	18	17	

**«Ўзбек ономастикаси масалалари» таълиямма фанидан
рейтинг назоратлари ЖАДВАЛИ**

Таълим йўналиши: *5А 220100 – бакалавриант филология
(ўзбек тили ва адабиёти)*

Курс – 3

Таълим шакли – *кундузги*

Семестр – 5

Умумий ўқув соати – 54, маъруза – 16, амалий машғулот – 20, семинар – 18,
мустикал иш – 60

Ишчи ўқув дастуридаги мавзулар тартиб рақами	Умумий соат					Баҳолаш тури	Назорат шакли	Балл		Муддат (хафта)
	Маъруза	Амалий	Семинар	Мустикал иш	Жами			Мак балл	Сар балл	
1-8-маъруза, амалий, семинар	16	20	18	60	114	ЖБ	Оғзаки сўраш ва баҳоланадиган бошқа иш турлари	35	-	Дарс давомида
1-8-Маъруза	16	20	18	60	114	ОБ	Ёзма иш	35	-	Жадвал асосида
Жами ЖБ, ОБ	16	20	18	60	114	ЖБ, ОБ		70	39	
ЯБ	16	20	18	60	114	ЯБ	Ёзма	30 100	17 56	Жадвал асосида

Тузувчи:

проф. Б.Йўлдошев

Кафедра мудир:

проф. А.Абдусайдов

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
1-маъруза. “Ўзбек ономастикаси масалалари” мавзуидаги танланма фаннинг мақсади ва вазифалари.....	8
2-маъруза. Тилшуносликда атоқли отларнинг ўрганилиш тарихидан.....	13
3-маъруза. Ўзбек ономастикаси муаммоларининг ўрганилиш тарихидан.....	18
4-маъруза. Ономастик кўлам тушунчаси ҳақида.....	22
5-маъруза. Ономастик тадқиқот методлари ҳақида.....	27
6-маъруза. Ўзбек антропонимикаси ва унинг асосий муаммолари.....	37
7-маъруза. Ўзбек топонимикаси ва унинг асосий муаммолари.....	44
8-маъруза. Ўзбек гидронимикаси ва этнонимикасининг асосий муаммолари.....	49
9-маъруза. Ўзбек космонимикаси ва идеонимикасининг асосий муаммолари.....	57
10-маъруза. Ўзбек теонимикаси, мифонимикаси масалалари. Ономастикада имло ва транскрипция. Ономастиканинг мактаб, лицей ва коллежларда ўрганилиши ҳақида.....	64
11-маъруза. Ўзбек ономастик лексикографияси муаммолари.....	72
“Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанидан тест топшириқлари.....	82
“Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанидан амалий машғулотлар режалари.....	93
“Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанидан семинар машғулотлари режалари.....	96
“Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанидан мустақил таълим мавзулари.....	99
“Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанидан мустақил иш (реферат)ларнинг мавзулари.....	101
“Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанидан умумий адабиётлар рўйхати.....	104
Шартли кискартмалар.....	106
“Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанидан талабалар билимини жорий баҳолаш мезонлари.....	107
“Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фанидан рейтинг назоратлари жадвали.....	108

Йўлдошев Бекмурод

“ЎЗБЕК ОНОМАСТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ”

танланма фанидан услубий қўлланма

Мухаррир

Қ.Мелиев

Мусаххих

М.Рўзибоев

Тех. мухаррир

З.Мелиев

*2011 йил 15 сентябрда оригинал макетдан босшига рухсат этилди.
Бичими 60x84/1.16, “Times New Roman” гарнитураси.
Офсет қоғози. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма тобоғи 7,0.
Наширёт босма тобоғи 5,5. Адади 100 нусха. 197- буюртма.*

*СамДУ босмахонасида чоп этилди.
140101, Самарқанд ш., Университет хийбони, 15.*